Валишер Мадаминов

# ЁЛЛАНМАГАН ҚОТИЛ

ДЕТЕКТИВ ҚИССА



84
М.73

Валишер Мадаминов

# ЁЛЛАНМАГАН ҚОТИЛ

ДЕТЕКТИВ
ҚИССА

1461

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Инв. № 363

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 821.512.133-3
ББК: 84(5Ў)6
М – 73

М – 73 **Мадаминов, Валишер**
Ёлланмаган қотил: Детектив қисса. – Т.: «Sharq», 2013. – 144 б.

Шерлок Холмс ва Доктор Ватсонлар жаҳон детективининг энг машҳур ва ўлмас қаҳрамонларидан ҳисобланади. Уларнинг ғаройиб ва такрорланмас саргузаштлари асрлар оша минглаб китобхонларни ўзига сеҳрламоқда, ошно қилмоқда. Шу боисдан, икки қаҳрамонга ўхшаган образларни яратиш учун дунё адабиётида бир қатор уринишлар бўлган.

Валишер Мадаминовнинг мазкур «Ёлланмаган қотил» асарини шундай образлар яратиш борасидаги интилиш деб баҳолаш мумкин. Китобхон асарда Раҳматулло Жўраевнинг хатти-ҳаракатлари, ҳеч кимникига ўхшамаган феъл-атвори, иш услуби билан танишар экан ўзбек терговчиларнинг ҳам бошқаларникидан кам бўлмаган билими, истъедоди, дунёқараши, топқирлиги, донишмандлиги борлигига ишонч ҳосил қилади.

Муаллифнинг дастлабки «Ўргимчак тўри» асари каби, ушбу қиссаси ҳам китобхонларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-00-469-6

УДК 821.512.133-3
ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-469-6

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013.

Нодирбек тўрт йилдан буён тергов соҳасида хизмат қилаётган бўлса-да, бунақа ишга энди дуч келиши. Хизматида ўз ишига зукко, катта-кичик турли жиноятларни содир этган жиноятчиларнинг ишларини очган. Лекин, қотилни айбига иқрор қилгунча, она сути оғзига келган дамлар ҳам бўлган. Аммо бу қўлидаги жиноят иши эса ғирт тескари: қотил марҳумнинг тепасида ўтирибди!

Нодирбекнинг қулоғи остида Акмалжоннинг мунг тўла овози эшитилгандай бўлди: «Муҳаббатни ўлдириб қўйдим, Муҳаббатни!»

У Раҳматулло аканинг сўзларини эслади: «Қотил одам бундай сўзларни айтмайдида! Айтган тақдирда ҳам, мени ушланглар, жазоланглар деб марҳумнинг тепасида бир кеча-кундуз мелисаларни кутиб ўтирмайди!»

«Унда қотил ким?»

– Бугун ишга кечроқ борасизми?

Хотини берган бу саволни Нодирбек унча англамади.

– Нима дединг? – у хотинига хаёл билан қаради.

– Ишга кечроқ борасизми?

– Йўқ, ҳозир боришим керак, – Нодирбек соатига кўз ташлади: саккизга яқинлашиб қолибди. У дастурхон устида ҳам танишиб

ўтирган қоғозларини шошилиб папкасига солиб, эшик томон юрди.

– Чойингизни ҳам ичмабсиз? Хаёлингиз бир жойдамас сизнинг, – ортидан хотинининг овози эшитилди.

Ҳа, кўпдан буён Нодирбекнинг аҳволи шу: на ичишида, на ейишида, на юришида, на туришида маъно бор: миясида фақат – қотиллик. Ўйлагани сайин ўйининг охирига етолмайди.

* * *

Навбатчининг телефони устма-уст жиринглади.

– Навбатчи – милиция капитани Жабборов эшитади!

– Тепа қаватдаги қўшнимиз Муҳаббатга қўнғироқ қилсам, ҳеч ким жавоб бермаяпти, – телефон гўшагидан аёл кишининг мулойим овози эшитилди. – Бирор нима юз берганми деган хавотирдаман.

– Уйида йўқдир? – навбатчи сўради.

– Чиқиб, эшигини икки-уч бор тақиллатдим, ҳеч ким жавоб бермади, – аёл бир оз жим қолди. Сўнг, ҳаяжон билан давом этди. – Кеча бақириқ овозини эшитгандим. Муҳаббатнинг товушига ўхшаб кетарди. Ундан олдин Муҳаббат меникига чиққанди. Уй кийимида эди. «Қурук чой олиб келиш хаёлимдан кўтарилибди. Яна кийиниб, кўчага чиққани эриняпман», деди. Чой бердим, уйига чиқиб кетди. Бугун эрталабдан буён қўнғироқ қиламан, биров гўшакни олмайди.





– Уйда одам бўлмаса керак. У ер-бу ерга чиққандир? – навбатчи хотиржам сўради.

– Уйида одам бор-да! – аёл қайсарлигини қўймай давом этди. – Бундан ярим соат илгари, йўлакда эдим, эшиги очилиб, ёпилганини аниқ билдим. Кутиб турдим, аммо тепадан ҳеч ким тушиб келмади. Демак, Муҳаббат ичкарига кирган. Яна телефонга ёпишдим, аммо жавоб бўлмади.

– Қизиқ?..

– Ундан кейин, – аёл дадилланиб давом этди. – Эрталаб атай пастга тушиб ойнасидан қарагандим. Уйидаги чироқ ёниб турибди. Муҳаббат ҳеч қачон чироғини ёниқ ташлаб кетмасди... Бир бало бўлганов.

– Манзилни айтинг...

* * *

Зудлик билан етиб борган тезкор гуруҳни ҳаяжонланган қўшнилар кутиб олди. Прокуратура терговчиси Нодирбек Темуров уларни икки оғиз саволга тутгач, шошиб иккинчи қаватга кўтарилди. Кўрсатилган эшик қаршисида бир зум туриб қолди. Ичкаридан овоз эшитилмасди. Қўнғироқни чалди, жавоб бўлмади. Терговчи савол аломати билан қўшниларга юзланди.

– Сизларга мен қўнғироқ қилгандим, – ўттиз беш ёшлардаги истарали аёл қўшнилардан ажралиб чиқди. – Исмим – Бадриддин қизи Дилфуза. Пастки қаватда яшайман, – у ҳаяжон билан қўшиб қўйди: – Муҳаббатга бир нарса бўлган,

кўнглим сезиб турибди. Эшикни бузиб бўлсада, киринглар!

– Эшикни нимага бузишар экан! – эркак кишининг шанғиллаган овози эшитилди. Ҳамма ортига ўгирилди. Зинадан яккам-дуккам сочлари оқариб кетган, олтмиш ёшлардаги киши чиқиб келарди. – Эшикни нимага бузишар экан? – сўради у жаҳл билан.

– Битта Ҳасан бақироқ етмай турганди! – деди қўшнилардан кимдир.

– Буларга фақат бузиш бўлса, қуриш йўқ! – деди Ҳасан бақироқ деганлари луқмага парво қилмай. Сўнг ёнидан калит чиқарди. – Мана, калит! – у калитни кўз-кўз қилиб атрофга мағрур боқди. – Сув-пув тошиб кетиши бор, сиз ҳамиша шу ердасиз, деб менга биттасини бериб қўйганди.

Нодирбек Ҳасан бақироқ билан гаплашишни кейинга қолдириб, милиция ҳудуд нозири – Азизга ишора қилди. Азизбой калитни олиб, эшикни очди.

Уйда тўполон бўлганлиги йўлакдан ҳам сезилиб турарди: Кийим илгич битта михда қийшайиб турар, жавон ағанаб, туфлилар сочилиб ётарди.

Ичкари хонадаги аҳвол бундан ҳам баттар: стуллар ағанаган, диван қийшайиб ётибди… Ўртадаги гилам устида эса, бир аёл қонга беланиб ётарди. Нодирбек бу манзарани кўриб унчалик ҳам ҳаяжонга тушмади. Мурдаларни кўравериб дийдаси қотиб кетган. Аммо… мур-







Кутубхона ... Инв. № 114 ... 197 г.

данинг тепасида, стулда, қора костюм-шим кийган, икки қўли билан сочларини тутамлаб, марҳумдан кўз узмай ўтирган йигитни кўриб, қалқиб кетди. Шарпани сездими, йигит бошини кўтариб, ўрнидан турди. Сўнг икки қўлини олдинга чўзиб:

– Муҳаббатни ўлдириб қўйдим, Муҳаббатни! – деди мунгли овозда.

Унинг товуши жуда секин чиқди, аммо ҳамма эшитди: Нодирбекнинг этлари жимирлаб кетди. Йигитга тикилганча, жойида қотиб қолди.

Йигит ўттиз беш, қирқ ёшларда. Қора костюм-шими спортчиларникига ўхшаган келишган қадди-қоматига ярашиб турибди. Оппоқ кўйлагига тақилган қизил галстуги уни янада савлатли кўрсатарди. Нодирбек йигитнинг юзларига диққат билан қараб, йиғидан юзлари, кўзлари қизариб кетганини билди.

– Нодирбек, – шифокор терговчини тирсаги билан секин туртиб, қоши билан йигитга ишора қилди.

Йигит ҳамон ўша ҳолатда эди: қўллари олдинга чўзилган... Аммо Муҳаббатдан кўз узолмасди. Қўлларига кишан солиб, олиб чиқиб кетишаётганда, ҳам унинг кўзлари марҳумада эди.





* * *

Шифокор аёлнинг томир уришини текширган бўлди. Сўнг ҳафсаласи пир бўлиб, аммо хотиржам оҳангда жавоб берди:

– Афсус кечикибмиз.

– Қотиллик босқинчилик йули билан содир этилганга ўхшайди! – Нодирбек уни кувватлади.

– Зўрлаш, қотиллик, босқинчилик – ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин, – уларнинг ортидан прокуратура катта терговчиси полковник Раҳматулло Жўраевнинг мулойим овози эшитилди.

«Ҳамиша шундай, – деб Нодирбек устози ҳақида ўйлай кетди. – Раҳматулло ака шошмайди, аммо ҳамиша вақтида етиб келади».

Раҳматулло ака эллик ёшда. Йигирма беш йилдан буён шу соҳада ишлайди. У очмаган жиноят қолмаган деса бўлади. Аммо феъли... Бир жиноят ҳақида иш бошладими, гунг-соқов бўлиб қолади. Ўзи оғиз жуфтламаса, тилини суғуриб олсангиз ҳам бир сўз айтмайди. Айниқса, иш устида. Иш очилиб, жиноятчи топилиб, хулоса қилингач, Раҳматулло акани ана унда кўринг, булбулигўё бўлиб кетади:

– Терговчининг иши фақат текширишдан, суриштиришдан, савол-жавоб қилишдан иборат эмас, бўталоғим! Ҳақиқий терговчи тинимсиз ҳаракатдаги одам бўлмоғи керак. Ўқиш-ўрганиш, газета-журналларни кузатиб бориш терговчининг кун тартиби бўлмоғи керак. Шундагина бугуннинг нафасини сеза оласан.

Қўлинг бўшаб қолса, чойхонага чиқиб оддий одамлар билан чақчақлашиб, кўнгил кетиб қолса «юзта-юзта» қилиб юборсанг бўлаверади. Чунки одамларнинг ичига кириб борсанг, улар қулфи-дилини очади: айбдорнинг нима учун бу жиноятга қўл урганини аниқлаб олишинг осон кечади.

– Мен терговчиман деб ўзингни катта олиб, халқ билан ўртангда «Хитой девори»ни тиклаб олма. Оддий халқнинг биттаси бўл! Одамлар сени оғасидек кўрсин. Шунда улар сенга ишонишади, кўнгилларида борини тўкиб солади.

– Лозим бўлган пайтда жим туриш – сўраб-суриштирмаслик ҳам терговчига кўп нарса беради. Асосан, кимдан гумон қиляпсан – ана шу одамга эътибор берма. Четдаги одамлардан сўраб-суриштир. Ана шунда асосий гумондоринг ўзини эркинроқ сезади, тузоғингга тушганини ўзи билмай қолади.

– Тўпланган далиллар асосида ўйлаб, мушоҳада юритиб, бўлган воқеани тиклаш фазилатинг бўлмаса, терговчи бўламан деб хомтама бўлма.

«Эҳ-ҳе! Раҳматулло аканинг миясида бунақа «ҳикмат»лардан яна қанчаси бор-у! Устоз мисоли энциклопедия»! Нодирбек у кишига бир дам термилиб, кулимсираб қўйди. Истак соҳада – истаганча маълумот ғиж-ғиж!

Раҳматулло ака унинг кулгисига парво қилмай Нодирбекга:

– Сен марҳумнинг шахсини аниқла, – дея





мурдани эксперт ва шифокорлар ихтиёрига қолдириб, қўшни хонага ўтди.

Хона ёлғиз аёлнинг ётоқхонаси эканлиги кўриниб турарди. Нафис пардалар, катта ойнали, атрофига пардоз буюмлари қатор териб қўйилган жавон... Ўртада савлатли «спальний»... ҳаммаёқ саронжом-саришта. Демак бу ерда «олишув» бўлмаган.

– Марҳуманинг шахсини аниқладим, – Нодирбекнинг гапидан Раҳматулло аканинг хаёли бўлинди.

– Муҳаббат Эргашева 1987 йилда Олмалисойда туғилган. Миллати – ўзбек. Тиббиёт билим юртини тамомлагач, шаҳарда яшаб қолган. Туғурикхонада ҳамшира бўлиб ишлаган...

– Қотил...

– Нодирбек Раҳматулло аканинг кескин қарашидан хато қилганини тушунди ва бир зум тўхтаб, хаёлан жумлани тўғрилаб, сўнг давом этди: – Қотилликда гумон қилинаётган шахс – Омонов Акмалжон Эсонович Яккачинор қишлоғида туғилган.

Олий маълумотли. Сўнгги йилларда катта корхонада бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган.

Раҳматулло ака Нодирбекнинг ахборотларини эшитмагандай, «Ҳм!» деб қўйдида, хонадонни ўрганишда давом этди. Ошхонадаги, айвондаги, ювиниш хонасидаги ҳар бир буюм, жиҳоз унинг диққатидан четда қолмади. Ҳатто эшик қулфининг очилиб-ёпилишига ҳам аҳамият берди.

– Яхши, – деди у эшикдан чиқаркан Нодирбекка. – Бу ишни сенга топшираман.

– Менга? Сиз бирга бўлмайсизми?

– Қачонгача? – Раҳматулло ака Нодирбекнинг саволига савол билан жавоб берди. – Мустақил иш қиладиган вақтинг келмадими? Этагимни қўйиб юборсанг бўлар энди?

– Мен тутган нарсамни қўйиб юбормайдиган сурларданман! Кўр тутганини, кар эшитганини қўймайди, дейишади-ю!

– Эҳе! – Раҳматулло ака кулди. – Сени кўзинг ҳам, қулоғинг ҳам очиқ. Менам қараб турмасман. Елиб-югуриш сендан, маслаҳат бериш мендан!

– Ана шу маслаҳатларингиз керак менга, – Нодирбек жонланди.

– Бўпти. Мени қаердан топишни биласан.

* * *

Жиноят содир этилган жой билан танишгач, холи жойга қараб равона бўлиш Раҳматулло аканинг одатига айланганди. Холи жойи эса, маҳалласидаги ҳофиз Ғоиб отанинг тегирмони ёнидаги чойхонаси. Кўздан пана. Бир-иккита шахмат ишқибози ёки карта «ташлашиб» ўтирган эрмакталабларни ҳисобга олмаганда, чойхонада кўпинча одам бўлмасди.

Раҳматулло ака чеккароқдаги сада остидаги сўрига келиб ўтирар, чойхоначи салом-алик қилгач, олдига чой қўяр, сўнг бир сўз демай ортига қайтарди.





Кўпчилик шахмат, карта ишқибозлари ҳам Раҳматулло аканинг феълига тушуниб қолишган: унинг хаёлини бўлишмас, қайтанга, бир-бирига имлашиб, секинроқ гапиришишга, шовқин кўтармасликка ҳаракат қилишарди.

Раҳматулло ака чойдан ҳўплаб, сигарет бурқситганча ўйланиб ўтираверарди.

Кун туш бўлади.

– Домла, – шахматчилар томонидан овоз келади, – бўлди-да, энди, тушлик қилайлик. Қайнайвериб, шўрванинг юрак-бағри эзилиб кетди. Эрталаб келганингиздаёқ, «Бир қисм бор», деб сизниям шўрвага шерик қилиб қўйгандик, келинг энди.

Раҳматулло ака кулимсираб, ўрнидан туради.

– Бу ёғи қалай ўзи? – дея шахматга ишора қилади.

– Э-э-э! – шахматнинг юқорисида ўтирган оппоқ соч-соқолли қария тишсиз оғзини очиб кулади. – Мени билмагандай гапирасиз-а, домла! Бугун Ҳолиқбойнинг орқасини уч марта ерга ишқаб қўйдим. Ўзиям ёмон ишқадим-да! Биринчи партияда саккизта ход қилдим-да! Ҳолиқбой қочгани жой тополмай қолди! Кейингисида…

– Опқочма, Жаббор! – Зариф ота бўш келмайди. – Озиб-ёзиб бир қўлинг келибди, оғзинг қулоғингда. Кеча нима бўлди, кеча, қизил матосини қўлига ушлатганимни? Сен айтиб бер, Жийронбой.

– Э! – Жаббор ота Жийронбойни гапиртиргани қўймайди. – Кечаги гап кеча қолиб кетди. Бугундан гапир!

Шахмат мусобақасининг бугунги, кечаги, бир ҳафта бурунги натижаларини «шарҳ»лаш билан шўрвани ичиб тамомлашади. Пиёладаги чойини кўтариб, Раҳматулло ака ўрнидан туради.

– Ҳа, домла, бир қўл ташлашмаймизми? – Жаббор ота шахматга ишора қилади. Раҳматулло аканинг бош чайқаганини кўриб, кулимсирайди. – Ишхонага бораман денг! Яхши қиласиз. Бугун менга рўпара бўлмаганингиз маъқул. Жуда илҳомим келиб турибди, Карпов, Каспаровми деганлари келса ҳам чалпак қилиб ташлайман!

Кулишишади.

Раҳматулло ака қўлидаги чой билан «ишхонаси» – сада остидаги сўрига қайтади.

* * *

– Акмалжоннинг қотиллик қилишига ишонмайман, – катта корхона бошқарувчиси Нодирбекнинг гапини эшитиб, столга қарс эткизиб урди-да, ўрнидан туриб кетди. – Қотиллик унинг қўлидан келмайди.

– Нега?

– Ёмон гапни қўйинг, оғзидан гапни зўрға суғуриб оласиз, – иш бошқарувчи стулга ўтириб, қўлларини икки томонга ёзди. – Бизда иш бошлаганидан буён Акмалжон ҳақида бировдан бир оғиз ёмон гап эшитмадим-да.





Ўз ишини яхши биларди, ўсиб келаётганди. Оддий ходим сифатида ишга олгандик, катта мутахассис бўлди. Яқиндагина бўлим мудирлигига ўтказгандик…

– Бўлим мудирлигига даъвогарлар кўпмиди?

Иш бошқарувчи гапнинг мазмунини сезиб, кулимсиради.

– Йўқ, сиз айтган воқеа бўлмаганди.

– Бирортаси билан гап талашиб, тортишиб, қасдлашиб қолгани ҳақида…

– Қанақа қасдлашув? – Иш бошқарувчи Нодирбекнинг сўзини бўлди.

Нодирбек беҳуда савол берганини сезиб, ўзини оқлаган бўлди:

– Ишда бўлиб туради-ю, тортишувлар…

– Йўқ, Акмалжон билан бўлмаган.

Нодирбек иш бошқарувчининг бу гапидан кейин, суҳбат тамом бўлганини тушуниб, ўрнидан турди.

– Ука, – деди иш бошқарувчи терговчига кескинроқ гапирганига хижолат бўлдими, бу сафар ўта мулойимлик билан сўз бошлади, – бу ишни жудаям, жудаям синчиклаб текширсангиз. Қандай ёрдам бўлса, мана биз турибмиз. Акмалжон бўладиган бола эди, оқ юзи қора бўлиб қамалиб кетмасин! Ишонаман, уни Акмалжон ўлдирмаган! Бундай номардлик унга муносиб эмас. Камгаплигини бўшовликка йўйманг. Керак бўлган пайтда у иродасини намойиш қила оларди. Ожизни у ҳеч қачон хўрламасди, қайтанга унга ёрдам қўлини чўзарди.

– Ходимларингиз билан гаплашиб кўрсам.

– Бемалол. Лекин у тўғрида бирор ёмон гап эшитишингиз гумон-ов, – Иш бошқарувчи хайрлашиш учун қўл узатди.

Бошқарувчи билиб айтган экан: «Бўлиши мумкин эмас! Акмал номард йигитларданмас!» сингари гаплардан бошқа маълумот ололмади.

* * *

– Ишлар беш-ку! – Нодирбекни ҳамкасби Ғайрат ака кулиб кутиб олди. – Қотил топилди, ишлар ёпилди экан-да буёғи!

Нодирбек индамай, стулига ўтириб, ҳужжатларни варақлашга киришди. Ўзи айтмоқчи, суяги терговда қотган Ғайрат акани Нодирбекнинг жини суймайди, аммо негалигини ўзи ҳам тузукроқ билмайди. Бир ишни қўлига олибоқ, ё охирига етказмай туриб, хулоса чиқарганигами ёки ёшларга, аниқроғи, Нодирбекка унча менсимай қараганими, ишқилиб, ёқмайди-да.

– Ҳа, шаштингиз паст? – Ғайрат ака Нодирбекга зимдан қараб сўради.

– Бунақа ғалати қотилни кўрмаганман!

– Ҳе-ҳе, ёшсиз, ҳали бундан ҳам баттарларини кўрасиз, – давом этди Ғайрат ака завққа тўлиб. – Икки-учта одамни ўлдириб қўйиб ҳам бир мўйи қилт этмаган қотилларни кўрганмиз. Етмишинчи йиллар бўлса керак…

«Яна бошлади», Нодирбек хаёлидан ўтказди. Ғайрат ака ишдан кўра, ўзини бошидан ўтган, ўтмаган воқеаларни ўзидан қўшиб-бичиб ҳикоя





қилишни қотиради. Унга мавзу бўлса бас. «Шунчалик катта ишларни очибсиз-у, буларга яраша елкангизга юлдуз битмабди-да!» дейдиган мард йўқ.

Нодирбек гўё унинг гапларини эшитгандай бўлиб, тикилиб ўтираркан, қўлидаги жиноят иш ҳақида ўйлай кетди: тўрт йилдан буён шу соҳада хизмат қилаётган бўлса-да, бунақа ишга энди дуч келиши. Бир аёл ўлдирилган. Акмалга қандай халақит берди, ёки ҳомиладормиди... Қотил ҳам айбига иқрор бўлиб, марҳумнинг тепасида ўтирибди, гўё мотам тутгандек... Ғалати ҳолат...

У яна Раҳматулло аканинг сўзларини эслади:

– Қотил одам бундай сўзларни айтмайдида! Айтган тақдирда ҳам, мени ушланглар, жазоланглар деб марҳумнинг тепасида бир кеча-кундуз мелисаларни кутиб ўтирмайди! Яна унинг устига, Муҳаббат биз борган кундан йигирма уч соат – салкам бир сутка бурун ўлдирилган. Акмалжон Муҳаббатни ўлдириб, бир кеча-кундуз унинг тепасида ўтирганини тасаввур қила оласанми?

– Акмалжонни тергов қилиш жуда оғир кечаяпти, – деди Нодирбек ўзини оқлагандай. – «Мен ўлдирдим деяпман-ку, мен ўлдирдим! Мендан ҳеч нарса сўраманг!» деган сўзларни такрорлаб, қайсарлигини қўймаяпти. Шунинг ўзи шубҳа уйғотишга асос беради.

– Нима учун, бўйнини сиртмоққа тиқиб беряпти, бу йигит? Унга бундан нима фойда? Бал-

1461
114
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

ки, – Раҳматулло ака давом этди, – Акмалжон қотиллик устидан чиқиб қолгандир. Қотилни кўргандир ҳам. Аммо қотил Акмалжонга таниш одам бўлган. Шунинг учун унинг айбини бўйнига олаётгандир. Хулоса чиқаришга шошилмай, тергов қилиш керак, тергов.

Нодирбек Раҳматулло ака билан қотилни излаб кўп текширувлар ўтказган. Қотилни айбига иқрор қилгунча, неча кун-у тунни улаган пайтлар ҳам бўлган. Аммо буниси эса ғирт тескари: қотилман деб турган одам бор! Фақат энди унинг қотил эмаслигини исботлаб бериб, ҳақиқий жиноятчиларни топиши керак.

– ... кейин ҳалиги мурдага мундоқ қарасак, – кулоғи остида Ғайрат аканинг овози эшитилди. Нодирбек хаёл билан бўлиб, уни буткул унутган экан.

– Ҳа, ҳа, қарасаларинг?.. – деди унга кулимсираб.

– Иккита кулоғи йўқ, – Ғайрат ака ҳикоясини давом эттирди. – Шошма, Ғайратбой. Буни ўлдиришар экан, нега қулоғини кесишади? Ишни ана шу қулоқлардан бошлаш керак, дедим ўзимга ўзим. Айтганимдай, ишнинг охири қулоққа бориб тақалди-да. Қандай қилиб дейсизми? Ҳозир айтиб бераман.

– Ғайрат ака, бир жойга боришим керак, кейин айтиб берарсиз, – дея Нодирбек эшикка қараб юрди.





* * *

Нодирбек савол-жавобни ўзини Бадриддин қизи Дилфуза деб таништирган опадан бошлади.

– Муҳаббат жуда яхши қиз эди. Ўзи Олмалисойликми, аниқ билмадим, водий томонлардан эди-да. Бизнинг уйга кўчиб келгандан кейин, опа-сингилдай бўлиб қолдик.

– Опа, – Нодирбек унинг сўзини бўлди, – бизда биласиз-ку, ҳар бир гапда аниқлик бўлиши керак. Гапингизни бўлдим, узр, у қачон кўчиб келганди?

– Ўтган йили... – опа бир оз ўйланиб қолди. Сўнг жўшиб давом этди. – Баҳорда, эрта кўкламда кўчиб келганди. Аниқ эсимда: Муҳаббатнинг қўлида бинафша бор эди. Ким кўчиб келди экан, деб ойнадан қараб тургандим, у бинафшани менга узатиб, «Баҳорга ҳам чиқиб олдик, опажон!» деди. «Ўзинг ҳам бинафшадек гўзал экансан!» деган гап хаёлимдан ўтди.

– Ёлғиз турармиди?

– Буткул ёлғиз эди.

– «Буткул» деганингизни қанақа тушунса бўлади?

– Ўқиб юриб, битта йигитга кўнгил берган экан. Ўқишни битиришгач, йигит ўлгур юртига жўнаб қолибди. Муҳаббатнинг ота-онаси бу хабарни эшитиб, қишлоққа қадамингни босма, дейишибди. Яхшиям Муҳаббатнинг бўйида бўлиб қолмаган экан. Шаҳарда қолиб, ишхонасининг ёрдамида шу уйни олган экан.

– Демак, у ёлғиз яшаган, – Нодирбек опанинг сўзларини якунлаган бўлди.

– Йўқ, бир-иккита дугонаси тез-тез келиб турарди, – опа бош чайқади. – Икки-уч кунлаб ётиб ҳам қолишарди. Вой, буларнинг шўхликларини кўрсангиз. Фақат анови, – опа милиционерлар қуршовида машинага ўтказилган йигитга ишора қилди, – серқатнов бўлиб қолгач, қизларнинг қадами узилиброқ қолди.

– У йигитни танийсизми?

– Ҳа. Дастлаб Муҳаббат билан етаклашиб келаётганини кўриб, ҳайрон бўлдим, – Дилфуза опа хўрсиниб. – Муҳаббати тушмагур уйига йигитларни бошлаб келадиган ҳам бўлибди-да, деб кўнглим хира тортди. Шундан кейин йигитни тез-тез кўрадиган бўлдим. Муҳаббатдан кўнглим қолди. Салом берса, бош қимирлатиб, қўяман холос. Ўн беш кунлар бурун Муҳаббат уйимга гул-гул очилиб кириб келди. «Уйга юринг, опа!» деди. Қовоғимни очмай, ишим кўплигини баҳона қилдим. Қўлимдан ушлаб, юринг-чи, опажон, юринг деб қўймади. Уйига кириб борсам, йигити ўтирибди. Кескин орқамга бурилгандим, Муҳаббат яна қўлимдан тортқилади. «Опа, гапни эшитинг, – деди кулимсираб, – биз турмуш қуряпмиз, тўйга ўзингиз бош-қош бўласиз!». Тўйнинг дарагини эшитиб, кўнглим сал ёришиб, стулга чўкдим. Зимдан уларни кузатдим: иккови бир-бирига мос тушибди, бахтли бўлишсин, деб хурсанд бўлгандим.





– Демак Муҳаббатни охирги марта кеча кўргансиз?

– Ҳа.

– Соат неча эди?

– Соат..? – Дилфуза опа ўйланиб қолди. – Ўғлим – Шерзод машғулотим бор деб чиқиб кетган. У каратэга қатнайди. Машғулоти еттида бошланади. Демак, у олти яримларда чиқиб кетди. Шундан кейин, овқатга уннай кетдим:

– Борингки, йигирма дақиқа вақт ўтди.

– Ҳа. Овқатнинг гўштини қовуриб бўлиб, пиёзини солиб, телевизорни қўйгани меҳмонхонага чиқдим. «Жумонг»ни кўраман, – изоҳ берди Дилфуза опа.

– Сериални айтпсиз-да?

– Ҳа. Энди бошланиб турган экан, овқатимнинг сувини қуйиб қўяй деб ошхонага чиқдим. Шунда ортимдан Муҳаббат кириб келди.

– Демак, еттилар атрофида... У уйингизда қанча ўтирди?

– Ўтирмади ҳам. Ошхонада тиккама-тик туриб икки оғиз гаплашдик.

– Унинг кайфияти қандай эди? Бирор нарсадан хавотирланган ҳолатда эмасмиди?

Дилфуза опа терговчига диққат билан қаради. Сўнг ўйга чўмиб давом этади:

– Йўқ, кайфияти ҳар кунгидай яхши эди.

– Кейин у сизни хонадонингизда қанча вақт бўлди? Орадан қанча ўтиб бақириқ овозини эшитдингиз?

– Қанча ўтганини билмадим-у, кинонинг рекламаси бошланганди.

– Пайтдан фойдаланиб, овқатимдан хабар олай деб ошхонага ўтдим.

– Шунда, бақириқ овозини эшитдингизми?

– Ҳа. – Болалар бўлса керак, деб кўчага бирров кўз ташладим. Аммо ҳеч ким кўринмади. Хаёлим кино ўлгурда эди, яна телевизорга ёпишибман, – Дилфуза опа кўз ёшларини рўмолининг учига артиб жим қолди.

Нодирбек опанинг сал ўзига келишини кутди. Дам ўтмай Дилфуза опа гапини давом эттирди:

– Кейин, дадаси ишдан, Шерзод машғулотидан келди. Уларга овқат суздим, идиш-товоқларни ювдим… Уй ишлари билан бўлиб, Муҳаббатни эслашга ҳам вақтим бўлмабди.

Эртасига ҳаммаларини ишга, ўқишга кузатгач, Муҳаббатни, бақириқ овозини эслаб қолдим. Уйига телефон қилдим. Жавоб бўлмади. Телефони ишламаяптимикан деб, эшигини қоқдим. Уйидан тиқ этган товуш эшитилмади. Ишига кетгандир-да, деб ўйладим. Сизларга телефон қилишдан ярим соат олдин, Муҳаббатнинг эшиги очилиб-ёпилганини сездим.

– Аниқроқ тушунтириб берсангиз.

– Нонга чиқмоқчи бўлиб йўлакда, эшикни беркитаётгандим. Муҳаббатнинг эшиги очилиб-ёпилгандай бўлди. Биров тушармикан деб қараб турдим, ҳеч кимнинг қораси кўринмади.





«Муҳаббат?» дедим, жавоб бўлмади. Ичкарига кирибдида, овозимни эшитмади, деб йўлга тушдим. Дўкондан қайтиб келгач, уйига қўнғироқ қилдим, яна жим. Билсам… – Дилфуза опа ўзини тутолмай, баралла йиғлаб юборди. – Кинога хаёлим кетмай ўлсин, ўламанми олдинроқ чиқсам, балки қутқариб қолармидим…

– Опа, сизда айб йўқ, – деди Нодирбек тасалли оҳангида. – Ҳаммамизда ҳам жиндай бепарволик бор.

– Шу йигит ўлгур ўлдирганми?

– Билмадим, опа, аммо бўйнига оляпти, менинг ишонгим келмаяпти, – Опанинг нимасидир Нодирбекни ўзига тортарди. Шунинг учун унга кўнглидан кечаётганларни очиқ-ойдин айтди.

– Ҳа, мениям кўнглимдан кечди, – опа ҳамдардлик билан қўшиб қўйди, – иккови бамисоли Тоҳир-Зуҳро эди, Тоҳир қандай қилиб Зуҳрога пичоқ кўтариши мумкин?

– Опа, Муҳаббатнинг олдига бошқа йигитлар ҳам келиб турармиди?

Дилфуза опа Нодирбекга ўқрайиб қаради. Сўнг кескин бош чайқади:

– Мана шу йигитдан бошқа бирор эркак зоти унинг уйига кирганини кўрмаганман. Муҳаббат сиз ўйлаётган қизлардан эмасди!

Нодирбек савол-жавоблар орасида Дилфуза опани чалғитиш учун сўради: – Нима учун сизни дадангизни исми билан айтишларини илтимос қиласиз, сабаби нимада, билсак бўладими?

– Бутун маҳалла эркалигимни билади ва дадамнинг ҳурмати учун шундай деб аташган, холос, – кулди Дилфуза опа. Шунга ўрганиб қолганим учун кимдир мени тўғридан-тўғри исмимни айтиб чақирса, менга бошқача туюлади.

* * *

Кунлар ўтган сайин, Нодирбек хуноб бўлиб борарди: жиноят ишини очишда олға силжиш йўқ.

Ўша кунлари қўшнилардан ҳеч ким уй олдида бегона одамни кўрмаган. Ишхонасида ҳам Муҳаббат билан боғлиқ ҳеч қандай кўнгилсизлик рўй бермаган. Олмалисойга бориб, ота-онаси, қариндош-уруғи билан суҳбатлашишда ҳам мантиқ йўқ. Яқин уч йилдан буён қишлоққа қадам босмаган, уни йўқлаб биров ортидан келмаган ҳам. «Муҳаббатни ўлдириб кетишибди, хабарларинг борми?» деб борамanmи…

– Қотиллик рўй бергани аниқ, лекин уни ким содир қилди? – деди Раҳматулло ака шогирдининг мулоҳазаларини эшитгач. – Аммо босқинчилик бўлганми? Текширув якунларига кўра, босқинчилик рўй бермаган. Ҳамма нарса жой-жойида…

Нодирбекнинг хаёлида ўша кунги текшириш манзараси жонланди: хоналарга бир-бир бош суқишди. Жавонларни кўздан кечиришди. Экспертлар бармоқ излари йўқлигини таъкидлади. Демак, босқинчилик мақсадида қотиллик қилинмаган, деган хулосага келишди.





– Энди ўзингга савол бер, – Раҳматулло ака салмоқлаб давом этди. – Ҳаммаси жой-жойидами? Балки қотиллар ўта устамонлик билан иш юритишгандир?

Бармоқ изларини қолдирмаслик учун бирор-бир ҳийла ишлатгандир?

Излаган нарсаларини топишгач, яна ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб, энди уйдан чиқаётганда кутилмаганда, Муҳаббат эшикдан кириб қолгандир? Табиийки улар «кечирасиз, адашибсиз», деб секингина чиқиб кетмаган.

Нодирбек устозининг саволларини бир-бир хаёлидан ўтказиб яна, Муҳаббатнинг уйи томон жадал юриб кетди.

* * *

– Дилфуза опа, Муҳаббатнинг тилла тақинчоқлари кўпмиди? – сўради Нодирбек узатилган чойни олиб, олдига қўяркан.

– Э, унда тилла тақинчоқ нима қилсин эди, кунини зўрға кўрарди, – деди-ю опа бирдан ниманидир эслагандай бир оз тўхтаб қолди. – Ҳа-а, айтмоқчи бор эди. Бир куни менга суюнчилаб олиб чиқди: «Акмалжон акам олиб бердилар!» – деб. Нафисгина тилла занжир ўртасида ярим ойнинг шаклига ўхшаб кетадиган кўзи ҳам бор…

– Ана шу нарса марҳуманинг бўйнида йўқ эди, – деди Нодирбек энтикиб.

– Қўйинг-э, шу арзимаган занжир учун уни ўлдиришармиди?

– Опа, – Нодирбек ўрнидан туриб кетди, – бу занжир арзимагандир. Аммо жиноятнинг очилишида катта «занжир» бўлиши мумкин. Юринг, яна бир бор биз билан ўша занжирни топишда иштирок этинг, қараб кўрайлик.

– Ўша уйга киргани юрагим бетламай қолди, қўйинг, – деди Дилфуза опа қўллари билан кўйлагининг ёқасидан тутиб.

– Опа, илтимос! Сиз қўшни сифатида қатнашинг.

Нодирбекнинг илтижо оҳангидаги гапи таъсир қилдими, Дилфуза опа индамай унинг ортидан эргашди.

Уй ҳануз юрак бетламайдиган ҳолатда эди. Фақат жасад олиб чиқиб кетилганди. Унинг ўрнида эса, қон излари, марҳумнинг ётган жойида эса бўр билан тортилган чизиқлар турарди.

Жавон тортмасини очиб, Дилфуза опа бир қалқиб кетди. Стулга беихтиёр ўтириб, икки кафти билан юзларини силаб, чуқур уфф тортди.

– Тинчликми? – дея Нодирбек олдин опага, сўнг тортмага разм ташлади. Тортмада бир даста доллар турарди.

– Буни унутибман, – Дилфуза опа гуноҳкор оҳангда гап бошлади. – Йигирма кунлар бўлди, шекилли. Муҳаббатнинг олдига нимагадир чиқдим-да. Эшиги қия очиқ. «Муҳаббат!» десам, биров жавоб бермади. Ичкарига кирсам, худди менинг ўрнимда ўтирибди. Йиғлаб шишиб кетибди. Олдидаги стол устида ана шу





долларлар! «Нима бўлди, қизим?» дедим унга яқинлашиб. У бирдан бўшашиб бўйнимдан қучиб, узоқ йиғлади. «Нима бўлди, гапирсангчи?!» дедим. Баттар йиғлади. Долларларга ишора қилиб, «Булар қаердан келди? деб сўрадим. «Э, қуриб кетсин!» деди-да, уларни йиғиштириб олиб, мана шу тортмага ташлади. Зарда билан жавонни ёпди. Сўнг ётоғига кириб, ўзини кўрпага отди. Устини ўрадим. Ошхонасига чиқиб қарасам, пиширган овқатига қўл урилмаган. «Овқатланиб олгин, қизим!» десам, индамади. Чироғини ўчириб, чиқиб кетдим.

– «Бу пуллар қаердан келган экан» деган савол бот-бот эсимга тушиб турди. Аммо Муҳаббатдан сўраш…

Нодирбек яна бир далилга дуч келганига шубҳаланмади. Дафтарида «Долларлар, суриштириш керак», деган ёзув пайдо бўлди. У тортмадаги ўша доллар пулларни эҳтиётлик билан конвертга солди.

Тилла занжир ҳеч қаердан топилмади. Бироқ занжирнинг қутиси топилгани ҳам Нодирбекка далда бўлди:

– Шунинг топилганига ҳам шукр!

Дилфуза опа унга ҳайрон боқди.

– Бу қутича, – Нодирбек тушунтирган бўлди, – сиз айтган тилла занжир ҳақиқатан ҳам бўлганлгини исботлайди. Занжирнинг топилмагани эса, йўқолганининг исботи. Демак, уни кимдир олган, балки кимгадир сотгандир ё ўзи тақиб юргандир.

* * *

Раҳматулло ака «ишхонаси»да, аввал сўри устига қўйилган конвертга, сўнг Нодирбекка савол назари билан қаради.

– Ҳадеб маслаҳатни текинга бареверамanми, дердингиз, ҳақини олиб келдим? – Нодирбек кулимсираб изоҳ берган бўлди.

Раҳматулло ака конвертни кўрпача устига ағдарди. Ручкаси билан долларларни титиб кўраркан:

– Э-э-э! Маслаҳатларимнинг нархи тушиб, кепак баҳо бўлиб кетибди-ю! – деди ҳазиломуз.

– Кам бўлса, – Нодирбек чўнтагидан кутичани олиб, униям устозининг олдига қўйди, – мана бу ҳам бор. Аммо ҳозирча кутичанинг ўзи. Занжирини топганда қўлингизга топширамиз.

Устоз билан шогирднинг тушликда бошланган суҳбати, кечгача давом этди.

– Сен, – деди Раҳматулло ака суҳбат охирида, – занжирни эмас, ишнинг занжирини топибсан. Энди ана шу занжирнинг орқасидан боравер.

– Яккачинорга бораман, – Нодирбек дафтарчасига ёзиб олган руйхатига кўз ташлаб давом этди, – қотиллик рўй берган куни Акмалжон ўртоғининг тўйида бўлган. Балки тўйнинг ўртасида шаҳарга келиб, Муҳаббатни ўлдириб, ундан шубҳаланмасликлари учун яна тўйга қайтиб боргандир. Суриштираман – бир. Ота-онаси, хотини билан гаплашаман – икки…





– Бўлди, қиладиган ишларингни ёзиб олдинг-ку, яна буларни менга ўқиб беришини! – Раҳматулло ака Нодирбекни мақтаган бўлди. Кейин: – Долларнинг аралашгани ишни янада чувалаштиряпти. Катта бир жиноятнинг иси келяпти, – деди-да, ўйлана кетди: «Оддийгина ҳамшира қизда уч минг долларнинг бўлиши, қизиқ…

Ота-онаси бермаган буни…

Ҳамшира қизга бировнинг пора беришига ҳам ишониб бўлмайди.

Ҳаммасидан ҳам бу пулларнинг устида Муҳаббатнинг йиғлаб ўтиргани, уларни олиб, зарда билан жавонга солиб қўйиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлагани қизиқ! – Раҳматулло ака долларларга, кутичага яна бир-бир кўз ташлаб, сўнг Нодирбекка жиддий тикилди:

– Майли, сен сўраб-суриштир, марҳума билан боғлиқ ҳар бир ҳаракатга эътибор бер. Ана шу ҳаракат бизга калит бўлиши мумкин. Яккачинорга бориб келсанг ҳам бўлади.

– Бу долларлар бизга яна бир жумбоқни келтириб чиқаряпти, яна бир бошқа кўчага ҳам бошлаяпти… – Раҳматулло ака бир оз ўйланиб туриб, гапини якунлади. – Долларнинг орқасидан ўзим бораман.

– Хўп бўлади, – Нодирбек жонланиб устозига тикилди.

– Ҳа, ошнанг, оти нимайди, мухбир ошнанг, юрибдими? – Раҳматулло ака нимадир эсига тушгандай савол ташлаб қолди.

– Фарҳод Ҳожиевни айтяпсизми?

– Ҳа, ўша... Мақолага материал сўраб келиб турарди…

– Иши кўпайиб кетгандир-да.

– Айтгин, қўли бўшаганда, менга учрасин. Телефон қилса ҳам майли.

– Хўп, – деди-ю, Нодирбек устознинг мақсадини англамади.

* * *

Фарҳод Ҳожиев устознинг «ишхонаси»га бораркан, Нодирбек айтиб берган Раҳматулло ака ҳақидаги ҳангомани эслади:

– Раҳматулло ака эрталабда тепадаги қўшнисиникига чиқибди. Салом-аликдан сўнг қўшнисига дабдурустдан, «Уйимни сотмоқчиман, – дебди. – Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ҳам ўтирасан, деган гап бор. Шунга уйни сизга сотсам».

Қўшниси шошиб қолибди. «Бола-чақангиз кўп, барибир сизга уй керак бўлади. Арзон қилиб бераман. Пулини бўлиб-бўлиб берсангиз ҳам майли. Жуда тополмасангиз, бермасангиз ҳам майли», – деб чиқиб кетибди.

Қўшни ҳовлиқиб, хотинини чақирибди. Воқеани суюнчилабди. «Олиб қўяқоламиз, арзон қилиб бераман, дейишяпти!» – дебди. Хотини бир оз ўйланиб туриб, эрини жеркиб берибди: «Одам бўлмай ўлманг. Гапнинг мағзига тушунмабсиз. Болаларингиз мактабдан келади, ярим кечагача тўполон қилишиб, уйни бошла-





рига кўтаришади. Раҳматулло ака, «Сал болаларингни тартибга соласизларми, ё уйни сотиб қутуламанми, бу тўполонлардан!» деб чиққан!»

– Устанинг топқирлигига гап йўқ-да, – деди Фарҳод Ҳожиев ўзича. – «Бу болаларингнинг тўполонидан кўчиб кетиб қутуламанми!» дейишса бўлади, дейишмайди. Аммо гапни мулойимгина қилиб бошлаб, шундай айлантириб жойига уришади, бундан кўра тарсаки қўйиб юборганда яхши бўларди, дейсан. Ажойиблар-да, ажойиблар!

Фарҳод Ҳожиев устознинг ажойиблигини биларди, аммо бу сафар у кишининг таклифини эшитиб анграйиб қолди:

– «Туғурукхонадан репортаж?» Қизиқ?..

– Ҳа, қизиқ, – Раҳматулло ака уни қувватлади, – ўзи ҳаётимиз қизиқчиликдан иборат-да. Бир боплаб ёзсангиз, ундан ҳам қизиқ бўларди-да. Бўлим мудири билан обдан суҳбатлашинг. Ишларини ипидан-игнасигача суриштиринг…

«Прокуратура бош терговчисига бу нимага керак экан? – Фарҳод Ҳожиев Раҳматулло аканинг уктиришларини тинглар экан, ўйлай кетди. – Устознинг бунақа феъли йўқ эди. «Очган бирорта жиноятларингиз ҳақида ҳужжатларни беринг, мақола тайёрлаймиз. Ўқувчиларимизни шу соҳага оид мақолалар ҳам қизиқтиради. Газетага чиқарамиз», – деб битта ҳужжатни ҳам минг бор яланиб олардик. Энди... Ёки туғуруқхона бўлими бошлиғи қариндошими-

кан? Балки устозининг бўлимга бирорта иши тушгандир? Шундай бўлса ҳам у киши бировнинг ўртасига тушмасди. Бир гап бор... «Бир гап бор»лиги ярим соатлик уктиришлардан кейин, улар хайрлашаётганларида Фарҳод Ҳожиевга сал-пал ойдинлашди.

– Ҳа, айтганча, – деди Раҳматулло ака Фарҳоднинг хайрлашгани узатган қўлини қўйиб юбормай, – шу йилнинг август ойида бўлимда қанча чақалоқ туғилган, уларнинг ичида мабодо нобуд бўлганлари йўқми, шуниям секин суриштириб кўрсангиз. Мақолангизда бу фактни келтирмасангиз ҳам, эҳтиётдан суриштириб қўяверинг. Аммо мақола чиққан куни битта ош мендан!

– Мана, туғуруқхона ҳақида мақола буюртма қилишларидан устанинг асосий мақсади, – ўйлади Фарҳод Хожиев Раҳматулло ака билан бўлган суҳбатни мулоҳаза қилиб бораркан. – Ҳа, уста-я, жуда уста-да! – дея бош чайқаб, кулди. – Керак бўлса унча-мунча журналистларга дарс бериб қўйиш ҳам қўлларидан келади. Аммо, «Ўзингиз биласиз-у…» деб ҳурматингни қилиб айтишмаса бўлмайди. «Шу-шу фактлар керак», деса йўлини қилиб, топиб берамиз. Йўқ! Қандай йўлдан бориб, бу фактни қандай қўлга киритиш кераклигини ҳам кўрсатиб беришади-да, Раҳматулло акаси тушмагур!»





* * *

Иш столи устидаги телефон қўнғироғидан Нодирбекнинг хаёли бўлиниб, гўшакни кўтарди.

– Эшитаман?

– Нодирбек, менман, Дилфуза опангизман, Муҳаббатнинг қўшниси, – деган овоз келди.

– Бадриддин қизи Дилфуза опа?.. – кулиб қўйди Нодирбек.

– Ҳа, бирор нарса эсингизга тушса, қўнғироқ қиларсиз, дегандингиз… – опа бир оз жимиб қолди. Сўнг: – Анови бақироқ билан ҳам гаплашдингизми? – деб сўради.

– Қайси бақироқ билан?

– Ўша куни Муҳаббатнинг эшигини очиб берган Ҳасан бақироқ билан.

Нодирбек эслади-ю энг муҳим гувоҳни диққатидан қочирганини тушунди: Ахир Муҳаббатнинг битта калити Ҳасан бақироқда бўлган. Муҳаббат бегоналарга эшикни очмаслиги мумкин эди. Ҳасан бақироқда эса, калит бўлган. Ўзидаги калит билан очиб кириб, Муҳаббатни ўлдирган дейилса, эртасига калитни ҳаммага кўз-кўз қилиши мантиққа тўғри келмайди. Аммо у қотиллар билан келишган бўлиши ҳам мумкин-ку?

Нодирбек дафтарчасига «Ҳасан бақироқ!!!» деб ёзиб, остига қалин қилиб чизиб қўйгач:

– Уям қўшнингиз бўлади-а? – деб сўради.

– Ҳа, рўпарамдаги уй. Аммо ҳозир уйида йўқ. Кампири билан гаплашишингиз жуда

қийин: қулоғи оғирроқ. Буни устига сиз гапларини илғолмайсиз, биз зўрға тушунамиз-у... Боя кампири, «Сволич! Сволич!» жавраб ўтирган экан. Чоли бўлмаса, уни шу ном билан атайди. «Тинчликми?» – деб суриштиргандим. Муҳаббатнинг ўлимидан хабар топган кунларинг, ўша «сволич»нинг чиптаси бор экан, ярим кечаси поездга ўтириб Саратовгами, қайси гўрга жўнаб кетибди. Шундан буён дараги бўлмаётганмиш.

– Саратовга? – Нодирбек «иш»ни битирган-у, қочиб қолган, деган хаёл билан қайта сўради.

– Ҳа, савдогарчилик билан шуғулланади. Узоқ юрмайди, уч-тўрт кунда келиб қолади. Нималарнидир олиб боради-ю, кутиб оладиган одамлари бор шекилли, топшириб қайтади.

Дилфуза опадан олинган маълумотлар билан Нодирбекнинг калласи тўлиб кетди. Уларни тартибга солиб олиш учун ўйга чўмди.

Ҳасан бақироқ қайтармикан? Қайтади. Калит менда эди деб ошкора бақирган одам, нега Саратовда қолиб кетиши керак? Балки буни атай ниқобланиш, ўзини соф кўнгил, ҳалол одам қилиб кўрсатиш учун қилгандир?

* * *

Дилфуза опа Нодирнинг илтимосини бажо айлаб, олтинчи кунга ўтиб Ҳасан бақироқнинг пайдо бўлганлиги ҳақида кўнғироқ қилди. Нодирбек дарҳол уни идорага олиб келишга буйруқ берди.





Нодирбекни олдига келган Ҳасан бақироқ:

– Қотилликни қилиб қўйиб, Россияга қочиб кетди, деб ўйлаганмидинг? Ҳе-ҳе-ҳе! – худуд нозири билан кириб келган Ҳасан бақироқ шу сўзларни жавраб кирди. – Соддасан, ука, соддасан. Қайси қотил, ёки унга шерик бўлган одам қотиллик рўй берган хонадоннинг калитини ёнида солиб юради? Бир. Бу ҳам етмагандай, нимага энди калит менда эди деб ҳамманинг олдида кўз-кўз қилиб уни чўнтагидан олиб беради? Икки! Қотиллик қилган бўлса, ўша куни поездга ўтириб жўнаб қолади-ю, нимага бир ҳафта ўтиб қайтиб келади? Уч. Буларнинг мағзини чаққин, ўғлим.

«Бақироқ деганлари бало-ку!» деди ўзича Нодирбек.

– Мени саволга тутмагин, ўғлим, – Ҳасан бақироқ нос кафтлаб, Нодирбекнинг рухсатисиз стулга ўтирди. – Ўзим тейговчи бўганман. Тейгов бейишни ёмон қўяман. Аммо шенга кейакли ҳамма найшани ипидан, ийнашигаша айтиб беяман.

Нодирбек Ҳасан бақироқнинг бир пайтлар худуд нозири бўлиб ишлагани, ана шу бақироқлиги орқасидан, бир-иккита одамнинг юрагини тушириб қўйиб, ўзига «Бақироқ» лақабини орттириб олганлигини эшитганди. Шуни эслаб, кулимсиради.

– Шунга шўзимни бўмай ойдин эшит, кейин шаволинг бўлса, берашан.

– Сиз айтганча бўлсин, – Нодирбек кулимсираб, сигарет тутатиб, Ҳасан бақироқнинг оғзига қулоқ тутди.

У носини туфлаб, ҳикоясини бошлади:

– «Жумон» бошланганди. Кампир ишқибоз. Шу кино бошланиши билан, юзимни ўгираман. Шарт-шарт айтиб, кўрсатиб қўяқолишмайди-да! Аччиқ ичакдай чўзишади. «Сенинг киноингдан кўра, бир чеким нос афзал!» деб носқовоқни олсам, енгиллаб қолибди. Вақтида чиқиб, Элмурод парангдан нос олиб келиб қўймасам, кечқурун хумори тутади деб, ўрнимдан қўзғалдим. Йўлакка чиқсам, тепадан чироқнинг нури тушиб турибди.

Йўлакларга лампочка қўйиш, қўшниларга малол келади. «Ҳадеб мен лампочка қўяверманми, палончи қўйсин!?» дейишиб, сансалор қилишади. Э, буларнинг ўртасига тушавериб… Кейин ўзим ҳам, бўлганича бўлларинг деб лампочка қўймай қўйдим. Шунда кун ботди, йўлак зимистонга айланади.

– Демак, йўлакка чиқсангиз, тепадан нур тушиб турибди? – Нодирбек савол беришдан ўзини тутолмади.

Ҳасан бақироқ Нодирбекка хўмрайиб қаради. Сўнг:

– Йўлакка чиқсам, – оғриниб гапини давом эттирди. – Тепадан чироқнинг нури тушиб турибди. Бўйлаб қарадим. Муҳаббатнинг эшиги қия очиқ. «Ишдан келгандир, уйига кираётгандир», деб ўйладим. Носдан отиб,





кўчага чиқдим. Элмурод парангнинг дўкони иккита дом нарида. Ўнгдан айланиб ўтсанг ҳам бўлади, чапдан юрса ҳам... Бир дам қайси томондан юришни мўлжал қилиб қолдим. Шунда биров ит қувлагандай, шув этиб олдимдан ўтиб кетди. На салом бор, на алик. Аёл киши тусмолладим. Юзини кўролмадим, – бақироқ Нодирбекнинг саволга жуфтланган лабларига қараб, пўписа қилган бўлди. – «Кимникига келди экан?» деб йўлакка қайтиб кирдим. Муҳаббатнинг эшиги ланг очилиб, йўлак ёришиб кетди. Кейин яна ғира-шира бўлиб қолди. «Ҳа, Муҳаббатнинг дугонаси шекилли», деб дўконга қараб кетдим.

Элмурод паранг билан тенгқурмиз. Нос баҳона бориб, лақиллашиб ўтириш одатимиз бор. Ярим соатча у билан ҳангомалашдим, шекилли. Кейин яна уйга қайтдим. Киносериалнинг шовқини ҳар бир деразадан чиқарди. «Ҳалиям тугамабди-да», дедим-да, уйга кириб кетдим. Мана энди, саволинг бўлса беравер, ўғлим!

– Бақир-чақир овозини эшитмадингиз? – Нодирбек иккиланиб савол берди.

– Кинонинг шовқинини эшитдим, деяпманку! – Ҳасан бақироқ зарда билан жавоб қилди. – Уйга кирсам, кампир ҳам варанглатиб қўйиб ўтирибди. «Ўзинг карсан, ҳеч балони эшитмайсан, яна варанглатиб қўйиб олганига ўламанда!» дедим унга. «Эшитаман, отаси, эшитаман!» – деб у ўзини оқлади.

– Сиз йўлакда кўрган аёлнинг ёши нечаларда эди?

– Йўлак қоронғи эди яхши кўролмадим.

– Муҳаббатнинг эшигидан тушган чироқ йўлакни ёриштириб юборди, деяпсиз-ку?

– Э, – бақироқ ҳафсаласиз Нодирбекка қаради, – мен қараганим-да, у Муҳаббатникига кириб кетиб бўлганди. Аммо дадил юришларидан ёшроқ эди, десам бўлади. Ўттиз-қирқ ёшлардагилар шундай юришади.

– Кўчада бегона машинага кўзингиз тушмадими?

– Дўконга иккита йўл боради дедим-ку! Биттаси – тротуар. Уни машиналар юрадиган йўлга айлантириб олишган. Бунда юраман десанг, бирорта ҳовлиққан шопир уриб кетиши ҳам мумкин. Иккинчиси, домларнинг орасидан ўтган сўқмоқ. Мен дўконга ана шу сўқмоқдан кетибман-да. Агар анови билан юрганимда, – Ҳасан бақироқ таажжуб билан елка қисди – балки бегона машинани кўрармидим.

– Сизга раҳмат, – деди Нодирбек ўрнидан туриб. – Савол туғилса, яна учрашармиз.

– Шошма, – деб бақироқ ҳам ўрнидан турди. – Мабодо бу ишнинг охирига етсанг, газетнинг мухбирлари ёпмоқчи бўлиб келишади. Шунда икки оғиз, бу ишнинг очилишида Ҳасанбой терговчининг хизматлари катта бўлди, деб қистириб қўйгин, бир-иккита ошналарнинг ичида кўкрак кериб юрайлик.

Нодирбек кулиб маъқуллади. Ҳасан бақироқ





хонадан чиқиши билан ўзича ҳисоб-китоб қила кетди:

«Демак, сал бўлсаям масалага ойдинлик киритилди. Муҳаббат Дилфуза опанинг уйига қуруқ чой сўраб чиққан. Тезда кириб чиқишни ўйлагани учун эшикни қия ҳолатда очиқ қолдирган. Шу пайтда Ҳасан бақироқ уйидан чиқиб, носга бормоқчи бўлган ва унинг кўзи тепадан тушаётган чироқ нурига тушган. У бўйлаб қараб, Муҳаббатнинг эшиги қия очиқ турганини кўрган. Ҳасан бақироқ кўчага чиққач, аёл унинг ёнидан шошиб ўтиб кетган. Ҳасан бақироқ унинг орқасидан кузатиб, Муҳаббатнинг уйига кирганига ишонч ҳосил қилган. Чунки бу пайтда эшик очиқ турган, бу қўл келиб, қотил ҳеч қийналмай уйга кириб олган. Дилфуза опаникидан чиққан Муҳаббат унга рўбарў бўлган. Уларнинг ўртасида қандайдир жанжал бошланган. Бақир-чақир қилишган. Аммо ҳамма қўшнилар сериал билан овора бўлгани учун тўполонни эшитишмаган. Фақат тасодиф туфайли ошхонага чиққан Дилфуза опа бақириқ овозини эшитган. Аммо унча эътибор бермаган.

Энди яна бир масалага ойдинлик киритиш лозим: аёл ким? У Муҳаббат билан қандай масалада талашиб қолган? Воқеанинг ўлим билан тугаганини ҳисобга олинса, ўта жиддий, ҳаёт-мамот масаласидай кўринади. Бу ҳаёт-мамот масаласи нимадан иборат?

Аёл кишининг бир ўзи шундай қотилликни амалга оширишига ҳам ишониш қийин. Кўксига

бир неча марта пичоқ санчиш… Бунинг учун ваҳший одамхўр бўлиш керак. Балки Ҳасан бақироқ дўконга кетгач, унинг шериклари ҳам аёлнинг ортидан киргандир?»

* * *

Масала чигаллашгандан чигаллашиб борарди.

Ишнинг тўртинчи куни пушти кўйлак, кўйлагига мос рангдаги сумкача кўтарган қиз эшик қўнғироғини босди. Жавоб бўлавермагач, иккинчи марта босди. Сўнг ҳайрон бўлгандай, атрофга аланглади.

– Сизга ким керак эди? – унинг ортидан чиқиб келган Азиз савол ташлади.

– Муҳаб…

– Муҳаб, деганингиз..?

– Дугонам – Муҳаббат, – қиз оғриниб жавоб қилди. Сўнг Азиздан юз ўгириб, яна эшик қўнғироғига қўл чўзди.

– Овора бўлиб кутманг, Муҳаббат энди сизга эшик очолмайди.

– Нега?

– Хабарингиз йўқми?

– Нимадан? – қизнинг лаблари титради.

Азиз дам ўтмай бу лабларнинг аламдан буришиб кетишини ўйлаб, хабарни айтмай қўяқолай ҳам деди, аммо вазифаси шуни тақозо қилади. Нимага Муҳаббат эшик очолмайди, деяпсиз? Унга бирор нарса бўлдими?

– Ҳа, Муҳаббат Эргашева ўлди, аниқроғи ўлдирилган!





Азиз қизнинг дод солиб йиғлаб юборишини кутганди, йўқ. Қайтанга у лабларини тишлари билан тез-тез қимтишга ҳаракат қиларди, аммо овози чиқмасди. Кўз ёшлари эса тинимсиз оқарди.

– Ким? – сўради оҳиста.

– Шуни бизам аниқлашга ҳаракат қиляпмиз, юринг сизни терговчи кутяпти, бирга борайлик.

Қиз бир сўз демай, Азизга эргашди.

– Бундан Акмалжон аканинг хабари борми? – сўради Оксана стулга ўтириб, Нодирбек узатган сувдан бир ҳўплагач.

– Акмалжон Омоновни айтяпсизми? – сўради Нодирбек қўққисдан.

– Ҳа-а…

– Акмалжон Омонов Муҳаббатни мен ўлдирдим, деяпти!

Оксана узун киприкларини пирпиратиб бош чайқади:

– Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас, ишонмайман!

* * *

Муҳаббат билан Акмалнинг танишишларига аслида, Оксана сабабчи бўлди. У дугонаси билан учрашгач, катта корхонага кириб, укаси жўнатган пулни олиб чиқишимиз керак деб оёқ тираб туриб олди. Ўзи шунақа бу Оксана, айтган жойидан кесмаса бўлмай-ди. Киришди. Оксана дарча олдига кетди. Муҳаббат атрофни кузатишга киришди. «Катта корхона деганларида пул кўп бўлади-да», дея мармар полларга,

деворлардаги жимжимдор нақшларга боқиб хаёлидан ўтказди.

– Ҳов, хаёлпараст бу ёққа кел! – Оксананинг овози эшитилди. У қўли билан дугонасини чорларди. Олдига борганди, қулоғига шивирлади. «Қара, қара! – Муҳаббат Оксананинг юзига тикилди.

– Эй! – Оксана қўли билан дарча томон имлаб, яна шивирлай кетди: – Қара, анови йигитнинг юз-кўзлари чиройлилигини қара!» Қаради: қора қош, қора кўз йигит унга жилмайиб қараб турарди. Негадир ундан кўз узолмай қолди. «Сиз ҳам пул оласизми?» қулоғи остида йигитнинг овози эшитилди. Шундагина у ўзига келиб, «йўқ» ишорасини қилганча, орқага чекинди.

– Шундай чиройли йигитни кўрсатаман десам, ноз қилади бу яна! – Оксананинг товуши, сўнг қаҳқаҳаси янгради...

– Уларни бир ҳафта ўтиб, боғда кўрдим, – Оксана кўз ёшини рўмолчага артиб давом этди. – «Ҳа, писмиқ, чиройли йигитни қармоғингга илинтирибсан-ку!» дедим. «Муҳаббатхоннинг қармоғига ўзим келиб илиндим!» жавоб қилди Акмалжон. Кулишдик. Кейин музқаймоқ егани ўтирдик...

Улар шундай бахтиёр эди, ҳавасингиз келарди.

Кейин уларни тез-тез кўрадиган бўлиб қолдим: дам кўчада, дам боғда…

Муҳаббат билан ёлғиз учрашиб қолсак ҳам, оғзидан Акмалжон акаси тушмасди. У шун-





чалик севиб қолгандики, бамисоли муҳаббат унинг кўзини кўр қилиб қўйганди. Акмалжоннинг хотини борлиги айтганимда ҳам…

– Хўш? – Нодирбек хотиржам қиёфада Оксанага тикилди.

Оксана унга ҳайрон бўлиб қаради. Сўнг иккиланиб сўради:

– Билмасмидингиз хотини борлигини?

– Биламан – деди Нодирбек маълумотномадан кўз узмай, – битта фарзанди ҳам бор экан, ўғил. Сиз давом этаверинг.

Оксана иккиландими, бир-икки лабларини қимтиб қўйди. Сўнг дадилланиб сўзида давом этди:

– Мен хотини борлигини тасодифан билиб қолдим. Яккачинорга тўйга боргандик, «Акмалжон акани танийсизларми?» деб, бир дугонамдан сўраб қўйибман. «Вой, танийміз, танийміз! – дейишди. – Ҳозир шаҳарда ишлаяпти!». «Менинг дугонам – Муҳаббат билан яхши кўришади. Яқинда уларнинг тўйи бўлади. Борасизлар, бир яйраймиз!» дебман. «Нима?» – суҳбатдошим менга анграйиб қолиб деди: – Вой, нималар деяпсан? Акмалжон аканинг хотини, битта фарзанди бор-ку?!

Бу хабардан қотиб қолдим. Тўй қандай ўтди, Тошкентга қандай етиб келдик, элас-элас эслайман. Хаёлим Муҳаббатда эди: «Бу хабарни эшитса, у қандай ҳолатга тушади? Ўзи бир марта алданиб бўларича бўлганди! Энди бунисини кўтаролмаса керак. Ўзини бир нарса қилиб қўймасайди!»

Саволлардан ҳам кўра, дугонамга хабарни айтиш менга жуда оғирлик қилди. Бир ҳафта, ўн кун айтолмай юрдим. Охири…

– Муҳаб, Яккачинорга тўйга боргандик…

– Эшитдим, аммо мениям олиб кетмабсанда, «ўзимиз» томонларни кўриб келардим, – деди Муҳаббат қувноқ оҳангда.

– Ўзинг томонлардаги гапни эшитсанг, ҳозир йиғлайсан! – дедим зарда билан.

– Қани, бир йиғлайлик-чи!

– Акмалжон аканг… Акмалжон акангнинг хотини, битта фарзанди бор экан!!!

– Ишонасизми, – Оксана бир дам жимиб қолди, – Муҳаббатнинг уввос солиб йиғлашини кўтгандим: у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ҳатто кейинги гапларини эшитиб, қулоқларимга ишонмадим:

– Шунга мени йиғлайди, деб юрибсанми, дугонажон, – деди у ҳамон кулиб. – Биламан. Акмалжон аканинг ўзлари айтган. Уйланган бўлса нима бўлибди? Барибир у киши мени севади-ку! Яқин аёли бўлишим ҳам мумкин-ку! Иккинчи хотин бўлиб ҳам тегиб олавераман!

Оксананинг кейинги гаплари Нодирбекнинг қулоғига кирмади: у «занжир»нинг учини топгандай эди. Демак, Ҳасан бақироқ кўрган шарпа – Акмалжоннинг Яккачинордаги хотини дейилса, рашк туфайли у бундай қабиҳликни қилган бўлиши мумкин.





* * *

Эсон бува чорбоғдан дарахт парваришлаб қайтаркан, кўзи эшик дарвозаси олдида турган машинага тушди. У белбоғини ечиб, қўлини артганча, эшик томон юрди. Шуни кутиб тургандай, шаҳарнинг нуқси уриб қолган йигит эшикдан кирди.

– Ассалому алайкум, – йигит қўлларини кўксига қўйди, сўнг бувага қўл узатди.

«Одобли йигит экан», – бува йигит билан қўшқўллаб сўрашаркан, хаёлидан ўтказди.

– Эсон бува бўлсангиз керак? – сўради йигит жилмайиб.

– Ҳа, ҳа, – бува бош силтаб, йигитни ичкарига бошлади. – Қани, келинг, – дея ўрик остидаги сўрига ишора қилди. Сўнг кўча томон бўйлаб, сўради. – Шерик борми, шопир?..

– У киши машинада ўтириб турадиган бўлди…

– Ҳа, келаверсин, чой-пой қиламиз. Ундан қочадиган одам бўлмаса…

Нодирбек гапнинг келишимидан хурсанд бўлиб, савол ташлади:

– Ўғиллар бошқа бўлиб чиқиб кетишганми?

– Ҳа, тўнғичимиз Акмалжон шаҳарда. Ҳомиджонга янги маҳалладан уй қуриб берганмиз. Кенжавой биз билан. Уям, хотиниям ишда.

– Хабар олиб туришадими?

– Ҳа, шукур. Каттаси жиндай қийнаб турибди: ишим зўр дейди, уй олишидан дарак йўқ. Бола-

чақаси бу ерда, ўзи шаҳарда. Олиб кетсайди, мениям, қудамниям қулоғи тинчирди.

– Шаҳардан уй олишнинг ўзи бўлмайди-да, – деди Нодирбек ҳамдардлик билан.

– Менам шуни айтдим, ишинг бор, бола-чақанг олдингда, пишириб қўйибдими шаҳарда деб. Э-э! – бува аччиқланди. – Ҳозирги боллар-га гап уқтириб бўларканми! Улар онасининг қорнидаёқ ҳамма нарсани билиб тушишади!

– Акмалжон охирги марта қишлоққа қачон келганди? – Нодирбек мақсадга ўтди.

Эсон бува Нодирбекка савол назари билан тикилиб қолди.

– Тинчлик бува, тинчлик. Ўғлингиз Акмалжон соғу саломат, фақат битта масалага ойдинлик киритиш учун сўраб суриштириб юрибмиз, – Нодирбек тушунтирган бўлди.

– Нима иш экан? – бува қадалиб сўради.

– Кейин тушунтириб бераман, бува. Хўп, Акмалжон охирги марта қишлоққа қачон келганди?

Бува дўпписини бошидан олиб, бир муддат ўйланиб қолди. Кейин мол-қўйларга ўт солаётган кампирига юзланди:

– Кенжавой, Акмалинг қачон келганди?

– А? – кампир чолига оғзини очиб қаради.

– Э-э-э! – бува қўл силтаб, ўзича ҳисоблай кетди. – Хўп, жумада Валижон қизини чиқарди. Шанбада Абдуқаҳҳор укасини уйлади... Ҳа, Акмалжон шанба куни шу тўйга келган экан. Абдуқаҳҳор билан ўрток-да, улар. Бирров уйга





бош тиқиб кетди. Нима гап, ўғлим, очиқ гапиринг?

Эсон буванинг қатъий юзига боқиб, Нодирбек воқеани айтмаса бўлмаслигини тушунди. У қисқа қилиб, Муҳаббатнинг жасади топилганини, Акмалжон мен ўлдирдим деб бўйнига олаётганини гапириб берди.

– Жинни-пинни бўлганми? – Эсон бува анграйиб қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйди. – Тушунмадим, қанақасига...?

– Ҳаяжонланманг, ҳали исботлангани, ишни тўлиқ тугатганимиз йўқ. Шунга аниқлик киритиб далилларни кўриб чиқамиз. Фақат у шу ишни бўйнига олиб турибди.

– Шунга сизларни ишонтираман, деяптими? – сўради бува Нодирбек ҳикоясини тамомлагач. – Хом бола-я, хом бола! Ишонманглар! Ҳозирги боллар бировнинг хунини бўйнига олишдан ҳам қўрқишмайди. Бу жуда катта гуноҳ-ку! Ишонманглар гапларига!

– Менам ишонганим йўқ.

– Кўп яшанг, ўғлим. Оқ билан қорани ажрата оларкансиз.

– Аммо ўғлингиз, «Мен ўлдирганман, мен!» деб қайсарлигини қўймаяпти-да! Шунга келинингиз билан гаплашсак.

– Келиним?.. – бува савол назари билан Нодирбекка тикилиб қолди.

– Ҳа, Акмалжоннинг хотини билан гаплашсак. Ўрталарида жиддийроқ жанжал бўлмаганми, суриштириб кўрсам.

– Акмалнинг хотини билан шу пайтгача сен-менга борганини билмайман, – дея Эсон бува яна уй томон бўйлади. – Кенжавой, Жамила келин қани, Жамила келин? Ҳали кўзим тушгандай бўлганди? Қўшниникига чиққандир, Жамолга тайинла, айтиб чиқсин! – бува яна Нодирбекка юзланиб, тушунтирган бўлди. – Эр шаҳарда, келиннинг юриши бу. Бир кун уйида бўлса, беш-олти кун отасиникида юради. Қачон келди, қачон келмади, билмай ҳам қоламиз. Чойдан ичинг, ўғлим, чойдан. Дастурхонга ҳам қарамайсиз. Олинг.

Нодирбек чой ҳўплади.

– Деҳқончиликлар яхши бўлдими, ота? – Нодирбек гапни четга бурди.

– Ризқига яраша, – жавоб қилди бува нонни чойга ивитиб оғзига соларкан. – Бу йил ўрик йили бўлди-да, ўзиям. Мана шунинг ўзидан, – бува тепадаги ўрикка ишора қилди, – икки қоп туршак қуритдим. Бола-чақанинг еганини гапирмай. Тўкилганини еб адо қилолмадик. Ўрик яхши бўлди десам, шафтоли, олмалар ҳам чакана ҳосил бермади. Шохларига айри қўйиб улгурмадим, қанчаси синиб кетди.

– Ассалому алайкум, – келиннинг саломидан буванинг сўзи бўлинди.

Олдинда айтувчи – Жамол, орқасидан Жамила келин киришди.

– Келдингми, қизим? – бува қўли билан ишора қилди. – Манови акангни сендан сўрайдиган гапи бор экан.





– Ота, биз… – Нодирбекнинг ичкарига кириб холи гаплашсак дегани тили бормади.

Хайриятки, ота тушунди.

– Гаплашаверинглар, сизларга халақит бермайман, – дея ўрнидан қўзғалиб, ичкарига юрди. Сўнг ортига бурилди. Сўри олдида оғзини очиб, дам суҳбатга қулоқ тутиб, дам бир оёғи билан ер чизаётган набирасини чақирди: – Бақа ке, Жамол, уларнинг гапига халақит бермай!

Жамол бир оз иккиланиб турди-да, бурнини тортиб, бобосининг орқасидан кетди.

* * *

– Ўтиринг, синглим, – деди Нодирбек сўрига ишора қилиб.

Жамила сўрига тирсагини қўйиб, тураверди.

– Ўтириб олинг, узоқроқ гаплашишимиз мумкин!

– Тураверaман.

«Қайсарликда эридан қолишмайди, шекилли», дея кўнглидан ўтказиб, Нодирбек унга бошдан-оёқ разм солмоқчи бўлди-ю, кўзи бир нуқтада қотиб қолди: Жамиланинг бўйнида улар топишолмаган, Дилфуза опа таърифлаган, олтин занжир осилиб турарди! Ўртасида ярим ой шаклидаги кўзи ҳам ўша! Рости Нодирбек довдираб қолди. Гапни нимадан бошлашни ҳам билмай анчайин иккиланди ҳам. Хайрият бу бир зумгина давом этди: ўзини тутиб олиб, савол-жавобни бошлади:

– Жамила Омоновасиз-а, Акмалжоннинг хотини?

– Ҳа-а.

– Акмалжонни охирги марта қачон кўргандингиз?

– Унга нима қилди?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Саволимга жавоб берсангиз: Акмалжонни охирги марта қачон кўргандингиз?

– Ўртоғи Абдуқаҳҳорнинг тўйига келган куни.

– Хўп яхши. Айтингчи, у тўйига ёлғиз ўзи кедганмиди?

– Ҳа-а.

– Кўришдингизми, гаплашдингизми?

– Биз маҳалланинг хотинлари билан тўйига боргандик.

– Ҳа, тушунарли. Акмалжон билан тўйда гаплашмадиларинг-а?

– Йўқ.

– Юз эллик чақирим йўл босиб, тўйига келиб, сизни, айниқса, ўғлини кўрмасдан қайтиб кетавердими?

– Бизларни кўрди, аммо…

– Мабодо жанжаллашиб қолмаганмидиларинг?

– Шаҳардан бери келмайди-ю…

– Сизлардан хабар олиб турмайдими?

– Бир ойда, бир ярим ойда шанба келиб, ётиб, бозор куни кетарди…

– Анави тақинчоқ... – қўли билан имлаб, Нодирбек асосий «савол»ни бермоқчи бўлиб оғиз





жуфтларкан, кўзини Жамиланинг юзидан узмади: – Бўйнингиздаги занжирни қаердан олгансиз?

– Буними? – Жамила ўнг қўли билан занжирни ушлади.

Нодирбек унинг қўли титраяптими деб, унинг қўлига диққатини жамлади: титрамаяпти. Аммо ранги сал оқарди. Терговчи «савол»и бехато кетганига ишона бошлади.

– Ҳа, ана шу олтин занжирни? – деди.

– Акмалжон акам олиб берган!

– Қаердан, қачон олиб берган? – Нодирбек дадилланди. Аммо Жамиланинг кейинги гаплари уни бир оз саросимага солиб қўйди.

– Ўғлим туғилганда, шаҳардан олиб келишганди. Уйда қутиси ҳам турибди! Олиб чиқайми? – Жамила терговчининг жавобини кутмай, ичкарига қараб буюрди: – Ҳой, Жамолиддин, занжиримни қутисини олиб чиқинг.

Қутича тайинли жойда эди шекилли, зумда сўридаги кўрпача устида пайдо бўлди. Нодирбек уни қўлига олиб, диққат билан кўраркан, ички ҳаяжони кучая бошлади: Муҳаббатнинг уйидан топилган, айни дамда терговчининг чўнтагида турган қутича билан айнан бир хил! Занжирнинг паспорти ҳам жойида! Шунақасиям бўладими?

Нодирбек «савол»и янада жумбоқга бошлаганини тушунди. Энди ўзини босиб олмоғи лозим эди. Шунинг учун:

– Раҳмат сизга. Безовта қилганим учун узр.

Бир-икки кун қишлоқларингда бўламан, зарурат туғилса келарман, – дея ўрнидан турди.

* * *

Нодирбек тасодифларга унча ишонмасди. «Бахтли тасодиф» деган иборани эшитганда ҳам, истеҳзо билан кулиб қўярди. Аммо бу галгиси…

Ўйларига ғарқ бўлиб кетаркан, машинанинг бирдан тормоз бериб тўхтаганидан ўзига келди. Савол назари билан ҳайдовчи – Шоҳрухжонга қаради.

– Ака, мениям ўйланг, – деди у кулимсираб. – Сиз ўйлаб ўйингизга етмайсиз. Мен суҳбатдош тополмай гарангман. Йўл узоқ бўлса… Қизлар қўл кўтарди, олволайлик, гаплашиб сал кўнгил ёзиб кетамиз-да.

Нодирбек жавобга оғиз жуфтлагунча, чиройликкина қиз машина эшигини очди.

– Шаҳарга кетяпсизларми, акалар? – сўради жаранглаган овозда.

– Ҳа, ҳа, шаҳарнинг қоқ киндигига борамиз, чиқаверинглар! – деди Шоҳрухжон хушкайфиятда.

– Бизам шаҳарнинг киндигига кетяпмиз, – қиз ҳам Шоҳрухжондан қолишмади.

«Шаддод қиз экан», деб қўйди Нодирбек ўзича.

– Мубо, чиқ, – деди қиз дугонасига йўл бериб.

Икки қиз орқа ўриндиқдан жой олишди.





– Ўқийсизларми?

– Ҳа, магистратурада, – шаддод қиз жавоб қилди.

– Ў-ў-ў! Катта ўқишда экансизлар, – Шоҳрухжон негадир кулди. Сўнг қизларни атай гапга солиш учун, бундай эмаслигини билиб турса-да, атай сўради: – Мана шу қишлоқда туриб, ҳар куни шаҳарга қатнаб ўқийсизларми?

– Нима деяпсиз, ака? – шаддод қиз қувноқ оҳангда давом этди. – Шундан-шаққа қатнаб ўқиб бўларканми? Бир-икки ойда амаллаб бир келиб-кетамиз. Йўлкираларни кўриб турибсиз…

– Бензинларнинг нархи ҳам ошиб кетди-да,

– Акмалжон ҳайдовчиларнинг тарафини олган бўлди.

«Бу ёғи кетди, – Нодирбек кулимсираб ўйлай бошлади: – Доллар, бозор, нарх-наво… ҳамманинг гаплари бугунги кунда шу! Ундан кейин палончи палон олибди, пистончи пистон қилибдига уланади гап».

– Шу қишлоқдан, Резаксой маҳалласиданмиз дедиларингми? – Нодирбекнинг қўққис берган саволидан Шоҳрух билан шаддод қиз ўртасида бўлаётган суҳбат бўлиниб қолди.

– Ҳа, ака, биз сизни ухлаб қолдингизми деб ўйловдик, – орқадан шаддод қизнинг овози эшитилди.

Нодирбек орқага ўгирилиб, кўзлари кулиб турган шадод қизга рўбарў бўлди.

– Резаксойданмиз, гапираверинг, – деди қиз Нодирбекка далда бериб. – Бирортаси юрагингиздан урган бўлса, исмини айтинг, совчиликка борамиз.

Кулишишди.

– Жамила деган қизни...

– Вой, Жамиланинг эри бор, танлаганингизни! – шаддод қиз дугонасининг тиззасига уриб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Бошқалар унга қўшилишди.

– Йўқ, мен... – Нодирбек гапини йўқотиб қўйди.

– Ҳозир муҳаббат ёш танламайди, – Шоҳрухжон Нодирбекни хижолатдан қутқазай дедими, гапни аскияга бурди, – муҳаббат эр танламайдиган бўлиб кетган! Ҳа-ҳа-ҳа! Рост, акамизнинг ҳам кўнгли Жамилахонга кетган экан, севги деганлари буни эри борми, йўқми деб сўраб ўтирармиди.

Шоҳрухжон бошлаб берган қаҳқаҳа машинани тутди.

– Аммо акамлар, – деди шаддод қиз аскияни давом эттиргандай, – каллиқ танлашда бир оз адашибдилар-да.

– Нимага? – савол ташлади Шоҳруҳжон.

– Аввало у кишини Жамила деманг, Зайнаб, – қиз кулди. – Синфдош дугоналаримизнинг ҳаммаси уни Зайнаб деб аташарди.

– Оти иккитами? – сўради Шоҳрухжон ойнадан ортига қараб.

– Йўқ. Отабекнинг Зайнабини биларсиз? Кумушга заҳар берган Зайнабни?





– Нима, Жамилаям заҳар берадиганлардан-ми? – Шоҳруҳжон ўзича қовоғини уйган бўлди.

– Йўқ, – қиз кескин эътироз билдирди. – Феъли ичимдан топ бўлганлиги учун Жамилани Зайнабга қиёслаймиз. Эсласангиз, Зайнабга кўйлак олиб беришмаса, «Менга қани?» деб хархаша қилмайди, аммо эртадан-кечгача йиғлайди.

– Ҳа, ҳа! – Нодирбек қизни қувватлаган бўлди.

– Бизнинг Жамилахон ҳам худди Зайнабнинг ўзи, – қиз завққа тўлиб, гапини давом эттирди. – Бешинчида ё олтинчида ўқирдик. Она тилидан диктантни ёзиб бўлишимиз билан ўқитувчи айланиб юриб, дафтарларимизни битта-битта йиғиб олди. Эртасидан бошлаб Зайнаб дарсга келмай қўйди. Бир кун кутдик, икки кун кутдик, дараги бўлмади. Касал бўлиб қолдимикан, деб хабар олгани ўтсак, онаси ичкарига имлаб: «Ўртоқларингга яна жин тегиб қолган, икки кундан буён уйга қамалиб олиб йиғлаб ётибди», – деди. Кирсак, бизни кўриб баттар йиғлади, ёнида диктант дафтари! Жин текканининг сабабини тушундик: ҳамманинг дафтарини йиғиб олибди-ю, нимагадир чалғиганми, ўқитувчи у узатган дафтарга қарамай ўтиб кетибди-да!

Кулишдик.

– Бунақа воқеалар мактабни битургунча қанча бўлган-у!

– ЗАГСдагисини айт, – қизнинг дугонаси луқма ташлади.

– Ие, сизам гапирасизми-эй! – Шоҳрухжон орқа ойнага бўйлаб, қизни кўрмоқчи бўлди. – Мен сизни ҳалитдан буён индамаганингизга, сақовмикан деб ўйловдим. Ҳа-ҳа-ҳа!

– Ҳа, ЗАГС кунидагисини айтай, – деди шадод қиз Шоҳрухжоннинг кулгисига унча парво қилмай. – Қизлар тўпланганмиз. Келинчакни кийинтириб, безантирдик. Кўчагача ҳам олиб чиққанмиз. Зайнабхон ўзига қараб келаётган куёвга бир оз термулиб турди-да, шарт орқасига бурилиб, уйига чопиб кириб кетса бўладими!

Биз ҳайрон, гул кўтариб у томон келаётган куёвбола, унинг ўртоқлари ҳайрон. «Нима бўлди, ўртоқжон?» – десак, эски одати, бир сўз демайди, юзини ёстиққа босиб йиғлаб ётаверди. Энди кўраверасизда, чопти-чопти, савол-жавобни: ким нима деди, ким нима демади, ҳаммадан сўраб чиқдик – тайинли жавоб тополмадик.

Куёвболани ҳам қисти-қафасга олдик: «Нечта, қанақа машиналар олиб келишга ваъда бергандингиз?» Хайрият, куёвболанинг эсида экан: тўртта машина олиб келиши керак экан. Санасак, учта машина келибди. Дарров куёвболанинг ўртоқлари машина топиб келишди, хабарни эшитиб, келин бир сўз демай ЗАГСга жўнади.

Машина ичида яна кулги янгради.

– Ҳақиқатан ҳам ғирт Зайнаб экан-да, а? – ҳайдовчи луқма ташлади.

– Келин бўлиб ҳам қолмади Жамиланинг Зайнаблиги.





– Ўғил кўргандан кейин ҳам ўзгармади, – деб қўйди дугонаси.

– Ҳа! – қувноқ қиз жўшиб давом этди. – Ўғил кўргач, эри машина ёллаб, уларни шифохонадан олиб чиққани борибди. Жамила чақалоғини кўтариб чиқибди-ю, бир зум атрофга аланглаб туриб, шарт ортига бурилиб, ичкарига кириб кетибди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолибди. Эри дам қўлидаги гулдастага, дам машинага қарармиш – ҳаммаси келишилганидай! Ўйлаб қараса, галстугини тақмай келган экан, уйига чопибди.

Яна машинанинг ичини кулги тутди.

– Ака, – шадод қиз Нодирбекка юзланди, – Жамилахонни севиб қолган бўлсангиз, уни Зайнаблигини билиб қўйинг деб айтяпман-да, бу гапларни! Ҳатто унга эри уйланиб олганини айтсак ҳам, миқ этмади.

– Шоҳрухжон ажабланган бўлди:

– Ие, эри уйланиб олибдими?

– Ҳа, шаҳардан уйланибди.

– Наҳотки «Эринг уйланибди», десаларинг ҳам бир сўз демаган бўлса? – Шоҳрухжон ростакамига ҳайрон қолди.

– Вой, – қиз қошларини чимирди, – гаплашиб тургандик, мен ўзим айтдим, шу гапни. Ранги кув ўчди, аммо миқ этмай ортига бурилиб, уйига кириб кетди. Мен сизга нима деяпман, Жамила эмас у, ҳақиқий Зайнаб деб!

«Эри уйланиб олганини айтсак ҳам, миқ этмади», – Нодирбек яна ўйга чўмди. – Бундай миқ этмаганлардан қотилликни кутиш мумкин-

ми? «Ўтган кунлар»даги Зайнабни кўй, заҳар берган – кундошидан кутулган. Аммо Муҳаббат эса, пичоқ санчиб ўлдирилган. «Миқ этмаган қиз» бу ишни қила оладими? Қилди ҳам дейлик, аммо бунга далил қани? Асраб кўйган «мақсад»и ҳам бир тийинга арзимаган далил бўлиб чиқди».

* * *

– Тўйларни яхши ўтказиб олдингизми? – Нодирбек оҳиста сўради.

Абдуқаҳҳор:

– Раҳмат, – деди-ю, бу бегона одам мени тўй қилганимни қаёқдан билди, нима иши бор экан, дегандай ҳайрон бўлиб, Нодирбекка тикилди.

Нодирбек ўзини таништиришни лозим деб билди ва шошмасдан гап бошлади:

– Аввало, тўйдан чарчаб чиққансиз, безовта қилганимиз учун узр. Масала ўртоғингиз Акмалжоннинг тақдири устида бораётгани учун бизни тўғри тушунасиз.

– Э, тушунамиз, тушунамиз, – деди Абдуқаҳҳор сал енгил тортиб. – Ўзи тинчликми, отасидан эшитиб қолдим, Акмалжон... Бунақа бола эмас эди.

– У биздан ниманидир яширяпти. Кимларнидир ҳимоя қилиб, бошини сиртмоққа тиқиб беряпти, деган гумоним бор.

– Ҳа-а… – Абдуқаҳҳорнинг юзи ёришди. – Гумонингизга қўшиламан.

– Шунга, тўйда Акмалжон билан учрашган-





лар билан суҳбатлашсам дегандим, – Нодирбек дафтарчасини очди.

– Акмалжон тўй куни… – Абдуқаҳҳор бир зум ўйга ботди. – Асосан ўртоқларимиз билан бўлди. – Қурбон, Шокир…

– Шошманг, фамилиялари билан айтсангиз, ёзиб олай…

– Раҳимов Қурбон, Ниёзов Шокир, ҳа-а, яна Назиржон ҳам бор эди. Фамилияси?.. Холматов.

– Шу ўртоқларингизни чақиртирсак, қарши бўлмасангиз.

– Бемалол, бемалол, – Абдуқаҳҳор ўрнидан туриб, қўли кўксида эшик томон юраркан, қўшиб қўйди: – Ўртоғимиз учун чақиртириш керак экан-у, Ҳиротга десангиз ҳам олиб бораман!

Нодирбек ҳовлига разм солди. Тўй ўтгандан кейинги манзара: ҳаммаёқ чиннидек супурибсидирилган, саранжом. Бу ҳовлига келин тушганлиги шундоқ сезилиб турибди.

Абдуқаҳҳор бошлаб келган йигитлар саломаликдан сўнг, дуо қилингач, жим қолишди. Нодирбекка савол аломати билан бир-бир қараб ҳам қўйишди.

– Прокуратурага битта-битта чақириб тергов қилиш бошқа-ю, – деди ўзича Нодирбек, – мана бундай, бировнинг хонадонида, сўрига ўтириб олиб, уч-тўрт кишининг ўртасида суҳбатлашиш бошқа-да! Битта-битта суҳбатлашай деса, яна ноқулай.

– Олдиндан келишиб олайлик, – ўртадаги

ноқулайликни кўтариб ташлаш учун Нодирбек кулимсираб гап бошлади. – Буни тергов деб ўйламанглар, дўстона суҳбат деб билинглар. Менам Акмалжоннинг оқланиши тарафдориман, яъни сизлар томондаман. Воқеадан хабар топган бўлсаларинг керак?

– Ҳа, ие!

– Эшитганимиздан ҳайронмиз.

– Аммо Акмал унақа бола эмас!

– Унақа бола эмаслигини исботлашимиз учун асос керак, – деди Нодирбек жиддий. – Шунинг учун тўй арафасида, тўй кунлари ва ундан кейин Акмалжон билан боғлиқ ҳар қандай, арзимас бўлса-да, воқеаларнинг ҳаммасини сизлардан эшитишим керак.

– Бўлди, ота, – деди Қурбон деганлари. Жўрабошилари шекилли, жуда эркин гапирарди.

Йигитлар уни маъқуллашиб, бош қимирлатишди.

– Тўйни биласиз энди, ташвиши кўп, – Абдуқаҳҳор сўз бошлади. – Шаҳарга ўтгани қўлим тегмай, манови Шокирга Акмални ҳам тўйга айтиб қўй, дедим.

– Мен телефон қилиб…

– Қайси куни? – Нодирбек Шокирнинг гапини бўлди. – Илтимос, кунларини, иложи бўлса соатларини ҳам айтиб кетинглар, бу жуда муҳим.

– Тўйингга уч кун қолганди-а, менга айтган кунинг? – Шокир чаккасини қашлаб, Абдуқаҳҳорга юзланди.





– Ота, тўй 20 августда бўлиб ўтди, тўғри гапир, буларга шу керак, – Қурбон суҳбатга қўшилди. – Сенга уч кун бурун айтган бўлса, ўн еттинчи бўлади.

– Ҳа, – Шокир ўртоғининг гапини тасдиқлаб, бош қимирлатди. – Ўн еттинчи куни экан. Ўша куни кечқурун, кечки пайт, – у Нодирбекка қараб давом этди, – соат еттилар бор эди, ишдан келгандир деб уйига телефон қилдим. Ўзи олди. Тўй кунини айтдим, «Вақтлироқ келавер, бир кун олдин сабзи арчамиз», дедим. У, «Бўлди, бораман», деди. «Қачон?» деб сўрадим. «Эртага ишларимни кўрай, сенга телефон қилиб айтаман», деди. Бир кун ўтиб ўзи кечқурун телефон қилибди. Мен уйда йўқ эдим, хотинга, «Эртага соат ўнларда етиб бораман. «Боғишамол» чойхонаси олдида кутиб турсин, тўйга бирга ўтамиз», деб тайинлабди. Чойхона олдида Қурбон билан кутиб турдик, роса ўнда етиб келди.

– Ҳа, тўғри, ота, – Қурбон уни қувватлади. – Мен ошхона буфетига имлаб, «Тўйга киришдан олдин, отланиб олмаймизми?» дедим. Акмалжон кўнмади. Кейин уччовимиз тўйхонага кириб бордик. Бир пиёладан чой ичгач, хизматга киришдик.

– Акмалжон ҳам тўй куни сизлар билан бирга бўлди, а? – Нодирбек луқма ташлади.

– Ҳа-да, ота.

– Ўртада бирор ёққа бориб келмадими?

– Ҳа, ҳа, Акмалжоннинг уйига бориб келдик, –

Шокир шошиб аниклик киритди. – «Чолкампирлардан хабар олиб қўйсак», деди. Тушда, шўрвани ичиб бўлганимиздан кейин, соат учлар бўлиб қолганди. Уларнинг уйи бу ердан тўрт чақиримча нарида. Машинамда икковимиз бордик. Отаси Эсон бува бор экан, кўришдик, бир пиёла чой ичдик. Кейин ортимизга қайтдик. Шаҳардаги тижорат дўконининг олдига келганда, «Шу ерда тўхтаб ўт, мен тушиб қоламан», деди. «Ҳа?» десам, «Сен киравер, мен бир оз болаларим билан билан гаплашиб, кейин кираман», деди. «Болаларнинг ҳаммаси тўйда-ю? Юравер, ҳамма нарса тўйда бор», дедим. «Ярим соатда ўтаман», деди. У тушиб қолди, мен тўйхонага қайтдим.

– Акмалжон дўконнинг олдида тушиб қолди дедингизми? – сўради Нодирбек дафтарига «дўкон» деб қайд қилиб қўяркан.

– Ҳа.

– Ярим соатга қолмай, Акмалжон ҳам келди, ота, – деди Қурбон Нодирбекнинг савол беришга шайланганини сезиб. – Мен эшикнинг олдида ўтиргандим, келинглар, хуш келибсизлар деб. Жиндай кайфияти йўқроқ эди. Кайфияти бузилганини сездирмасди-ю, аммо мен сезардим-да, ота. У чекмасди. Фақат ичса ёки кайфияти бузилса, «Битта сигаретингдан бер!» дерди. Бу сафар ҳам келибоқ сигарет сўради. Қарасам, ичмаган. Демак, кайфияти бузилган. «Тинчликми, ота?» десам, «А-ай!» деб қўл силтаб, ичкарига кириб кетди.





– Бизнинг ёнимиздан жой олди, – Назир аниқлик киритди, – сабзи арчиётгандик. Кейин… Гапирмаса ҳам, ўртада бўлаётган аскиянамо гапларга кулиб ўтирди. Шавланиям бирга едик.

– Ҳаммамиз бир товоқдан едиг-у, ота, – Қурбон қўлини шоп қилди. – Ановинданам урдик. Сен, – у Назирга қараб давом этди, – аввал бир пиёла арокни, сўнг коса тўла газакни Акмалнинг шимига тўкиб юбординг-а, ота. «Акмал ичмади-ю, аммо шими арок ичиб, газак қилиб маза қилди, шимининг кайфи ҳам Акмалга етади!» деб кулишдик. Эсингдами, ё маст бўлиб қолгандингми, ота? Ўзи ўша куни шеригинг Баҳром билан Комил бўлмади-да, тўйнинг қозонига арокни тўлдириб берардик, бир чўмилиб ҳам олардиларинг.

– Маст эмасдим-э! – Назир аччиқланди. – Шавла олиб келган бола қоқиниб кетиб, мени туртворди. Бир қўлимда арок, иккинчисида закуска турганди…

– Шундан кейин?.. – Нодирбек гапнинг аскияга уланаётганини сезиб, жиддий савол берди.

– Ундан кейин нима қилардик, ота? – Қурбон терговчига кулимсираб қаради. – Фотиҳани ўқиб, уй-уйимизга, така-тўйимизда кетдик-да, тўйхонада ётиб қолармидик, ота. Акмални мен бошлаб кетдим: «Бурунни бурунга теккизиб бир гаплашайлик, ота!» деб. Бордик, ётдик, эрталаб азонда яна тўйга келдик.

– Кечқурун Акмалжон бирор жойга бормадими?

– Битта калта иштон билан қаёққа борарди, ота!? – Қурбон шарақлаб кулди. Сўнг тушунтирган бўлди: – Шимига анови ароқ билан газак тўкиб юборганди, дедим-ку. Ётаётганимизда Акмалга, «Эртагаям сасиб юрмасин, шимингни бер, хотин ювиб қўяди, ота!» дедим. «Э, қўй, ароқ қуриса ҳиди кўтарилиб кетади», деб кўнмади. Қайсарликда менам Акмалдан ўтиб тушадиганлардан-да, ота! «Ғижим бўлиб кетибди, дазмоллаб ҳам қўяди», деб шимини хотинга олиб чиқиб бердим.

– Эртасига ҳам Акмалжон сизлар билан бирга бўлдими?..

– Қаёққа ҳам борарди, ота, ўртоғининг тўйини ташлаб. Ўзиям тўймисан тўй бўлди-да, ота, бопладинг, аммо! – Қурбон Абдуқаҳҳорга қараб қош чимирди.

– Акмалжон тўйдан соат неччиларда кетди?

– Тўрт ярим, бешлар бор эди мен билан хайрлашганда, – деди Абдуқаҳҳор.

– Кузатгани катта йўлга олиб чиққанимда, соат роса беш эди, – унинг гапига Шокир аниқлик киритди. – Битта таксини тўсиб, чиқариб юбордим, кетди.

– Бўлдими, ота? – сўради Қурбон. – Хроника қилиб юбордикми ўзиниям! Энди чой ичамиз, ота. Обкемайсанми, ота, тўйдан қолганмиз, ота. Обкемайсанми, ота, тўйдан қолган-қутганларини! – деди у Абдуқаҳҳорга қараб.





– Йўқ, бошқа сафар, ҳали анча қиладиган ишларимиз бор, – Нодирбек ўрнидан қўзғалди.

– Сизнинг баҳонангизда биз курмаклар ҳам сув ичиб қолардик: тўйдан ортганларини урардик, ота! – Қурбон гапни яна аскияга бурмоқчи бўлди-ю, Нодирбекнинг жиддий қараб турганини кўриб, уям қўлини кўксига қўйиб: – Майли, аммо ишлар тинчигандан кейин бир келасиз, ота, – деди.

* * *

Кечки пайт бўлгани учун хўппа семиз дўкон мудирининг қўли қўлига тегмайди. Аммо у бегона одамлигини сезиб, дарҳол Нодирбек томон юзланди:

– Келинг, меҳмон, келинг!

– Сиз билан холироқ гаплашсак, дегандим, – деди Нодирбек.

– Бемалол, – мудирнинг кўзи олазарак бўлиб, ичкарига қараб чақирди: – Усмон, кўрпачаларни қоқиб ташла. Кейин ўзинг бу ёққа чиқиб, савдога қараб тур! – мудир қўлини кўксига қўйиб, Нодирбекни таклиф қилди: – Қани, ичкарига марҳамат.

Улфатларга мўлжаллаб барпо қилинган кўлбола «ресторанча»га киргач, Нодирбек суҳбат чўзилса керак деб ўрнашиброқ ўтирганди. Афсуски суҳбат у айтгандай бўлмади.

– 20 август куни Абдуқаҳҳор ака тўй қилган, – деди Нодирбек гапни чувалаштирмасдан. – Хабарингиз бўлса керак?

– Ҳа, энди битта қишлоқданмиз-у! – мавзу бошқа томонга кетганини сезиб, мудир жонланди.

– Шу тўйга Абдуқаҳҳорнинг ўртоғи Акмалжон ҳам 19 август куни тўйга келган.

– Эсон буванинг шаҳарда яшовчи ўғлими? Ҳа, ҳа, эсимда. Бу ерга ҳам кирганди.

– Ўн тўққизинчи куни, соат тўртларда-а?

– Куни, соати эсимда йўғ-у…

– Эслаб кўринг.

– Хў-ўш! – мудир панжаларини кўйлаги тугмасининг орасидан суқиб, кўкрагини қашлади. – Тўйдан бир кун олдин. Ҳа, тўй куни эртадан-кечгача тўйда бўлдиг-у, савдода хотин турди.

– Яхши.

– Тушдан кейин эди. Бу вақтда биласиз, савдо узилган пайт бўлади. Кун иссиқ, уйқу тортаётганди. «Ичкарига кириб, бироз мизғисаммикан?» деб тургандим, Акмалжон кириб қолди. Жиндай валақлашгани одам топилганидан хурсанд бўлиб кетдим. «Шаҳарликни ҳам кўрар кун бор экан-ку!» деб сўрашдим. «Қани, ичкарига, салқинроқ! – деб мана шу хонага таклиф қилдим. – Тошкентингизда ҳам топилмайдиган зўр пиволардан ҳам бор, муздайгина!» дедим. У қўлини кўксига қўйиб, ўртоғиникида хизматда эканлигини айтиб ичкарига киргани унамади. Кейин майда-чуйда олиб, чиқиб кетди.

– Бу ерда қанча бўлди?





– Қанча бўларди?.. – мудир чайналди. – Шу беш-ўн минутча шекилли. Қанд-қурс олгани қанча вақт кетарди.

– Уларни олгач, дарҳол чиқиб кетдими?

– Ҳа.

– Унинг қаёққа кетганини билмадингизми?

– Нимага билмайман? Майда-чуйда олгандан кейин, болаларини кўргани қайнотасиникига кирса керак, деб ўйладим. Айтганимдай, дўконнинг орқасига қараб юрди. Қайнотасиники, мана шу дўконнинг орқасида, иккинчи уй.

Нодирбек мудирнинг, «Бир келиб қолибсиз, бир келиб қолибсиз, чой қилайлик», деганига қарамай ташқарига юрди.

* * *

Уч кундан буён ёғаётган ёмғир, тинай демайди. Ҳаммаёқни ивитиб юборди. Айниқса, асфальт ётқизилмаган қишлоқ кўчаларига қадам босиб бўлмай қолди. Кампири ўтиб кетгач, куни чойхонада кеч қилишга одатланган Мамадали ота айвонга чиқиб, уйга кириб юраверишдан сиқилиб кетди. Чойхонага чиқай деса, ҳасса билан лой кўчада юришнинг ўзи бўлмайди. Ошнаси Исмат лофчи келиб турарди, уям икки кундан буён қорасини кўрсатмайди.

Бу ёқда индамас қизи – Жамила хит қилиб юборди: икки ойдирки бир кун эриникида бўлса, ўн кунлаб шу ерда. Куёви – топармон-тутармон, мўмин-қобил йигит. Уларнинг ўрта-

сида қандай гап ўтган, худо билади. Бу индамасхондан гап сўраб бўлмайди: бир сўз демай уйга кириб кетади, кечгача қорасини кўрсатмайди.

Аслида ўзидан ҳам ўтди. Жамила тўртинчи қизи бўлгани учун болалигидан унинг бу феъълига унча парво қилмади. «Бола-да, катта бўлса ақли кириб қолади», деди. Ўнинчини битиргунча ҳам ақли кирмади: ичимдан топлигини ташламади. «Эрга тегса, тили чиқиб қолар», деди. Йўқ. Чилласи чиқар-чиқмасдан, ҳафта, ўн кунда яна тумтайиб келиш одатига айланди. Келсаям, «Эрим келиб палон қиляпти, қайнонам пистон қиляпти», дейиш йўқ: уйга қамалиб олиб, кўзининг ёшини оқизиб ётаверади! Эри келиб, минг узрлар сўраб олиб кетади, яна бир ҳафта ўтмай аҳвол ўша-ўша. Қиз деганлари эр қилиб кетдими, ўзидан тинчисин экан.

Мамадали ота осмонга қараб, бош чайқади: «Очилай демайди-я!»

– Мамадали бува! Ҳов, Мамадали бува!

Дарвозадан эшитилган овоздан, чол сергакланди. Қаддини бир оз тиклаб:

– Ҳов, келаверинг! – деди у.

Эшикдан ким кириб келса ҳам чол рози эди: икки оғиз гаплашади – одам тафтини одам олади.

Дарвоза хийла йироқ бўлгани учун, эшикдан кирган йигитнинг қоматига қараб, ўзича тусмоллай кетди: «Жамиланинг куёвими? Йўқ. Э, Ҳомиджоннинг тўнғичи-ёв?.. Йўқ, бегона. Галстугига қараганда ҳокимиятданга ўхшайди?»





– Келинг, ўғлим, келинг, – дея у ўрнидан турди.

– Қимирламанг, бува, қимирламанг! – йигит илдам юриб, айвонга чиқиб, чолни қўлидан ушлаб жойига ўтказишга ҳаракат қилди. – Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, келинг, ўғлим, қани, юқорига ўтинг, – чол сўрининг юқорисига имлади.

– Мана шу ер бўлади, – йигит чолнинг қаршисига ўтирди.

– Э, унда, шошманг, – Мамадали ота ичкарига қараб чақирди: – Ҳов, Хайриниса, тўшакдан олиб чиқинг, меҳмон келиб қолди.

– Кўрпача бор экан, бўлади, бува, бўлади.

Мамадали ота йигитнинг сўзига парво қилмай, кўрпачалар солмагунларича, ўрнига ўтирмади. Келини кўрпача солиб кетгач, жойига чўкди, қўлини дуога очди:

– Илоҳо, омин, тинчлик-омонлик, бўлсин. Тўй бўлсин, ўлим бўлмасин, аллоҳу акбар!

– Омонмисиз, бува?

– Шукур.

– Кўчаларингда ёмғирда юрадиган экан-да.

– Э, гапирманг. Ёмғир ҳам уч кундан буён эзиб юборди… – дея ота савол назари билан йигитга тикилиб қолди.

– Мен шаҳардан келувдим, – йигит ўзини танитишга киришди. – Прокуратура терговчисиман. – Нодирбек Темуров.

– Бахайр?..

– Хабарингиз бўлса керак, куёвингиз Акмалжон Омонов қамоқда.

– А? – чол сесканиб кетди. – Қамоқда?

– Ҳа, қотилликда гумон қилиняпти.

– Акмалжон-а? – чол анграйиб оғзини очди. – Нима гуноҳ қилипти?

– Эргашева Муҳаббатнинг қотили сифатида қамоқда сақланмоқда.

– Бўлмаган гап. Акмалжон унақа иш қилмайди.

– Бизам шунақа деб ўйлаяпмиз.

– Шунақа ўйлаётган бўлсангиз, нега қамаб қўйдингиз?

– Ўзи айбига иқрор бўляпти. Эҳтиёт чораси сифатида сақлаб турибмиз.

– Ҳим... – бува ўйга чўмди.

– Шунга бир-иккита нарсани аниқлаб олсам, деб келгандим, – Нодирбек дафтарчасини очди. – 20 август куни Абдуқаҳҳор Сатторов тўй қилган. Ана шу тўйдан бир кун олдин, яъни 19 август куни Акмалжон шу тўйга келган. Кундузи соат тўртларда сизнинг уйингизда бўлган…

– Бизнинг уйда? – чол анграйиб қолди.

– Ҳа, сизнинг уйингизда бўлган. Дўкондан майда-чуйда олиб, хотини – қизингиз шу ерда экан, кўргани кирган.

– Қишлоқда тўй-тўйчиқ кўп, мен бирортасиникига кетганимда келган бўлиши мумкин, – у ичкарига имо қилди. – Яна хотини билади.

Икковлари ҳам ўйланиб, жим қолишди.





– Ҳа-а, – сукунатни Мамадали буви буздди, – «Эри кепти, уйига кетар экан», деган гап қулоғимга чалингандай бўлувди. Ким айтди буни? Ҳа-а, Жўрабой, кенжа ўғлим айтди. Энди эсимга тушди, қаричилик-да. Исматали билан Омонбойнинг ҳадимидан келаётгандик, Жўрабой машинасини эшикка олиб чиқиб турган экан. «Ҳа?» десам, «Эри кепти, опам кетмоқчи, уйига ташлаб қўяман экан», деди. Индамадим. Ичкаридан боласини кўтариб Жамила чиқди. Машинага ўтиришди, жўнаб кетишди.

– Шу куни қайтиб келдими у?

– Э-э-э! – буванинг пешонаси тиришди. – Жамила билан қачон кетди, қачон келди, ишим бўлмай қўйган. Жўрани қўяверасиз: киракашликни бошлагандан буён тайини йўқ. Ярим кечаси ҳам келаверади, келиб яна чиқиб ҳам кетаверади, «Иш бор, одам қараб турибди», деб.

– Ана шу нарсалар бизга муҳим-да, бува, – деди Нодирбек, – ҳаммасини аниқламасак бўлмайди. Келинингиз, қизингиз билар…

– Чақираман, сўранг.

– Бу ер ноқулай. «Чақирув қоғози» ёзиб берсам, ўғлингиз Жўрабой хотинини, қизингизни олиб эртага соат тўққизларда қишлоқ оқсоқолининг хонасига чиқишса?

– Қоғоз шарт эмас, – деди Мамадали бува. – Акмалжон учун қайғуриб юрибсиз экан, мен айтаман, чиқишади.

* * *

– Қани, тўплаган далилларинг асосида бир менга воқеани тиклаб берчи! Фақат қисқароқ қилавер, – Раҳматулло ака сада остидаги «ишхона»сида Нодирбекни шу сўзлар билан кутиб олди.

– Хўш, – Нодирбек бир дам ўйланиб туриб, дадил гапира кетди. – Акмалжон Омонов 19 август куни Абдуқаҳҳорнинг тўйига боради. Соат тўртларда ота-онасини кўргани қўшни қишлоққа йўл олади. Ота-онасини кўргач, хотини уйда йўқлигини билади ва қайнотасиникига яқин бўлган дўкон олдида машинадан тушиб қолади. Дўкондан майда-чуйда олиб, оиласини кўргани киради. Индамас хотини билан гаплари қовушавермагач, яна тўйхонага қайтиб келади. Ва эртасига соат бешларгача тўйда, ўртоқлари даврасида бўлади.

Эри келиб кетгач, тахминан соат тўрт яримларда, хотини – Жамила боласини кўтариб, укаси Жўранинг машинасида эрининг уйига отланади. Бу ҳақида унинг отаси Мамадали бува кўрсатма берган.

Эсон отанинг айтишича, кечкурун соат тўққизларда Жамиланинг уйидан чақалоқ йиғиси эшитилади. Эсон ота кампирига хабар олишни буюради. Кампир кириб, келини набираси билан ётганини кўради.

– Қадам олишинг ёмон эмас! – деди Раҳматулло ака кулимсираб. – Соат тўрт яримда





йўлга чиққан одам, уч чақирим масофани салкам беш соатда босиб ўтмагандир?

– Менам худди мана шу масалада бош қотиряпман, – жавоб қилди Нодирбек. – Жамила уйидан чиқиб кетиб, Эсон отанинг кампири ундан хабар топгунча, айтганингиздай беш соатга яқин вақт ўтяпти. Бу соатларда Жамила нима қилган, шуни аниқлашга киришмоқчиман.

– Яхши! – Раҳматулло ака Нодирбекнинг елкасига шаппатилади. Аммо қарталарни очиб ўйнашга ҳали эрта. Аввал, Жамила, Жўра, унинг хотини билан гаплашиб ол. Арқонни узунроқ ташлаб қўйиб, қайта-қайта сўроқ қилишдан эринма. Ана шунда бир гап топишинг мумкин.

* * *

Маҳалла оқсоқолининг хонасига Жамила ўғлини кўтариб келди. Бу сафар Нодирбекдан рухсат ҳам сўрамай, боласини бағрига босганча, стулга ўтириб олди.

– Ўртоқ Омонова, – деди Нодирбек босиқлик билан, – болани бирортасига бериб келсангиз бўлмасмиди?

Жамила Нодирбекга хўмрайиб қаради-да, индамади.

– Ким билан бирга келгансиз?

– Сабо билан.

– Ким у, Сабо?

– Жўрабойнинг хотини.

– Илтимос, болангизни ўша кишига бериб келинг.

Жамила индамай ташқарига чиқди. Чақалоқнинг йиғлагани эшитилди. Дам ўтмай Жамила кирди. Кўзларини лўқ қилиб, Нодирбекга тикилди.

– Ўтиринг, ўрток Омонова! Сиз ҳозирдан бошлаб, терговни чалғитишда уринганингиз учун жавобгарликка тортиласиз! – Нодирбек кескин огоҳлантирди.

– Нима қипман? – аёл Нодирбекнинг гапини унча англамай савол берди.

– Саволни бу ерда мен бераман. Сиз аввалги кўргазмангизда, эрингиз Акмалжон Омоновни тўйда кўрганман дегансиз, тўғрими?

– Ҳа.

– Аслида сиз эрингизни тўйдан бир кун олдин, 19 август куни, кеч соат тўртларда кўргансиз! Акмал дўкондан майда-чуйда олиб сизни, ўғлингизни кўргани отангизнинг уйига кирган. Нега буни биздан яширдингиз?

– Эсимдан чиқиб қолибди.

– Хўп, майли, ўша куни эрингиз билан нима ҳақида гаплашдиларинг?

– Гаплашганимиз йўқ.

– Ие! – деди-ю, хаёлига келган саволни беришдан Нодирбек ўзини аранг тутиб қолди. Машинадаги шўх қизнинг гаплари эсига тушди: «Бу Жамила эмас, Зайнаб! Ўзига ёқмайдиган бир иш бўлса, бақирмайди, чақирмайди, йиғлайверади!» – Хўп, эрингиз келиб кеттач, нима қилдингиз? Ўйлаб жавоб беринг!

– Кейин…кейин… Боламни олиб, уйимизга кетдим.

– Уйимизга деганингиз, Акмалжоннинг уйигами? Хўп, нимада кетдингиз?

– Укам – Жўрабой ташлаб қўйди.

– Жўра билан тўғри эрингизникига бордиларингми?

– Ҳа!

– Уйда кимлар бор экан?

– Қайнотам, қайнонам.

– Улар билан кўришдингизми?

– Кўришмадик, ҳовлида юришган экан, уйимга кириб кетдим.

– Кейин?..

– Ётдик.

– Шу куни Акмал келдими?

– Йўқ.

– Унда энди, мендан эшитинг, – деди Нодирбек папкасидан ҳужжатларни бирма-бир олиб столга қўяркан. – Сиз Акмалжоннинг шаҳарда севишган қизи борлигини эшитганингиздан буён ўзингизни қўлга ололмай қолгансиз. Шаҳарга бориб, ўша аёлдан ўч олишни ўйлаб юргансиз. Акмалжон тўйга келганини билганингиздан кейин, аёл ёлғиз қолганини, ундан ўч олишга қулай фурсат келганини сезгансиз. Акмалжон келиб кетгач, аниқроғи, соат бешларда, ҳақиқатан ҳам укангиз Жўрабойни ча-

қиргансиз. Унинг машинасига ўтириб, уйингизга эмас, шаҳарга боргансиз. Эргашева Муҳаббатнинг уйига кираётганингизда шу уйнинг 25-хонадонида яшовчи Ҳасан Қобулов сизни йўлакда кўрган. Мана, – терговчи олдидаги қоғозга ишора қилди, – унинг кўргазмаси. Сўнг сиз Муҳаббатнинг уйига кириб боргансиз. У билан жанжал қилгансиз ва унга пичоқ санчиб ўлдиргансиз!

Жамила ўзини аранг қўлга олиб, кўз ёшини тийиб ўтирарди. Терговчидан бу гапларни эшитгач, чидолмади. Бўйнини эгиб, бошини чайқаганича ўзини тутолмай бaралла йиғлаб юборди.

– Мен ўлдирганим йўқ, уни! – деди пиқиллаб йиғларкан.

– Эрингиз сизни ўйлаб, боласини ўйлаб, қилмаган гуноҳини бўйнига олиб, қамоқда ўтирибди! – Нодирбек ҳужумни кучайтирди.

– Эримга илакишганига урушдим, холос! – аёл баттар мунг тортди.

– Унда ким ўлдирган?! – Нодирбек совуққонлик билан савол ташлади.

– Айтаман, ҳаммасини айтаман!

Терговчи Жамила билан суҳбатни тугатиб, уни кузатиб хонадан чиқаркан, уни кутиб ўтирган эр-хотин Мадалиевларга дуч келди.

– Сизлар Мадалиевсизлар-а? – деди уларга. – Ичкарига кириб ўтириб туринглар. – Улар хонага кириб, эшикни ёпишгач, ҳудуд





нозирига юзланди. – Қўшни хонага кирсак бўлармикан?

– Бемалол.

– Жиндай кутиб турасиз, синглим, – дея Нодирбек хонага кириб, нозирга керакли топшириқларни берди. – Керак бўлса, бир-иккита ёрдамчи олволинг. Аммо топмасдан қайтманг.

– Хўп бўлади, ўртоқ капитан.

Жамила билан улар жўнаб кетишди.

– Хўп, – деди Нодирбек хонасига қайтиб кириб хушкайфиятда.

– Савол-жавобни Сабохон Мамадалиевадан бошласак, қарши эмасмисиз? – сўради у Жўрабойдан.

– Йўқ.

– Унда сиз қўшни хонага кириб ўтириб турсангиз.

– «Исмингиз, фамлиянгиз, туғилган йилингиз...» – одатдаги расмий савол-жавобни қиларкан, Нодирбек дам-бадам аёлга зимдан разм соларди. Ана шу разм солишларнинг бирида ногоҳон кўзи аёлнинг бўйнидаги тилла занжирга тушди: «Яна битта тилла занжир! Шакли ҳам худди аввалгининг ўзи!»

Нодирбек ўзини босди. Акмал ҳақида сўрабсуриштиришга киришди:

– 19 август, Абдуқаҳҳор ака тўй бошлаган куни уйда эдингизми?

– Йўқ. Қўшни қишлоқда дугонамнинг тўйи бўлаётганди, ўша ёққа кетгандим. Эртасига






келдим, Абдуқаҳҳор аканикига «хотин оши»га бордик.

– Кимлар билан?

– Маҳалланинг хотинлари билан.

– Жамила ҳам бормиди?

– Йўқ. У бошқа маҳаллада туради-ю… Жамилани тўйда кўрдим.

– Ҳим, – Нодирбек бир дам ўйланиб қолди. – Тўйда Жамила Акмалжон билан гаплашиб турганига кўзингиз тушмадими?

– Йўқ. Жамила билан энди кўришиб тургандик, Акмалжон ака келиб, мен билан сўрашди. Жамила эрига бир хўмрайиб қараб, юзини четга бурди. Акмалжон ака биздан узоқлашгач, Жамилага уни кўрсатиб, «Тинчликми?» дегандай имо қилдим. «Ишинг бўлмасин!» деди. Кейин, э, менга нима деб, парвойимга келмади.

– Эрингиз Жўра машина ҳайдаб киракашлик қиларкан-а? Шу тўй арафасида, бирор ёққаборгани ҳақида гапирмадими?

– Йўқ… – аёл терговчига оғзини очиб қаради. – Қаёққа борганларини менга айтишмайди. Сўрасам, «Ишинг нима? Пулни санаб олишингни бил!» деб жавраб беришади. Менам шунга сўрайвермайман. Эрталаб чиқиб кетиб, ярим кечада ҳам келишаверади.

– Уйга келмаган, қаердадир қолиб кетган кунлари ҳам бўлиб турадими?

– Ҳа-а…

– Хавотирланмайсизми?

– Хавотирланиб қаерга ҳам борардим, икки-

та боламиз бор, уларни боқиш керак. Мен ишламасам…

– Мана бунақа, – Нодирбек ручкаси билан аёлнинг бўйнидаги занжирга ишора қилиб ҳазил аралаш оҳангда давом этди, – тиллаларни олиб бериб турганларидан кейин, хавотирланмайсиз-да. Туғилган кунингизда олиб беришганми?

Аёл бўйнидаги зинжирни ушлаб, бир зум каловланиб қолди.

– Бунимий? Йўқ… – аёл бир зум ўйланиб қолди. Кейин дудуқланиб гапида давом этди: – Юваман деб шимларини олгандим, чўнтагидан шу чиқди. «Буни қайси ўйнашингизга олдингиз», десам, «Сенга олдим, жинни!» дейишди.

– Ҳа-а, – Нодирбек синчковлик билан сўради. – Сизга олган-у, бериш эсларидан чиқиб қолган. Ишдан ярим кечаси келган…

– Шунақа бўлса керак…

– Хўп, майли, шимларни ювдингиз. Яна кўйлаклари ҳам бор эдими?

– Кўйлаклари? Аҳамият бермабман. Ечган уст-бошларини олиб чиқиб кетаверибман.

– Яхши, сизни кўп ушламайман, – деди Нодирбек хушмуомалалик билан. Фақат бир илтимосим бор. Бўйнингиздаги тилла занжирни тергов ҳаракатлари учун вақтинча тегишли ҳужжатлар асосида қолдириб кетсангиз. Текшириб кўрардик. Марҳуманинг уйидан мана шунга ўхшашроқ тилла тақинчоқ йўқолган. Агар бу бўлмаса, қайтариб берамиз.





Марҳума сўзини эшитгач аёл қалқиб тушди. Сўнг шошиб-пишиб занжирни ечди-да, эшик томон юрди.

Терговчи унинг ортидан чиқиб, дарҳол Жўрага буйруқ берди:

– Ўртоқ Мамадалиев, терговга!

Хотинига эндигина юзланган Жўра буйруққа бўйсуниб, хонага кирди.

– Бизни сизнинг 19 август куни қаерларда бўлганингиз қизиқтиради, – Нодирбек сўз бошлади. – Шу куни қаерда эдингиз, қаерларда бўлдингиз?

– Йўлда эдим, – Жўра қисқа жавоб қилди.

– Тўғри, йўлда бўлгансиз, аммо қайси йўлда? Аниқроғи, кечки соат бешдан тўққизгача қаерда бўлгансиз?

– Бешларда… бешларда… Опам уйимга ташлаб қўй, деди, ташлаб қўйдим. Кейин яна йўлга чиқиб кетдим.

– Йўлга деганингиз Чағали – Пахтаобод йўлида-ми? Бу йўлда янглишмасам, Комилжон Жўраев, Илҳомжон Тожиев, Абдуҳамид Жалилов, Ўрмонжон Муқимов, Ғофир Нормирзаев, Аҳроржон Жўраев деган ҳайдовчилар ҳам қатнашади-а?

– Ҳа…

– Аммо улар сизни кечки соат бешдан тўққизгача бу йўлда кўришмаган. Қаерда эдингиз?

– Клиент чиқиб қолганди, Зардобага қараб кетдим.

– Йўқ, шу пайтда клиент эмас, опангиз Жамила Омонова чиққан! Сиз Зардобага эмас шаҳарга қараб кетгансиз! Гапни айлантирманг, ўрток Худойбердиев.

– Туҳмат қилманг. Мен тўғрисини айтяпман!

– Шунақами, хўп, – деди Нодирбек босиқлик билан. – Унда мен сизга ўзимнинг маълумотлар, далиллардан келиб чиқадиган фаразимни айтаман. Опангиз билан тўғри Муҳаббатникига боргансиз. Ҳа, илгари ҳам уникига борганингиз учун йўлда адашмай, унинг уйини тезда топгансиз. Борсаларинг, Муҳаббатнинг уйи очиқ экан. Кирдиларинг. Опангиз Жамила Омонова стол устида турган тилла тақинчоқни олиб, «Тилламни ҳам бунга олиб келиб берган экан!» дейди. Сиз тақинчоқни олиб, – терговчи тилла занжирни стол устига қўйди, – кўрган бўласизда, чўнтагингизга соласиз. Шу пайтда уйга Муҳаббат кириб келади. Икки аёл ўртасида жанжал бошланади. Сиз ҳам қараб турмайсиз. Муҳаббатга мушт туширасиз. Муштингиз зарбидан аёлнинг боши бориб стол қиррасига урилади ва ҳушидан кетади. Опангиз, «Ўлдириб қўйдинг!» деб бақиради. Сиз қўрқиб кетасиз ва Муҳаббатни текширган бўласиз. Қўлларингиз қонга беланади. Дарҳол сизлар машина томон чопасизлар. Шунда сизнинг хаёлингизга, «Бизни кўрди, таниб олди, мабодо ўлмаган бўлсачи!» деган фикр келади. Машина калитини баҳона қилиб, яна тепага чиқасиз… Тахминингиз тўғри чиқади: аёл ҳали жон бермаганди. Инграган овозини эшитасиз ва ошхонадан пичоқ





олиб чиқиб унга санчгансиз, ўлдиргансиз!

– Йўқ, тахминларингиз нотўғри. Унақа бўлмаганди. – Жўра ўрнидан туриб кетди.

Эшик тақиллади. Нозирнинг боши кўринди. Унга рухсат теккач, хонага кириб, терговчининг олдига қоғоз халта қўйди.

– Хўп, майли, – терговчи қоғоз халтани очиб, қон теккан кўйлакни Жўранинг олдига ташлади. – Манови кўйлакни танияпсизми?

Жўра атрофга аланг-жаланг боқиб, ютиниб қўйди.

– Ҳа, сизнинг кўйлагингиз, марҳуманинг қони текканда, сой бўйида ечиб отиб юборгансиз, танияпсизми?

– Жўра ҳеч бир сўз демай кўзларини олиб қочди.

– Мана бу тилла занжирни хотинингиз кир юваётганда шимингизнинг чўнтагидан чиққан. Кўйлакни эса, опангиз Жамила Омонова билан боришиб, отиб юборган жойингиз – сой бўйидан топиб келишди! Буларга нима дейсиз? – Нодирбек айбланувчининг жавобини кутмай, эшикка қараб буйруқ қилди:

– Ўрток Аҳмедов, айбланувчини олиб чиқинг!

* * *

– Пичоқ қани? – Раҳматулло ака Нодирбекнинг хулосаларни эшитгач, қўққисдан саволга тутди.

– Тополмадик.

– Акмалнинг машинасидан топилмадими?

– Раҳматулло ака, – Нодирбек ажабланганини яширолмади, – қанақасига машинада? Қайси жиноятчи қотилликда ишлатган пичоғини машинасига солиб юрарди... Муҳаббатнинг кўксидан суғуриб олди ҳам дейлик, уни бирор жойга, каналга ёки анҳоргами отиб юбориши, шубҳасиз.

– Ўртоқ капитан, сиз гувоҳлар иштирокида марҳамат қилиб машинани яна бир текшириб кўринг-чи!

Раҳматулло аканинг жаҳли чиқса, Нодирбекни сизлаш, унга расмий муомала қилишга ўтарди. Нодирбек буни сезди-ю бир сўз демай эшикка юрди.

– Мўъжизаларга ишонавер, мўъжизаларга! Айниқса, ёнингда Раҳматулло ака турган бўлса! – Машинани текшириб, қўлида пичоқ билан қайтаётган Нодирбек устозининг топқирлигига яна бир бор иқрор бўлди.

Машина юкхонасидан, захира балонининг орқасидан қон юқи қотиб қолган ошхона пичоғи топилди!





* * *

– Ҳа-а-а! – дея Раҳматулло ака қошини маъноли кериб, сўнг пичоқни олиб, столининг тортмасига солди. Савол беришга чоғланган Нодирбекка, «жим!» дея ишора қилиб, кулимсиради. – Хўш, ўртоқ терговчи, Омонов ҳалиям бир сўзни қайтаришдан чарчамаяптими?

– Э, бунақа қайсар одамни кўрмаганман! – Нодирбек кулди.

– Ўша қайсаринг билан ўзим гаплашиб кўрсам, қаршимасмисан?

– Э, ўзим ҳам шуни сизга айтолмай юргандим.

– Унда олиб келишсин, ўша Қайсарвойингни.

Раҳматулло ака сигаретини буриқситиб ўтирарди. Омоновни олиб киришгандан кейин, охирлаб қолган сигаретини кулдонга босиб ўчирди. Кейин шошмасдан иккинчисини ёндирди.

– Қайсарликни бас қиладиган пайт келмадимикин, Акмалжон? – деди.

– Акалар, мунча қийнайсизлар? Мен ўлдирдим, деяпман-ку, Муҳаббатни! Яна нима керак сизга! Қаманг, керак бўлса отиб ташланг!

– Биз сизни қийнаяпмизми? – Раҳматулло ака бош чайқади. – Қайтанга сиз бизни қийнаяпсиз шекилли, ука. Хўп, экспертиза хулосаларидан бошласак... Уларнинг хулосасига кўра, ўша куни эгнингизда бўлган уст-бошларнинг бирор жойига қон сачрамаган.

– Ўша куни кўрмаганмидингиз, костюмим, кўйлагим қонга беланганди.

– Қон сачраши билан юқишининг фарқи бор, буни экспертларимиз фарқига боришади! Уларнинг фикрича, пичоқ суқилганда қон сачраб, айрим ҳолларда отилиб чиқади. Сачраган қон, кийимнинг ичига ҳам отилиб киради. Теккан, юққан қон эса… Экспертлар сизга қон Муҳаббатни қучганингизда теккан, деган хулоса беришяпти. Бунга нима дейсиз?

– Ҳаммаси аралашиб кетганди...

– Бундан ташқари, сиз Муҳаббат ўлдирилган куни Яккачинор қишлоғида ўртоғингиз, Абдуқаҳҳорнинг ўғлини тўйида бўлгансиз. Тўйдан эса, эртасига қайтгансиз.

– Тўйнинг ўртасида келиб, Муҳаббатни ўлдириб, яна тўйга қайтиб кетдим!

– Бунисиям тўғри келмади, – Раҳматулло ака бош чайқади. – Чунки сиз бу куни Муҳаббатни ўлдиролмасдингиз: шимингизга арок билан бир чинни помидордан тайёрланган газак тўкилиб кетганди! Шим билан кўйлагингизни Қурбонбой ўртоғингизнинг хотини ювиб, дорга осиб қўйганди. Битта калта иштонда Яккачинордан шаҳарга келиб кетдим, дерсиз ҳали?

Акмалжон терговчига анграйиб тикилди.

– Ҳа, – терговчи дадил давом этди. – Абдуқаҳҳор уйида, сабзиарчарда бўлгансиз. Ўртоқларингиз Қурбон Раҳимов, Шокир Ниёзов, Назиржон Холматовлар билан шавла егансиз. Шунда Назиржон шимингизга арок билан помидор закускаси тўкиб юборади. Сўнг сизлар Қурбон Раҳимовнинг уйига йўл олгансизлар. Қурбоннинг хотини кўйлак ва шимингизни ювиб, дорга илган. Сизлар ётиб ухлагансизлар! Худди ана шу жараёнда Муҳаббат ўлдирилган!





Акмалжон ютиниб қўйди.

– Экспертларга қандай ўлдирганингизни ҳам тўғри кўрсатиб беролмагансиз. «Муҳаббат турган экан, тўғри бориб, пичоқни кўксига санчидим деб», кўрсатма бергансиз. Экспертларнинг хулосасига кўра, пичоқ тўғридан санчилмаган. Бу пайтда марҳум ётган ҳолатда бўлган. Қотил унга тепасида туриб пичоқ санчган!

– Мен ўлдирганман! – Акмалжон қўлларини пеш қилиб, ўрнидан турмоқчи эди, Раҳматулло ака елкасидан босиб, уни ўрнига ўтқазиб қўйди.

– Тўпланган тергов ҳужжатларига кўра, – Раҳматулло ака кескин оҳангда хитоб қилди, – қотил сиз эмас, ўрток Омонов! Қайсарликни бас қилинг! Ҳақиқий қотил айбини бўйнига олди!

– А?! Жамила-я?! Уҳ-ҳ!.. – Акмалжон ҳаяжон билан ҳитоб қилди. Сўнг икки кафтини пешонасига босганча, бошини чайқай кетди. Бирдан қўлларини кўксига қўйиб, терговчиларга илтижо қилди: – Қўйиб юборинглар, Жамилани! Мен бўйнимга оляпман-у! Мен қотил бўлай... Нима десаларинг айтганларингни қиламан!

– Мана энди ўзингизга келдингиз, ука! Қани, аввало, нима қилдингиз, нима қўйдингиз, бир бошдан эшитайлик-чи!

* * *

Оилада тўнғич ўғил бўлгани учун, ҳарбий хизматни битириб келиши биланоқ, ота-онаси Акмалжонни уйлантириш ташвишига тушиб қолишди. Акмалжон, «Ўқийман», деб шаҳарга кетиб юборди. Институтнинг биринчи курсини тамомлаб қишлоққа келса, яна уни уйлантириш масаласи кўтарилди. «Ўқишни битирмагунча уйланмайман», деб Акмалжон яна тўйни орқага сурди. Аммо иккинчи, учинчи курсларни битирганда ҳам шу масала кўтарилаверди. Ҳатто, «Укаларингнинг йўлини тўсяпсан! Сен тенгилар иккитадан болали бўлишди!» деган дағдағалар ҳам бўлди. «Укаларим уйлангиси келса, уйланишаверсин!» дея Акмалжон уларнинг йўлини очиб ташлаб ҳам қутулмади.

Тўртинчи курснинг биринчи семестрини якунлаётганда, ётоқхонага Қурбонбой деган оғайниси йўқлаб келди. Гаплашиб ўтиришди. Қурбон гап орасида, қизларини чиқаргач, ота-онасининг анча қийналиб кетганини, келин тушириб, улар ҳам жиндай ҳузур-ҳаловат кўрмоқчи эканликларини қистириб ўтди.

– Шунақа гапларни қўй, ўрток, – деди Акмалжоннинг зардаси қайнаб. Ота-онаси Қурбонни даллолликка юборганини тушунганди-да.

– Қачонгача шунақа қилиб юрасан-э! – Қурбон шақиллаб давом этди. – Мен ўғлимга яқинда тўй қиламан. Бирорта узринг бўлса айт. Ё бирортаси билан аҳду паймон қурганмисан? Қиз бир-икки йил кутасиз, деб шарт қўйганми?





– Йўғ-е, нималар деяпсан.

– Кўз остига олганинг йўқми? – Қурбон қадалиб сўради.

– Йўқ.

– Ростданми?

– Ростдан.

– Шунча йил шаҳарда юриб-а? Шунча қизлар туриб-а? Э, қойилман, сенга, ота! – Қурбон негадир хурсанд бўлиб кетди. – Китоб қўлтиқлаб, конспект ёдлаб юраверибсан-да! Ҳе-ҳе-ҳе!

Акмалжон уч ойлар ўтиб, қишлоққа келиб, уйларида бўлаётган фотиҳа тўйининг устидан чиқди: уни уйлашаётган экан! Бир ҳафтадан кейин тўй!

Қурбоннинг ўшанда нега бунчалар хурсанд бўлгани аён бўлди: у ота-онасининг топшириғига биноан Акмалжоннинг севган қизи борми-йўқлигини билгани борган экан! Кўнгил қўйган қизи йўқлигини билишгач, тўйни бошлаб юборишибди.

Акмалжон, «Келин бўлмиш ким?» деган саволга ҳам дарров жавоб топди: Мамадали аканинг бу йил ўнинчини битирган қизи!

Тўйни тўхтатишга бўлган уринишлари беҳуда кетди. Ота-онаси гапига қулоқ ҳам солишмади. Қариндош-уруғлари ақлини йиғиб олиши ҳақида маслаҳатлар беришди.

Ай, шундай қилиб тўй ҳам ўтди. Акмалжоннинг хотинга олдиндан меҳри бўлмагани учун, кейинчалик ҳам кўнгли илимади. Уни устига

хотини бўлмиш ёш боладек эди: арзимаган нарсага ҳам кўз ёши тўкаверарди.

Ўқишни тамомлаб, ишга тушди. Акмалжоннинг кўнгли фақат ишга борганда ёзиларди. Уйга келса, ўзини қўярга жой тополмасди: албатта Жамила кўз ёши билан кутиб оларди. Йиғласинам, аммо айтиб-айтиб, дардларини тўкиб йиғласа-ю, бир йўли… Бироқ унинг хотини ҳеч нарса демасдан йиғларди! Акмалжон, «Нима бўлди?» деб уйдагиларнинг ҳаммасини сўроққа тутарди. Аксига олиб тайинли жавоб ололмасди. «Ёш-да, фарзанд кўрса ўша билан овуниб қолади», деб онаси уни овутарди. Лекин фарзанд кўрганидан кейин ҳам Жамиланинг бу одати қолмади.

– Шу йиллардан мени корхонамизнинг Шаҳардаги бошқармасига ишга таклиф қилишди, – ҳикоясини давом эттирди Акмалжон. – Жон-жон деб янги ишга ўтдим. Шаҳарга борсам, уй олсам, оиламни кўчириб олиб кетсам, алоҳида турсак, хотин йиғисини бас қилар, деб ўйладим. Қайтанга баттар бўлди. Ҳафтада топганимни қўлтиқлаб, уйга қараб чопаман – «Келдингизми?» деб қўйиш ҳам йўқ-да, худди мен шаҳарда ялло қилиб юргандай.

Бора-бора ўзимни уйга боришга мажбурлайдиган бўлдим.

Кейин икки ҳафтада, бора-бора ойда бир боришни одат қилдим.

Ана шу кунларда Муҳаббатни учратиб





қолдим. Дугонасининг иши билан корхонамизга келган экан.

«Бир кўришда муҳаббат» дейишса, кулардим. Аммо бу нарса бўларкан, акалар, бўларкан!

Ўша куни Муҳаббатни бир бора кўрдим. «Сиз ҳам пул оласизми?» деб гап ҳам қилдим. Қиз кулимсираб, бошини чайқади. Кейин худди айб иш қилиб қўйгандай, ташқарига чопиб чиқиб кетди.

Кечаси билан унинг кулиб турган чеҳраси хаёлимдан кетмади. Эртасига негадир уни кута бошладим. Биров кирса бас, эшикка қарайман. Лекин уни бир ҳафта кутдим, келмади.

Нега ҳам келсин?

Ишга келишда, ишдан кетишда атрофга аланглаб уни излайман.

Боғларда беҳуда тентирайман: зора учратиб қолсам деб…

Охири чидолмадим. Дугонаси Оксана исмли қиз бизнинг мижозимиз эди. Унинг ҳужжатларини титкилаб, яшаш жойини топдим. Сўраб-суриштириб, уйини топиб бордим. Лекин ишим юришмади, бир ойча олдин Оксана бу жойдан кўчиб кетган экан. «Қаерга кўчган? Қаерда ишларди?» деган саволларимга, уй эгалари елка қисишди.

Орадан бир ойларча ўтиб, Муҳаббатни унутиш даражасига етдим. Йўлакда, мендан эллик метрча олдинда бир қиз кетиб борарди. Унча аҳамият бермадим. Аммо катта йўлдаги авто-

машина қиз билан тенгма-тенг юриб бораётгани менда қизиқиш уйғотди. Ҳайдовчи йигит ойнадан гап отяпти шекилли, қиз ҳар замонда у томонга бошини буриб, қараб қўяди. «Мана замонавий ошиқ-мошиқлар! – дедим ўзимча. – Кўнглинг кетган бўлса, машинадан тушмайсанми, гаплашмайсанми, йигит!»

Кейинги воқеалар жуда тез содир бўлди. Машинадан бир йигит тушиб, қизнинг қўлларига ёпишди. Қиз бўй бермади. Йигитнинг шериги ёрдамга келди. Икки йигит қизни зўр бериб машиналари томон судрай бошлашди.

Уларнинг тепасига қандай бориб қолдим, уларга нима дедим, билмайман. Йигитлар қўлларини силташиб, менга дўқ-пўписа қилишганча, машинани зарда билан ҳайдаб кетишди. Шунда, «Раҳмат, ака!» деган мулойим овоз келди. Қайрилиб қарасам... Намли кўзларини рўмолчасига артиб Муҳаббат турарди!

Танишдик. Эртасидан бошлаб учрашиб турадиган бўлдик. Хуллас…

Аммо мен уйлангандим. Буни Муҳаббатга қандай айтишни билмай, қийналардим. Ўзимни айбдор сезардим. Шуни айтсам, ўртамиздаги ҳамма нарса бир зумда тугашини билардим. Лекин айтишим шарт эди, орадан бир ойча ўтиб айтдим.

Муҳаббатнинг йиғлашини, таъна-маломатлар қилишини кутгандим. Аксинча бўлиб чиқди: Муҳаббат менга қараб кулиб тураверди. Каловланиб қолдим.





– Анови кабутарларнинг чиройлилигини қаранг! – деди у бирдан осмонга ишора қилиб.

Кўкда бир тўп кабутар учиб юрарди.

– Шуларга маза, – Муҳаббат давом этди, – ишга борай демайди, хоҳлаган пайтларида, хоҳлаган жойларига боришади…

Муҳаббат мен бошлаган мавзуда гаплашишни хоҳламаётганини, атай гапни бошқа ёққа бураётганини тушундим.

Суҳбатимиз кабутарларга кўчди.

Шу бўйи уйланганим, болам борлиги ҳақида гап очмайдиган бўлдим.

Ойлар ўтгани сайин Муҳаббатга боғланиб борардим.

Бора-бора усиз куним ўтишини тасаввур ҳам қилолмайдиган бўлиб қолдим.

Хотиним билан ажрашиш ҳақидаги фикр тез-тез хаёлимга келадиган бўлди. Лекин дунёга келиб нима кўрди, бечора, деб хотинимни ўйлаб кетаман. Ўғлимнинг отасиз ёки ўгай ота қўлида вояга етиши хаёлимга келиб, ажралишни орқага суравердим ва унга журъат эта олмадим.

Аммо бир умр шундай яшаб бўлмайди-ку!

Охири ажралишни тинчгина ҳал қилиш, ариза бериш учун судга кирдим. «Олти ойдан кейин келасиз, ўшанда ишни кўриб чиқамиз», дейишди. Ҳайрон бўлдим. «Ўртада бола бор экан. Фарзанд бир ярим ёшга етмагунча, ажримлар кўриб чиқилмайди», деб тушунтиришди.

Олти ой… Жуда узоқ муддатдай туюлди.

Энди мени бошқа нарса безовта қила бош-

лади: олти ой ичида қишлоққа, аниқроғи, хотинимнинг қулоғига бу гап етиб борса нима бўлади?

Негадир хотинимнинг жанжал кўтариб, Муҳаббатнинг сочларини юлаётгани кўз олдимга келаверди.

Ҳаммасини хотинга айтишим керак деган қарорга келдим: гапларимга кўниб, тинчгина яшайман деса, яшайверамиз. Кўнмаса, талоқ қўйиб эскичасига жавобини бераман…

Шу орада ўртоғим Абдуқаҳҳор тўй бошлаб қолди. Ана шу тўй баҳона қароримни амалга оширишни мўлжалладим.

Хотин отасиникида экан. Майда-чуйда олиб, кириб бордим. Дарвозадан киришим билан Жамила ортига бурилиб, уйга кириб кетди. Орқасидан кирдим. Яна йиғи! Зардам қайнаб кетди. Ичимдагини тўкиб солдим. «Хоҳласанг – шу, бирга яшаймиз, хоҳламасанг катта кўча!» дедим. Бир сўз демади! Аммо менга шундай нафрат билан қарадики, сесканиб тушдим. Эшикни карс ёпдим-у, чиқиб кетдим.

Тўйга келиб, негадир шаҳарга кетгим, Муҳаббатни кўргим келаверди. Ўртоқларимга мақсадимни айтгандим: «Келмасингдан бурун кетаман дейсан! Ўзи энди келдинг-у! Тўй эртага! Абдуқаҳҳор ҳар куни тўй қилаётгани йўқ! Борасан ўша шаҳарингга!» деган гаплар билан ўртага олишди.

Қолдим.

Тўй ўтгунча ўртоқларнинг ҳазил-ҳузули







бўлибми, сал кўнглим ёзилганди. Аммо машинага ўтириб, шаҳар сари йўлга тушганимда ўз-ўзидан юрагим ҳаприқиб кетаверди. Тезроқ манзилга етишни кўнглим тусайверди... Ниҳоят, шаҳарга ҳам етиб келдик. Мана ўша уй!.. Кириб борсам... – Акмалжон рўмолчасини олиб, кўзёшларини арта кетди.

Раҳматулло ака унинг бир оз ўзига келиб олишни кутиб турди.

– Жамила келиб... – Акмалжон кўз ёшини тиёлмади.

– Бу ёғи тушунарли, – деди Раҳматулло ака босиқлиқ билан. – Бўлар иш бўлибди, деб хотинингизнинг, ўғлингизнинг келажагини ўйлагансиз... Қотилликни бўйнингизга олгансиз!

– Акмалжон тушкин кайфиятда индамай бош ирғаб тасдиқлаган бўлди.

– Ўғлингизни ўйлаб, хотинингизни ҳимоя қилиб, қотилликни бўйнингизга олиб, эркакча иш тутаётганингизга қойилман! Бу нарса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Акмалжон Раҳматулло акага илтижо билан боқиб, гап қотди: – Шундай бўлақолсин, ака! Бўйнимга оляпман-ку! Аслида ҳам Муҳаббатнинг ўлимига мен айбдорман-ку!

– Афсус, бунинг иложи йўқ! – деди Раҳматулло ака жиддий. Кейин кулимсиради. – Чунки қотил сиз ҳам эмас, хотинингиз... Жамила Омонова ҳам эмас!

Раҳматулло аканинг бу гапларини эшитиб, нафақат Акмалжон, балки Нодирбек ҳам донг қотиб қолди.





Бир зум чўмган сукунатни Акмалжоннинг ҳайқириғи бузди:

– Нима?! – дея у ўрнидан туриб кетди. – Жамила ҳам эмасми! Унда... – Акмалжон терговчиларга бир-бир аланглаб қаради. – Ким? Ким ўлдирган Муҳаббатни?

– Буни яқин кунларда билиб оласиз. Марҳамат, – Раҳматулло ака эшикни кўрсатди, – сизни терговчингиз Нодирбек Темиров кўчагача кузатиб қўяди, озодсиз!

* * *

Нодирбек бўлаётган воқеалардан, тўғриси, эсанкираб қолди. Бир томондан, устозининг топқирлигига қойил қолди: бир ойдан буён гапиртиролмаган одамини ярим соатда гапиртирди. Аммо Раҳматулло аканинг, «Жамила Омонова ҳам қотил эмас!» дегани уни гангитиб қўйди. Қотил Жўра Мамадалиев бўладиган бўлса, Омонова унга шерик-ку? Нега униям устози ишонч билан «қотил эмас» деяпти?

Хонада Нодирбекни Раҳматулло ака хуш кайфиятда кутиб олди.

– Хўш, ўрток терговчи, ўйланиб қолибдилар? – деди. – Бир ойдан буён олиб борган тергов ишларимнинг ҳаммаси чиппакка чиқди, деб ўйлаяпсизми? Йўқ. Бу ишларнинг ҳаммаси сизнинг хизматларингиз орқали очиляпти, Нодирбек! Аммо ажойиб кетяптими бу ёғи. Ҳозир бундан ҳам ажойибларини кўрасиз.

– Йўғ-е?

– Ўрток капитан, – деди Раҳматулло ака жид-

дий оҳангда, – «жиноятчилар»ингиз камерада сақланяптими?

– Худди шундай, ўрток полковник, – Нодирбек ҳам расмий оҳангда гапиришга ўтди. – Гумондорлар Жўра Мамадалиев, Жамила Омоновалар эхтиёт чораси сифатида қамоқда сақланмоқда.

– Марҳамат қилиб, уларни чақирсангиз, ўзим тергов қилиб кўрсам! Икковини ҳам, бирданига.

– Хўп, бўлади, ўртоқ полковник!

Дам ўтмай Нодирбек йиғлайвериб қовоқлари шишиб кетган Жамила билан Жўрани бошлаб кирди.

– Қизим, ўғлим, – Раҳматулло ака оҳиста сўз бошлади.

Орган ходимларидан бундай мулойим сўзларни биринчи марта эшитишган Жамила билан Жўра Раҳматулло аканинг юзига ялт этиб қарашди.

– Мен оталаринг тенги одамман, – Раҳматулло ака давом этди. – Шу боисдан сизларнинг орқаларингда ота-оналаринг, оилаларинг турганини ва улар сизларнинг орқаларингдан шувут бўлишини хоҳламайман. Яхши юзлари шувут бўлишини хоҳламайман. Яхши гаплар билан алдаб, биздан гап олмоқчи, деган фикрни каллаларингдан чиқариб ташланглар. Шу кунгача мен бировни алдаб гап олмаганман, олмайман ҳам. Бу менинг иш услубимга тўғри келмайди. Аммо шунча йиллик тажрибамга суяниб, ким рост гапиряпти, ким ёлғон дарров сезаман. Шунинг учун нима бўлган бўлса





рўйирост гапириб берсаларинг, мен сизлар томон, ёлғон гапирсаларинг, – у секин Нодирбекка ишора қилди, – устларингдан қарорларини чиқариб бўлишган, шунга асосан, жиноятчи сифатида жавобгарликка тортиласизлар! Бу ерда шундай ҳужжатлар тўпланганки, уларга кўра сизларга бериладиган жазони тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Қолаверса, икковларинг ҳам айбларингга иқрор бўлгансизлар – келтирилган далиллар олдида қотиллик қилганларингни тан олгансизлар.

– Аслида, ўртоқ Темуров, – Раҳматулло ака Нодирбекка ишора қилди, – ишни судга ошириб юборса ҳам бўларди. Лекин мен сизларни жувонмарг бўлиб кетишларингни хоҳламайман. Шунинг учун сизларга оталарча маслаҳатим, ростини, фақат ростини гапиринглар! Гапирганда ҳам ипидан-игнасигача айтиб беринглар!

Хонадаги сукут чўзилиб кетди-ю, буни биров сезмади.

Сукунатни Жамила бузди:

– Аслида ҳамма айб менда, – деб гап бошлаб, у бурнини тортиб, рўмолининг учига кўз ёшини артди. – Акмалжон акамнинг бу йўлга кириб кетишига ҳам менинг йиғлоқилигим, индамаслигим сабаб бўлди. Менга уйланиб – ёруғлик кўришмади.

Уйимизнинг эркатойи эдим: айтганим айтган, деганим деган! Истагимни бажаришмаса, мақсадимга эришмагунча йиғлайверардим. Шунинг учун ҳамма менинг кўнглимга қарарди.

Эрга текканимдан кейин, буткул бошқа

дунёга келиб қолгандай бўлдим: мен ўрганиб қолган ҳаёт эмас эди – бу! Қайнонанинг гапини қайтармаслик керак, қайнонанинг айтганини вақтида бажариш лозим… Мен келин бўлиб тушганимда негадир уларнинг амма, холаси билан, ҳеч чиқишолмасдим. Улар атайлабдан мени камситишгандай, устимдан кулишгандай, ғийбатимни қилишаётгандай туюлаверарди. Ўз-ўзидан аламимни кечқурун ишдан қайтган эримдан олардим: йиғлаб берардим. «Нима бўлди?» дейишса ҳам йиғлайверардим.

Ўлганнинг устига тепган деганларидай, беш-олти ой олдин шаҳарда ўқийдиган қизлар, «Эринг шаҳарда биттаси билан юрибди», деган гап топиб келишди. Бўларим бўлди: уч кун уйдан эшикка чиқмасдан йиғладим. Тўртинчи куни Жўрага воқеани айтиб, «Шаҳарга бориб, ўша манжалақини топамиз! У билан нима бўлсам бўламан!» дедим. Жўрабой тихирлик қилди. «Қўйинг, опа, Акмалжон ака келганда гаплашармиз», – деб мени йўлдан қайтармоқчи бўлди. Йиғлаб бориб, машинасига ўтириб олдим. Жўра зарда билан машинасини юргазди.

Бордик. Излаб-излаб уйини ҳам топдик. Эшикни чиройли жувон очди. «Тинчликми, нима гап?» деб сўради. Мен ичкарига кириб, унга қараганча йиғлаб туравердим, йиғлаб туравердим… Ҳамма гапни Жўрабой айтди: «Шаҳарда Акмалжон акадан бошқа бўйни йўғонроқ йигит топилмадими!? Унинг бола-чақаси бор! Манови хотини! Битта оилани бузяпсиз!»





«Мен Акмалжон акани уйимга олиб келиб олганим йўқ, ўзлари келишди», деди қиз.

Жўрабойнинг жаҳли чиқиб кетди: «Ҳов, кўзингни сузганингдан кейин, келиб олади-да!» – деб гап бошлаб, уни ҳақоратлай кетди. Қўрққанимдан Жўрабойни қўлидан тортқилаб, эшик томон судрай кетдим. «Қўлимдан тортма-э! Ўзинг мени бошлаб келдинг, гапирмайсанми!? Нега келдинг ўзи? Сенга бериб қўядиган эрим йўқ, де! Яна Акмалжон акам билан юрсанг, якка ўғлимнинг қарғишига қолгин, де!»

Жўрабойни тортқилай-тортқилай эшикдан чиқардим. Яккачинорга келгунча Жўрабой мени сўкиб келди. Шундан кейин анча ҳовуримдан тушиб қолгандим. У жувон Акмалжон акамнинг уйланганини билган бўлса, энди уни тинч қўяди, деган гаплар дилимдан ўтиб, ўзимни шунга ишонтирдим ҳам.

– Аммо орадан кўп ўтмай, – Жамила сўз тополмай бир оз туриб қолди, – Муҳаббатдан келган расмлардан кейин...

Раҳматулло ака шогирдига маъноли қаради. Нодирбек ҳужжатлари орасидан беш-олтита сурат олиб, устозига узатди. Акмалжон билан Муҳаббатнинг боғларда, кўчада кулишиб турган, юрган суратлари.

– Мана бу суратларни айтяпсизми? – сўради Раҳматулло ака.

– Ҳа? – жавоб қилди Жамила суратларга кўз қирини ташлаб.

– Буларни ким олиб келди?

– Почтачи… Қўлимга қалин конверт бериб, «Булар заказной экан», деб битта қоғозга қўл қўйдириб, ташлаб кетди. Очсам, ана шу суратлар! Уларни кўриб, ёниб кетдим, ишонасизми, ёниб кетдим! Шунинг устига устимдан кулгандай кулимсираб, Акмалжон ака дарвозадан кириб келди.

Мен унга бақириб-чақириб, расмларни башарасига отиш ўрнига, терс ўгирилиб, диванга бориб ётиб олдим.

Акмалжон ака олдинига паст овозда гапира кетди: «Бу феълингни қачон ташлайсан-а! Тўйиб кетдим инжиқликларингдан! Менам одамга ўхшаб яшашни истайман!».

«Манови биланми!?» деб ёстиғим остидаги суратларни башарасига отмоқчи бўлдим, журъатим етмади.

«Гапирмаганингда, соқов хотин бўлганингда бу индамаслигингни кечирардим. Аммо тилинг бўла туриб, гапирмаслигингдан жоним ҳилқилдоғимга келди. Тўғрисини айтаман, ана шу тўйиб кетганимдан шаҳарда биттаси билан юрибман... Унга уйланмоқчиман. Ҳа, уни иккинчи хотин қилиб олмоқчиман! Рози бўлсанг шу! Рози бўлмасанг, катта кўча!»

Акмалжон ака кўзимдан қуйилаётган ёшларга бирпас қараб турди-да, эшикни қарс ёпиб чиқиб кетди.

Кейин мен ҳам жаҳл билан укамни телефон қилиб чақирдим. «Дарров етиб кел, мени уйга ташлаб келасан», дедим. Жўрабой келди. Болам билан машинага ўтирдик.





– Шаҳарга борамиз, – дедим.

– Нега? – Жўрабой ҳайрон бўлди.

– Мана! – деб расмларни қўлига тутқаздим.

Жўрабой, «Бормайман! Ўтган сафар борганимизми? Нима бўлса бўламан, дея бориб, йиғлаб-йиғлаб қайтиб келдинг!» деб туриб олди. «Мени опам десанг, борасан. Бормасанг сени укам демайман!» – дедим.

Жўрабой машинасини шаҳар томон ҳайдади. Болам йўлда ухлаб қолди. Уни машинага ётқизиб, ичкарига кирдик. Борсак, эшиги очиқ экан. Кирдик. Уйига разм солиб қарасам, стол устида менинг тилла занжирим турибди. «Тилла занжиримни ҳам бу манжалақига олиб келиб берибди, қара!» дедим Жўрабойга. «Сеникими?» деди Жўрабой.

Энди жавоб бермоқчи бўлиб тургандим, эшикдан жувон кириб келди. «Сенми ҳали, менинг эрим билан ялло қилиб юрадиган!» деб сочларига чанг солдим. Уям қараб турмади. Аммо мендан кучлироқ экан. Шунда Жўрабой аралашиб, унга мушт туширди. Аёл калласи билан бориб столга урилди. «Ўлдириб қўйдинг, ўлдириб!» – деб бақирдим. Жўрабой оғзимга кафтини босиб, «Ўчир!» деди. Ўзи аёл томон бориб бошини кўтариб қарагандай бўлди. Сўнг икки қўлини менга кўрсатди: кафтлари қип-қизил қон эди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Жўрабой қўлимдан етаклаб пастга, машинанинг олдига олиб чиқди. Ўзи, «Калит, калит!» дея яна орқасига қайтиб кириб кетди. Дам ўтмай, «Йўқ. Йўқ!» деди-да, машина-

сини тимирскилай кетди. Бир илож қилиб машинани ўт олдирди. Қишлоққа кираверишда, сой бўйида машинасини тўхтатди. «Ҳа?» десам, «Қўлларимни ювиб олай, қон. Сенам юз-қўлингни ювиб ол, ўзингга келасан», деди. Дир-дир титраб келаётгандим, машинадан тушдим. Сойдан қўлимни, юзимни ювдим. Шунда Жўрабой кўйлагини ечиб, сойга отиб юборди. «Ҳа?» десам, «Қон тегибди, қон!» деди…

– Эрингиз мардлик қилиб қилмаган айбини бўйнига олиб, қамоқда ўтирганини эшитганингиздан кейин ҳам жим юравердингизми? Виждонингиз қийналмадими? Нега милицияга хабар бермадингиз? – сўради Раҳматулло ака.

– Манови, – Жамила Жўрабойга ишора қилди. – Айтсанг, сен ҳам қамаласан, мен ҳам қамаламан! Болангни ўйла, боланг етим бўлиб қолади! Аслида ҳаммасига Акмал сабабчи, қилмишига яраша бўлибди! – деб мени қўрқитди.

– Сиз бу гапларга қўшиласизми? – Раҳматулло ака Жўрабойга савол берди.

– Ҳа.

– Яна нима қўшимча қила оласиз?

– Ҳеч нарса.

– Мана бу, – Раҳматулло ака стол устига тилла занжирни қўйди, – хотинингиз Сабохон Худойбердиевадан далилий ашё сифатида олинган занжирни нима учун ўғирладингиз?

– Ўғирламадим. Аёл уйига кирганда занжир қўлимда эди. Жамила уришиб кетди. Шунда беихтиёр, чўнтагимга солиб қўйибман.





– Нега унда хотинингизга, сенга олиб келдим деб айтдингиз?

– Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан бу занжир! Хотиним шимимни юваётиб топиб олибди. Кейин нима дейишимни билмай…

– Хўп, майли, машинангиз калитини излаб яна Муҳаббатнинг уйига қайтиб киргансиз-а?

– Ҳа.

– Мана шу калитмиди? – Раҳматулло ака тортмасидан калит олиб Жўрабойга кўрсатди.

Жўрабой кўзларини бақрайтириб калитга қаради. Сўнг бошини эгиб, секин жавоб қилди:

– Ҳа.

– Машинани ўчирганингиздан кейин, сиз калитни олиб чўнтагингизга солиб юрармидингиз, ёки машинанинг ўзида қолдирармидингиз?

– Эски машинага ким ҳам тегарди деб, ҳамиша машинада қолдирардим.

– Муҳаббатникидан чиқсангиз, калит йўқ, бундан ажабланмадингизми?

– Ҳаяжонда эдим, буни ўйлаб ҳам кўрмабман.

– Кейин уйга қайтиб кириб, калитни излагансиз. Шунда Муҳаббатнинг инграганини эшитгансиз.

– Йўқ! Муҳаббат ўлган эди!

– Кейин, «Бизни кўрди, таниб қолди, айтиб беради!» деган гаплар хаёлингиздан ўтиб, сиз ошхонага чиқиб, мана бу пичоқни, – Раҳматулло ака тортмадан пичоқни олиб, Жўрабойнинг олдига қўйди, – олгансиз-у Муҳаббатнинг кўксига санчигансиз!

– Йўқ! Йўқ! – Жўрабой ўрнидан туриб кетди. – Бу пичоқни энди кўриб туришим. – Муҳаббатни ўлдирганман, аммо пичоқ санчмаганман! Унинг уйига қайтиб кирмаганман. Тепага чиққанимда, эшиги ёпиқ эди. Итарсам очилмади. Аммо қулфининг тешигида калити бор эди. Очиб киргани, қўрқдим.

– Кейин машинани прямой қилиб юргизиб, жўнаб кетдинглар.

– Ҳа.

Раҳматулло аканинг кейинги гапларини эшитиб, Жамила билан Акмал тугул, ҳатто Нодирбек ҳам қулоқларига ишонмай жойларида қотиб қолишди.

– Тўғри, Муҳаббатга пичоқ ҳам санчмагансан, уни ўлдирмагансан ҳам! – деди Раҳматулло ака қатъий оҳангда.

Хонадаги чуқур сукунатдан, уччовининг ҳам юраги ҳаприқиб кетди.

Сен, – Раҳматулло ака Жўрабойга юзланди, – Муҳаббатни ургансан, унинг боши стол чеккасига тегиб, ёрилган, марҳума ҳушидан кетган. Сизлар ваҳимага тушиб, уни ўлди деб ўйлагансизлар ва машинага чопгансизлар! Аслида Муҳаббат бу пайтда ҳушидан кетган, аммо ўлмаган!

– Раҳматулло ака уларга бир зум тикилиб турганда, оҳиста, аммо қатъий товушда деди:

– Икковларинг ҳам озодсизлар!

Икковлари каловланиб қолишди. Бир-бирига, Нодирбекка, сўнг Раҳматулло акага савол назари билан қарашди.





– Ҳа, озодсизлар, – деди Раҳматулло ака. – Аммо Муҳаббатнинг уйига бостириб кирганларинг, унга тан жароҳати етказганларинг ва терговни чалғитганларинг учун керакли жазони оласизлар! Бу қотилга бериладиган жазодан кескин фарқ қилади.

– Унда ким ўлдирган? Акмал акамми? – сўради Жамила.

– Йўқ, Акмалжон ҳозир Яккачинордаги уйингизда. Ошларни дамлаб, сизларни кутяпти!

Жамила билан Жўрабой ишониб-ишонмай эшик томон юришди. Нодирбек уларнинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди.

– Ҳов, терговчи, – Раҳматулло аканинг қувноқ овозидан у ўзига келиб, устозига юзланди. – Намунча қош-ковоғинг осилиб кетибди! Сал йиғиштириб ол, кўзингни ёпиб қўяман деяпти! Зўр бўлдими бу ёғи?

– Зўр бўлди-ю...?

– Бўлди, – Раҳматулло ака Нодирбекнинг елкасига қоқди. – Зўр бўлди. Ҳаммаси сен туфайли зўр бўлди.

Аммо қотил...?

Э! – Раҳматулло ака қўл силтаб, ўзини жаҳли чиққанга солди. – Ҳозир шуни эслайдиган пайтми? Тўйда азадан гапирма деган мақолни эшитмаганмисан? Бугун учта одамнинг уйида байрам. Бизам байрам қилсак бўлаверади. Қани кетдик, чойхонага, бу ишларнинг ҳаммаси сендан бўлди, битта ош энди мендан.

* * *

– Қотил ким, деган саволни беролмай турибсиз-а, ўртоқ терговчи? – деди Раҳматулло ака ош товоғи олингач, чойдан ҳўплаб. Қотилнинг кимлигини ҳам эшитасан. Олдин терговда эътиборингдан четда қолган учта ҳолатга диққатингни қаратмоқчиман.

Биринчиси, Акмалжоннинг хотинига юборилган расмлар. Албатта уларни Жамила, «Жаҳлимни чиқариш учун Муҳаббат жўнатган», деб ўйлаган. Аксинча бундай бўлмаган. Чунки айтишларича, Муҳаббат ақлли қиз бўлган. Жамиланинг зардасини қайнатиш, жаҳлини чиқариш, унга зиён бўлса бўлардики, фойдаси бўлмасди. Қолаверса, у Акмалжоннинг хотини борлигига ҳам бепарво бўлган.

Савол туғилади: Жамиланинг жаҳли чиқишидан ким манфаатдор?

Иккинчиси, Жўрабойнинг машинасидан топилган пичоқ! Ўзинг эътироз билдириб: «Қайси жиноятчи қотилликда ишлатган пичоқни машинасига солиб юради?» – деган саволинг мениям қийнади. «Аммо биз оддий қотилликнинг эмас, балки пухта ўйлаб амалга оширилган жиноят изидан тушганимиздир... Асосий қотил бизни бошқа йўлга олиб бориш учун, пичоқни атай Жўранинг машинасига солиб қўймаганмикан?» – деган хаёл менга тинчлик бермади. Айтганимдай бўлиб чиқди: пичоқ Жўранинг машинасидан топилди!

Учинчиси, марҳуманинг уйидан топилган долларлар! Сен Муҳаббатнинг уйидан доллар





олиб келганингдаёқ, масала биз ўйлагандан ҳам чуқурроқ эканлигига, амин бўлдим.

Оддий ҳамширанинг уйида, бундай долларларнинг бўлиши мени ажаблантирди. Яна Муҳаббатнинг уларга қараб, йиғлаб ўтиришига ҳайрон бўлдим. Демак, Муҳаббат қандайдир жиноятга аралашиб қолган. Аммо у бу жиноятга шерик бўлиб қолганидан афсусда. Шунинг учун долларни кўргани кўзи йўқ, ундан нафратланади.

Муҳаббат қандай жиноятга аралашиб қолган?

Бу жиноят қаерда содир бўлган?

Жиноят Муҳаббат ишлаган туғуруқхонада рўй бермаганмикан?

Долларлар менда ана шу саволларни туғдирди. Аммо сенинг диққатингни асосий ишдан чалғитмаслик учун уларнинг орқасидан ўзим боришга қарор қилдим.

Мухбир ўртоғинг – Фарход Ҳожиевдан туғуруқхона ҳақида мақола тайёрлашни илтимос қилдим. Муҳаббат ўлдирилгунча туғуруқхонада бўлган ишларга диққат қилишини сўрадим. У менга битта фактни топиб берди: Муҳаббат 10 июль куни тунги навбатчиликда қолган. Шу куни еттита чақалоқ дунёга келган. Уларнинг бештаси қиз, иккитаси ўғил бола бўлган. Чақалоқнинг олтитаси мудаттида туғилган, биттаси чала, яъни етти ойлигида дунёга келган. Аммо чала туғилган ўғил бола чақалоқ эмас, муддатида туғилган иккинчи

ўғил бола чақалоқ нобуд бўлган! Долларнинг қулфига калит топгандай бўлдим.

Нобуд бўлган чақалоқнинг ота-онасини аниқладим: ўқитувчилар оиласи экан.

Ҳозирги кунда яйраб-яшнаб юрган, иккинчи ўғил бола чақалоқнинг онаси эса, шаҳарнинг манаман деган безнесменнинг яккаю ягона қизи бўлиб чиқди. Боланинг отаси қишлоқдан ичкуёв бўлиб келган, узоқ қариндошлари экан. Аммо хотини ҳам, қайнота, қайнонаси ҳам бир ойдан буён куёвининг қаерда юрганини билишмас экан.

Зимдан чақалоқ билан ота-онасининг қон анализларини суриштирдим: бир-бирига умуман тўғри келмади! Демак улар…

Ўқитувчиларнинг қон анализлари ҳозирда ҳаёт бўлган боланики билан солиштирилганда тўппа-тўғри келди!

Йўқолган куёвболани автосервисдан суриштирдим. У ердан думи тугилганига бир ой бўлибди.

Қанчалик зимдан иш олиб бормай, жиноятчилар сўраб-суриштиришларимнинг ҳидини олишибди. Вакили келиб кетди. Яхшиям бунгача Ўткир яшайдиган туманга бориб-келишга улгургандим. Ҳамкасбимиз ҳам бир ҳафта олдин содир бўлган жиноятнинг изидан тушган экан. Шу жиноятни Жамолнинг елкасига илиб туришни илтимос қилдим. Рози бўлди. Жамолга жиноятни илиб ташладим.

Вакилга туманда бўлган жиноят ҳақида гапирдим. Шу жиноятда Ўткирнинг ҳам қўли





борлигидан гумон қилаётганимизни айтдим. У енгил тортди.

– Э, ўзи яхшиликни билмайдиган, аслида қамаладиган бола эди, – деди у енгил тортиб.

– Бугунча етар, қолганини эртага эшитасан.

* * *

Эртасига Нодирбек жинни бўлар даражага етди. Эрталабда прокурор ҳамма ходимларни хонасига чақирди.

– Тергов ишларини яхши якунлабсиз, Раҳматулло акадан эшитдим, раҳмат, – деди у Нодирбекка қараб. – Марҳамат қилиб, энди бизга ҳаммасини батафсил гапириб берсангиз.

Нодирбек бир дам нима дейишини билмай, Раҳматулло акага савол назари билан қаради.

– Нодирбекнинг хулосалари менда эди, кечқурун ўқиш учун олиб кетгандим, – Раҳматулло ака олдидаги бир тўплам қоғозни Нодирбекга узатди. – Ҳаммаси очиқ ойдин ёзилган экан, уни Нодиржон ўқиб берса бўлар, – деди.

Нодирбек қоғоз жилдни очиб, устозининг: «Ўткирнинг кўрсатмаларини ўқиб берсанг бас, бу ёғи тушунарли бўлади», – деган ёзувига кўзи тушди. У Ўткирнинг кўрсатмаларини ўқир экан, ҳаяжонини босолмади: воқеалар у ўйлаганча эмас экан. Аммо устози гўё ҳаммасини Нодирбек амалга оширгандай қилиб ёзиб қўйибди! – устозига миннатдор оҳангда қараб қўйди.

– Мен сизларга, – деди сўнг атрофга бирбир кўз ташлаб, – Ўткирнинг кўрсатмаларини

ўқиб берсам, ҳаммаси тушунарли бўлади деб ўйлайман, ўртоқлар!

Терговчи Ўткирнинг кўрсатмаларини шошмасдан хотиржам ўқишга киришди.

* * *

– «Отам бор экан, акам бор экан, одам сафига қўшилиб қолдинг-да, а, қишлоқи!» – ўша куни хотиннинг бу гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди – Тескари шапалоқ билан қўйиб юбордим, хотин бурчакка бориб тушди: Оғзига келган гапни қайтармай додфарёд кўтарди: «Мени урган қўлларинг узилиб тушсин, узилиб тушсин! Шол бўлиб қолмасанг розимасман, розимасман! Акамга айтиб сени қамоқда чиритмасам, одаммасман!»

– Чиритиб юбор! Қўлингдан келса отиб юбор! Тириклайин кўмиб юбор! – ўзимни босолмай хотиннинг тепасида важоҳат билан қўлларимни силтай кетдим. Сўнг тафтим сал босилармикан деб, жавондан арoқ олиб, пиёлани тўлдириб ичдим. Сигарет тутатдим.

Бу ишлар қаердан бошланди, ўзи? – ўйлаб ўйимга етолмайман. Воқеалар шундай тез ривожланиб кетдики, қайсиниси олдин бўлди, қайсиниси кейин, учи-кетини тополмай қолдим.

Уйдаги хўжалик ишларининг ҳаммаси отамнинг бўйнида эди. Онам эрта ўлиб кетгани боисми ёки якка ўғил бўлганим учунми, пул қаердан келиб, қаердан кетяпти, умуман ўйламасдим. Отам бирдан юрак хуружи билан вафот этгач, қишлоқда нима қилишимни билмай қолдим.





Аввалига, опаларим эрлари билан, энди тергайдиган отам йўқ деб, хоҳлаганча яшадим: уйим қишлоқ бекорчиларининг базму жамшид қурадиган маконига айланди. Ҳар куни тушга яқин уч-тўртта такасалтанг келади…

Минг сўм-минг сўм қилган бўламиз. Номига овқат пиширишиб, томоқ ҳўллаймиз. Бу ёғи кетди… Шишалар сафи кўпайган сайин, улфатлар сони ҳам ортиб боради. Қарабсизки, кун ботар-ботмас карта базми авжига чиқади. Тун ўтиб, хўроз қичқиради. Улфатлар бир-бир – ютганлари елкамга шаппатилаб, эртага учрашишга ваъда бериб, ютқазганлар хўмрайганларича хайрлашишни ҳам насия қилиб жўнаб қолишади. Эртасига яна ўша манзара… Бир қанча вақт «маза» қилиб яшадим!

Аммо…

Отам тўла-тўкис қилиб кетган хонадонга ҳар куни ўғри оралаётгандай эди. Олдинига товуқлар… Картада «тушиб» куйган куним, қарзим эвазига товуқ шўрва қилиб берадиган бўлдим. Кейин… Мол-қўйлар…

«Мол топилади, аммо йигит кишининг бурди йўқолмасин. Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди», деган сўзлардан кейин, бозорга олиб чиқиб сотилди. Буларнинг орқасидан қанчалар мақтов сўзлари эшитмадим: «Йигитнинг эркагида – бу! Ўлса ўладики, аммо қарзини вақтида тўлайди!»

Яна кейин...

Гиламлар…

Телевизор…

Холодильник.

Сервант…

Стол-стуллар…

Идиш-товоқлар…

Бора-бора ўз уйимда хизматкорга айландим: улфатлар майда-чуйда олиб келишади. Уларнинг қўлидан масалликларни олгач, ошхонага чопаман: чой дамлаб, олдиларига қўйгач, улар истаган овқатни тайёрлашни бошлайман. Қарта ўйин бошлангач, «ўйинчи»ларнинг кўзига мўлтиллаб қараб, чой қуйиб, узатиб тураман. «Чўтал» деган нарса беришарди-да! Ана шу «чўтал»ни йиғиб-йиғиб, яна ўйинга қўшилардим.

Уй «дов»га қўйилган куни ҳамма иш «бузилди»: поччаларим маҳалла оқсоқолларини бошлаб келишди!

Уйга қулфни уриб, мардикорчи ўртоқларим билан шаҳарга жўнадим. Лекин… қишлоқ боласи бўлсам-да, оғир иш қилмагандим, бетон қуйишга уч кун чидадим, тўртинчи куни: «Бу кунингдан ўлиб кетганинг яхши!» – дея қишлоққа қараб йўл олдим.

Тасодиф қўл келиб қолди. Оҳангаронда болалар тушликка тўхташди. Чўнтагим қурук, қорним «тўқ»лигини баҳона қилиб, машинада қолдим. Сигарет чекиб тургандим, ҳамқишлоғим келиб қолди. У «ёғли» иш борлигини айтди. Аммо озгина «чиқим»ини кўтариш кераклигини шипшиди. Таклифи маъқул бўлди. Қишлоққа борибоқ, катта опамга йўлиқдим: «Зўр иш топдим. Бироқ жиндай чиқими бор,





қарз бериб турсангиз!» Опам эридан яширган пулларни қўлимга тутқазди: шаҳарга келиб, «Автосервис»га қоровул бўлиб ишга кириб олдим. Ишим кўнглимдагидек эди: қишлоқдош болалар каби қирқ градусли иссиқда ғишт ташимайман, қишнинг қировли кунларида лой қормайман… Туни билан беш-олтита машинага қараб, ётиб берсам, бас. Кундузи жиндай усталарнинг атрофида ўралашсам, «левий» ҳам чиқиб туради: машинанинг моторини ювиш ёки бирор мурувватини ушлаб туриш, қотириш лозим бўлади, дегандай…

Тинчгина ўтаётган кунларнинг бирида хўжайин йўқлаб қолди. Унинг хонасига киргунча не хаёлларга бормадим: «Нима айб иш қилиб қўйдим экан, кимни нарсасини сотиб юборганимни билиб қолдийкан?»

Хонада хўжайин билан нотаниш, ёши қирқларга борган, аммо олифта кийинган йигит кутиб олди.

– Э, Ўткирбой, келинг, келинг! – хўжайин негадир мени сизлаб гапирди. – Хўжайин билан қариндош экансиз, бир оғиз айтиб ҳам қўймайсиз.

Бу одамни танимадим, қанақа қариндош эканлигини ҳам билолмадим.

– Нимага оғзингиз очилади, Ўткиржон? Кучкана қишлоғидаги Мунаввар аканинг ўғлимисиз? Отангизнинг Шарифжон деган укаси бўлган, шундайми? Ўша Шарифжон акангизнинг божалари Муроджон ака бўладилар. Муроджон аканинг ўғиллари эса, мана, – хўжайин

йигитга ишора қилди, – Қоплонбек бўладилар. Отангиз ўтиб кетган бўлса, пешонангизни силайдиган амакиларингиз бор экан.

Қишлоқдан кечиб, шаҳарга кетган амакимнинг божаси борлигини эшитгандим, аммо ўзини кўрмагандим! Тўғриси, довдираб қолдим.

– Меҳмон билан сўрашмайсизми? – хўжайин йигитга ишора қилди. – Бу киши бизниям хўжайин, сизниям хўжайинингиз – Қоплонбек Муродович бўладилар.

Сўрашишди. Орага бир муддат сукунат чўкди. Қоплонбек қўлларини қимирлатиб, нимадир деди. Англамадим. Хўжайин:

– Хўп, хўп бўлади! – деди қўлини кўксига қўйиб.

– Ишларга омад! – деди Қоплонбек елкамга шаппатилаб. – Бу ёғига бўш келманг.

– Бўш келишмайди, Қоплонбек Муродович! Бўш келгани қўймаймизам! – хўжайин хахолаб кулди.

Қоплонбек кетди.

Ҳайрон бўлганимча қолдим.

Томошанинг каттаси шундан кейин бошланди.

– Буни ювмасак, нишонламасак, бўлмайди, укагинам! – деди хўжайин Қоплон Муродовични кузатиб қайттач. – Қани кетдик, «Мажнунтол»га борамиз.

Хўжайиннинг машинасида кафега бордик. Ювишни бошландик.

– Қандай одамга қариндош эканлигингизни, укажон, тасаввур ҳам қилолмаяпсиз! –





деб гап бошлади хўжайин. Унинг айтишича, Қоплонбекнинг дадалари шаҳарни тебратиб турганларнинг биттаси экан. Бир неча ресторани, тўйхона, ошхона кафелари, хўжайинникига ўхшаган корхоналари бор экан. Мурод Мавлонович буларнинг устидан «генеральний» директор бўлса, ўғиллари – Қоплонбек Муродович уларнинг бошқарувчиси экан.

Оғиз-бурун ўпишишди, деган гапни унча сингдиролмасдим. Аммо чойхонада хўжайин билан ҳақиқатан ҳам оғиз-бурун ўпишдик.

– Бугундан бошлаб қиёматли укамсан, укам! – деди хўжайин бўйнимдан қучоқлаб, юзимдан чўлп-чўлп ўпаркан. – Энди бизни фақат гўр ажратиши мумкин!..

– «Мажнунтол» кафесидан чиқишимизда менинг отамни таниган кафе хўжайини Фахриддин бобонинг укаси Муродбек ҳожи ака кўриб қолиб: «Ука, бу инсонлар билан танишибсан, лекин улардан ҳушёр бўл», – дедилар. Ичимда шундай одамлар билан биргалашиб юрганимга ғайирлиги келяпти деб ўйладим.

Эртасига хўжайиннинг ўринбосари сифатида иш бошладим.

Кейин…

Ҳа, кейин, ўн беш кунча вақт ўтди.

– Қариндош ҳам шунақа бўладими? – деб қолди бир куни хўжайин. – Қариндош, қачонки бир-бирини йўқлаб турса қариндош бўлади-да! Сизни шунчалик сийлашяпти, бир марта йўқлаб қўймабсиз-а!

Гапларига тушунмадим: кимни йўқлаш керак, нимага йўқлаш керак?

– Қошингизни чимирманг, – хўжайин давом этди. – Сизни «кўтаришган»дан буён Мурод Мавлоновичникига неча марта бордингиз? Э, қариндош бўлмай кетинг! Чиқинг машинага!

Хўжайиннинг машинасига ўтирдим. Кетгунча хўжайин оқибатсиз жиян бўлганимдан нолиб борди.

– Бундай акаларнинг этагидан маҳкам тутиш керак, укажон! – деди у данғиллама иморатга имо қиларкан. – Ана шунда бирингиз икки бўлади. Қачон бўлса мен сизнинг ғамингизни еб юрарканман-да! – хўжайин машинанинг юкхонасини очди. Ундан иккита пакет олиб, қўлимга тутқазди. – Қуруқ кирманг, уят бўлади.

Ҳайбатли дарвоза олдида туриб қолдим: «Буларни мен умримда кўрмаган бўлсам, нима деб кираман?»

«Нима бўлса пешона!» – деб эшик қўнғироғини босдим.

Ичкаридан ит хурди.

Аёл кишининг, «Дунаевский, жим бўл!» деган товуши эшитилди.

Сўнг яна ўша овоз, «Ким у?» деди.

– Мурод ака… Мавлоновичнинг олдига келгандим, чақиришган экан, – дедим дудуқланиб.

– Э, сизми? Ичкарига кираверинг, ҳозир! – деган товуш эшитилди.

Бундайин уйларни, тўғриси, ҳинд киноларида кўргандим. Ҳовлининг айланаси осмонўпар





иморатлардан иборат. Ўртада катта фонтан. Иморатлар томондан келган йўлаклар шу жойда бирлашади. Йўлакларнинг четида анвойи гуллар, арчалар… Уларнинг остида кўм-кўк ўтлар…

Уларга қараб, анграйиб қолибман.

– Э, келинг, келинг, қариндош! – юм-юмалоқ одам айвондон тушиб келаркан, мени шу сўзлар билан кутиб олди.

Мурод Мавлонович деганлари шу киши экан. Равонга бошлашди. Шинам дастурхон тузатилган… Энди унга қўйилган ноз-неъматларни санаб адо қилиб бўлмайди.

Мурод Мавлонович қўймай мени юқорига ўтқазди. Дуо ўқилгач:

– Қариндош дегани ҳам шунақа бўладими? – деб ўпка-гина қилган бўлдилар. – Келиб турмайсизми? Ҳовлимизнинг эшиги сиздайин қариндошларимиз учун ҳамиша очиқ, қани, дастурхонга қаранг.

Шу пайт ичкаридан, акага ўхшаш юм-юмалоқ, аммо Мурод Мавлоновичдан анчагина новча аёл косада овқат олиб кирди.

– Келинг, меҳмон, келинг, – деб сўрашди. Менга диққат билан, бошдан-оёқ разм солди. Кейин савол назари билан қараб турган эрига тасдиқлаб бош қимирлатиб қўйди. – Қани, овқат совимасин, – деди-да, хонадан чиқди. Ҳайрон бўлдим-у, буни билинтирмасликка ҳаракат қилдим.

– Қишлоқлар қалай, бориб турибсизми? – Мурод Мавлонович сўз бошлади.

Шу билан суҳбатимизга жон киргандай бўлди. Мурод Мавлонович буткул унутиб юбормаган экан, қишлоқдаги беш-олти тенқурини, улар билан бўлган ҳангомаларни эслаб, кулишган бўлдик.

Хуллас ўша куни қариндошларим билан танишиб, хурсанд бўлиб қайтдим.

Бир ҳафта ўтиб, хўжайин мени яна бу хонадонга йўллашди:

– Мурод Мавлоновичга ҳам, опамиз Аълохон Ҳайратовнага ҳам маъқул келиб қолибсиз, мақташди. Буни қадрига етиш керак. Бозорга тушинг-да, энг сара мева-чевалардан олиб, йўқлаб қўйинг.

Бу сафар ҳам дарвоза қўнғироғини босишим билан ит ҳурди. Аммо:

– Ким у? – деган қиз боланинг жарангдор овози янгради.

– Мен... нима... Мурод Мавлоновичнинг қариндошлари... – дедим аранг.

– Кираверинг, эшик очиқ.

Кирдим. Ўша ҳовлини айвон томонидан:

– Мен ҳозир! – деган овоз келди. У томонга қараб, оғзим буткул очилиб қолди: уйнинг иккинчи қаватига кўтариладиган зинада оппоқ либосда, коп-қора сочларини шамол ўйнаб, бир оху турарди!

Кейин...

– Ҳозир адажоним билан ойижоним келиб қоларканлар, – деди у дам ўтмай ичкаридан чиқиб. – Унгача мен сизни зериктирмай, меҳмон қилиб турарканман, қаршимасмисиз?





Қанақасига қарши бўлай? Бунақанги эркалатиб айтилган сўзларни қулоқларим энди эшитиб турган бўлса... Камига унча-мунча одамнинг эмас, Мурод Мавлоновичнинг қизининг оғзидан бу сўзларни эшитаётган бўлсам...

Олдин сўрига...

Кейин айвонга...

Ундан меҳмонхонага кўчдик.

Нима дедим, нима қилдим, билмайман.

Маст эдим, аммо ичкилик эмас...

Дабдабалардан...

Шундай катта одамнинг қизи билан гаплашиб ўтирганимдан...

Дарвоза тарақлаб очилгач, кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди.

Аммо бунда кеч бўлганди.

Машинага босишди. Қайларгадир олиб боришди. Қоронғи хонага тиқишди.

Икки кун мени битта савол қийнади: «Нима қилдим ўзи мен?»

Айтилган жойга бордим... Қизнинг, «Адам ҳозир келиб қоладилар, ҳозир келиб қоладилар!» сўзлари билан сўрида, айвонда... озгина-озгина ичдик... Кейин...

Дарвозадан икки барзанги йигит кириб келганини эслайман.

Юм-юмалоқ хотинни, аниқроғи, кўпик отилиб чиқаётган катта оғизни эслайман.

Бармоқлари узукларга тўла қўлнинг иягим остида силкинаётгани эсимда: «Камбағални сийласанг, чориғи билан тўрга чиқади, деганлари шу-да! Ажал келгил!»

Бу қуллар ярим яланғоч қиз – Гўзалхонни қучоғига олганини эслайман.

Қолганини…

Эслолмайман, Худо урсин, эслолмайман!

Аммо икки кун еган калтакларим…Тортган азобларим… Эшитган ҳақоратларим… Булардан фақат битта нарсани билиб олдим: Мурод Мавлоновичнинг битта-ю битта қизларини бузиб қўйибман!

Учинчи куни мен ўтирган зимистон хонанинг эшиги очилди. Ёруғликдан бирданига кўзларим қамашиб кетди.

– Буни сиздан кутмагандим, укагинам, кутмагандим! – нур орасидан қора шарпа чиқиб келди.

– Хўжайин! – дедим. Овозим чиқдими, йўқми, билмайман.

– Шундай одамнинг қизига-я! Ўзингизни ким деб ўйладингиз! Энди бу ёғи пешонада борини кўраверасиз, укам!

Хўжайиннинг сўз оҳангида ҳамдардлик борлигини сездим, ҳалиям мени сизлаётганига аҳамият бердим: кўнглимда бир оз умид учқунлагандай бўлди.

– Хўжайин, ўзи нима бўлди? – сўрадим ундан.

– Дард бўлди, бало бўлди, – хўжайин вайсай кетди. – Итчилик бўлди, итчилик! Сенинг пешонангни силаганларга оқибатинг шуми? Қоплонбек сени ўлдираман деб юрибди, ўлдиради ҳам! Гўрга тиқиб, исингни ҳам чиқармай юборади!





Хўжайиннинг гапларини эшитиб, юрагим музлаб кетди.

– Энди ука, мундоқ қиламиз, – деди маслаҳат оҳангида, – энди сен уйланасан.

– Кимга?

Оғзимдан беихтиёр чиқиб кетган бу саволдан хўжайин тутақиб кетди:

– Яна «кимга» дейди-я! – деди у бақириб. – Ўзинг ишини қилиб қўйган қизга! – сўнг паст овозда қўшиб қўйди. – Хўжайиннинг қизига!

– Мен-а?

– Ҳа, сен! Қилиб қўйган ишингни эшитиб, Мурод Мавлоновичнинг қанчалик дарғазаб бўлганини билганингда эди! «Кўмиб ташлanglar!» дебди аввалига. Кейин Қоплонбек Муродовичнинг қўлига топширмоқчи бўлишди. Даргоҳи кенг экан, Мурод Мавлоновичнинг: «Ҳаммамиз ҳам гуноҳкор бандалармиз. Шу етимнинг гуноҳи бўйнида», – дедилар сўнг.

Бу ёғи янада тезлашиб кетди.

Хўжайиннинг уйидан ўғил бўлиб чиқдим.

– Укажон, бошингизга бахт қуши қўниб қолди, о, шундай одамга куёв бўляпсиз, омадингизни берсин! Ёшим ўтиб қолди-да, бўлмаса сизга йўл бўлсин эди! – дея хўжайин уни дуо қилди.

Мурод Мавлоновичнинг хонадонига куёв бўлиб кириб бордим.

– Етим, камбағал жиянини ўзига муносиб кўриб куёв қилибди, бирни берса, мингни олсин! Ана шундай бойларимиз кўпайсин! – деб Мурод Мавлоновични дуо қилишди.

Тўйнинг дабдабаси шаҳарни тутди. Шунча ёшга кириб, бунақа тўйни кўрмагандим. Шоҳона дастурхонлар, казо-казо меҳмонлар… Уларнинг орасида, ҳатто, бизнинг хўжайин кўринмай кетди.

Куёвжўралар – Қоплонбекнинг ошналари орасида эса, ўзим йўқ бўлиб кетдим: улар мени ҳурмат қилиш тугул, одам ўрнида кўришмади. Ҳатто, Шерғоз деган олифтаси кўзимга бақрайиб туриб бўлғуси хотинимни чўлпиллатиб ўпди. Яна, «Куёвбола, хўмраймаңг. Мен бугунча ўпаман холос, сиз бутун умр ўпасиз!» – деб аския ҳам қилди.

Ноилож йигитларнинг кулгисига қўшилган бўлсам-да, «Ишқилиб бу сурбет, олифта бугунча эмас, бугунгача ўпиб келмаганмикан?» дея кўнглим ғашланди.

Кўнглим бежиз ғашланмаган экан. Келин билан холи қолишганда… Менам ичган эдим, лекин…

– Вой, секин, эзиб қўясиз! – ширакайф Гўзалхоннинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетган сўздан кайфим буткул тарқаб кетди.

– Нимани? – дедим тишларимни ғижиллатиб.

– Нимани бўларди… – Гўзалхон шошиб жавоб қилди. – Мени-да, мени!

Гўзалхоннинг дўмпайиб турган қорнига қараб, ҳаммасини тушундим.

Кийиндим.

Гўзалхон парво қилмади.

Эшик томон юрдим.





Гўзалхон ўзини ухлаганга солди.

Тонг оқаришиб келарди. Шундай бўлса-да, дарвоза олдидаги айвонда уч-тўрт йигит ичишиб, сигарет буруқситиб ўтиришарди. «Ҳалиям кетишмабди-да!» деган хаёлда уларнинг олдидан ўтиб кемоқчи эдим:

– Ҳа, почча йўл бўлсин, саҳарлаб! – деб қолди йигитлардан бири.

– Бир айланиб келай!

– Ие, шунча катта ҳовли туриб-а! – йигит сакраб айвондан тушиб, дарвоза олдида пайдо бўлди. – Ҳар қанча бўлса, айланаверинг!

Ўшандагина буларнинг бари жиркани ўйин эканлигини тушундим.

Моҳирлик билан саҳналаштирилган, унчамунча ижодкор ёзолмайдиган спектаклда иштирок этибман.

Унинг ёзувчиси – шубҳасиз, Мурод Мавлонович!

Саҳналаштирувчи режиссёри – хўжайин.

Бош ролларда мен ва хотиним бўлмиш – Гўзалхон!

–Ароқдан борми? – сўрадим йигитлардан.

– Ие, сиз учун бор-да! Чиқинг бу ёққа, почча! – йигитлар ҳиринглаб кулишди.

* * *

– Уч кунлик «куёв чилла»дан чиқишимга, – Ўткирбек ўқишда давом этди, – қайнотам, шахсан Мурод Мавлоновичнинг ўзлари «Нексия» совға қилишди. Энди мен хўжайинга, хўжайин эса менинг ўринбосаримга айланди.

бошлаяпти экан, шуни биз қурсак. Пистон жойга арзон мол келибди, шундан улгуржисига олсак, қайноғанг Қоплонбекка қарашли экан»…

Мен буларга тушунсам экан… «Анави тўғрилайди», деб Воситни хўжайинга рўпара қиламан. У қўли кўксида, «Куёвнинг хурмати, бўлади», дейди.

Бора-бора Восит «балиқ ови»ни, «балиқча»лар билан «гаплашиш»ни ташкил қилади: «Ҳаётнинг қизиғи бу томонда экан-ку!» деб шўнғиб кетдим. Восит мен билан «арзимаган» ишлари тўғрисида гаплашмайдиган бўлди. Хўжайин билан қалинлашиб, исмимни эсдан чиқара бошлади. «Сизароғингизни ичинг! Бизни гапларга аралашманг!» дейдиган бўлди. Ҳатто бир ўтиришда шундайин латифа айтди, тутуним чиқиб кетди. Ўзи эски, бир сийқаси чиққан латифа: «Афандининг хотини етти ойда кўпайишадиган бўлиб қолибди. Афанди хотинидан, «Ҳамма тўққиз ойда туғарди, нега сен бунақа?» деб сўраса, «Э, жадаллаштириш сиёсати кетяпти. Мен бунга қўшилиб, тўққиз ойликни етти ойда бажардим!» дебди.

Восит бошлаб берган кулгига хўжайин қўшилди. Кулишишди. Ҳа, улар менинг устимдан баралла кулишди!

Орадан бир ҳафта ўтиб…

Эрталаб ишга келдим. Восит билан бўлган кечаги базмдан кейин, кўнглим уйқуни, фақат уйқуни тиларди. Хўжайин хонасидаги диванга таклиф қилди: «Чарчабсиз дам олинг!» Диванда ётиб, ётолмадим, туриб, туролмадим.





Уйга қараб йўл олдим. Эшик оғзида турган «Мерседес»ни кўриб ажабланмадим: «Акаси, Қоплонбек келган бўлса керак!»

Лекин эшик берк эди! Нимадир хаёлимга келгандай бўлди.

Ҳа-а-а! Шерғоз олифтада ҳам шунақа «Мерсидес» бор эди-ю!

Девор ошиб ҳовлига тушдим, Дунаевский бошини кўтариб бир-икки хурди, аммо мени таниб, «қасри»га кириб кетди.

Ичкаридан…

Тунги халатда…

Гўзалхон чиқиб келди.

– Ҳа? – деди у ҳеч нарса бўлмагандай.

Нафратимни, айтмоқчи бўлган гапини юзимдан, кўзимдан уқиб олар деб унга қаттиқ тикилдим. Парво ҳам қилмади.

– Ошхонага кириб туринг, ҳозир! – деб Гўзалхон четдаги иморатга ишора қилиб ичкарига юрди.

Аёлнинг бунчалар беписандлиги юзимга тарсаки тортиб юборгандай таъсир қилди: ўрнимдан қўзғалолмадим.

Ичкаридан…

Шерғоз чиқиб келди.

Чиққанда ҳам иршайиб…

– Ие, поччамиз кептилар-у! – деб дарвоза томон юрди.

Ортидан юрдим. Аммо мушт бўлиб тугилган қўлимни кимдир тутиб қолди. Хотин бўлса керак, деб бурилиб қарасам…

Қўлим… Мушт бўлиб тугилган қўлим Восит… Прораб Воситнинг қўлида турарди:

– Қўйинг-э! Шунгаям ота гўри қозихонами!? Э, юринг-э, ундан кўра юзта-юзта отамиз!

Унга ўқрайиб қарайман деб кўзим, қўли кўксида турган хўжайинга тушди!

Восит билан хўжайин қайдан келди, қайдан кетди, билмайман. Ичкарига кириб, «хотин»га тарсаки қўйдим. Хумордан чиққунча дўппослаш учун кўтарилган қўлим, тепада муаллақ қолди: меникидан кучлироқ қўл уни ушаб қолди.

Олиб кетишди…

Калтаклар…

Азоблар…

Челакка ҳам ўтқазишди…

Оҳ!.. Эшитгандим, бошимга тушмаганди… Бундан кўра пичоқни кўксингга тиқиб-тиқиб олишгани минг бора афзал эди!..

Учинчи куни қоронғи хонада Қоплонбекнинг ҳайқириғи янгради:

– Опамга ёки боласига бир нарса бўлса, энангни учкўрғонда кўрсатаман! Ўлигинг мана шу ердан чиқади! Кафансиз кўмиласан! Бола туғилади – бошинг очилади! Агар ўлик туғилса, ўлганинг шу! Кимнидир поезд босиб кетибди деган гап тарқалса, билгинки у сен бўласан. Аммо сен билмайсан буни – ўлган бўласан. Тушундингми?

Ярим яланғоч ҳолатда қўлларимдан занжирга осилганман, бир сўз айтолмадим.

– Тушундингми, деяпман, аблаҳ! – Қоплонбек қўлидаги таёқ билан белимга туширди.





Таёқнинг зарбидан аранг:

– Туш… туш… тушундим, – дея олдим, холос.

Уйига «Туш… туш… тушуниб» келгандим.

Аммо аламимга икки пиёлани бостириб ичгач, хотинимнинг тиржайиб турган башарасига кўзим тушди-ю, ўзимни жиловлолмай қолдим: тарсаки тортиб юбордим.

Хотини оғзига келган гапни қайтармай додфарёд кўтарарди:

– Ҳалиям мулла бўлмабсан-да, сен қишлоқи! Мени урган қўлларинг узилиб тушсин, узилиб тушсин! Шол бўлиб қолмаса розимасман, аблаҳ! Акамга айтиб сени қамоқда чиритмасам, одаммасман, мараз!

У жавраган сайин аламим аланга олди: дуч келган жойига тепа кетдим.

– Тутяпти!.. Тўлғоқ тутяпти! – деган овозларга унча парво қилмадим.

«Ўлиб кетмайдими! Ҳаромдан бўлган бола билан нима ишим бор!» деган гаплар хаёлимдан ўтди.

Кейин…

– Сен ана шу гўдакнинг уволига қоласан! Шу бола ўлса, акам сени соғ қўймайди. Поезд тагида ўлган сен бўласан! Гўрингнинг устида ўтирмасам, одам эмасман! – Гўзалнинг бу гапларидан кейин бирдан бўшашиб кетдим. Диванга ўтириб қолдим.

– Бу боланинг орақасидан сенам ўласан! Вой, дод, ўлиб қоламан, ҳозир. Болани тепиб ўлдирдинг шекилли, ичимда бир бало бўляпти!

«Скорий» чақир! Онажон қўнғироқ қилинг! Вой ўлиб қоламан! – Гўзалнинг гаплари қулоғимга эритилган қўрғошиндек қуйилди. Унга қандай ёпишдим, қандай машинага ўтқаздим, билмайман. Туғруқхона бошлиғининг хонасига кирганимда ҳам ўзимни босолмасдим.

– Хотиним туғяпти! Ёрдам беринг, опа! – дедим бор овозда.

Биринчи марта фарзанд кўраётган йигитларнинг ҳаммаси шунақа хитоб қилармикан, опа менга парво ҳам қилмади.

Гўзалхонга «уйланганим»дан буён беш-олти минг долларсиз кўчага чиқишни ўзимга ор билиб қўйгандим, чўнтагимда борини олиб, столига ташладим.

– Нима қиляпсиз? Мени ким деб ўйлаяпсиз? – опа чинқириб юборди.

– Хотинимга ёки болага бир нарса бўлса, мен ўламан, опа! Ўламан! Керак бўлса, керагича бераман! – дедим унинг бақирганига парво қилмай.

– Ваҳима қилманг, ука! – шифокор аёл шошиб бориб хона эшигини ичкаридан қулфлади. Сўнг ортига қайтиб, менга ҳамдардлик билан деди: – Ҳаммаси яхши бўлади, ўтиринг. Хотинингизни ҳозир олиб келишдими?

– Ҳозир олиб келдим. Қаранг, опа.

– Қарайман, қарайман. Фамилияси?

– Мавлонова Гўзал.

– Яхши.

– Қаранг, опажон!

– Сиз ука, ўзингизни босиб олинг. Ташқарига





чиқиб ҳам айюҳаннос солиб юрманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Хотинингизга ўзим қарайман, кутиб туринг.

Ташқарига чиқиб кута бошладим. Иккитаучта ота оғзи қулоғида кетди: бириники ўғил, иккинчисиники қиз. Бизникидан эса, дарак йўқ... Бу орада қайнонам келиб кетди. Уни туғруқхона бўлимининг олдига киритмасликнинг зўрға эвини қилдим. Менинг чинқириғимни эшитган аёл шу бўлим бошлиғи Замира Османовна экан. Ниҳоят, кечаси соат ўн иккиларда ичкаридан чиққан ҳамшира менга қарашли фамилияни айтди:

– Мавлонова!

– Мен... нима? Ўғилми, қизми?

Ҳамшира менга бошдан-оёқ разм солди. Сўнг ичкарига имо қилди:

– Замира Османовна сўраяптилар!

Мудира мени яхши кайфият билан кутиб олди. Ҳол-аҳволимни, ишимни эринмасдан сўраб-сураштирди. Қайнотамни танишини, ниҳоятда ҳурмат қилишларини қистириб ўтишди. Гапнинг охирида эса:

– Бола чала туғилган! Унинг устига онасининг қорнида бола қаттиқ зарб еган, эрталабгача соғ қолишига кафолат беролмайман! – деди.

«Демак, эртага кечгача менинг ҳам соғ қолишимга биров кафолат беролмайди», бу фикр миямга чўғдай урилди.

– Опа, бу бола яшаши керак! Яшаши! Қанча десангиз бераман! Эрталабгача пул қўлингизда бўлади!

Бўлим мудираси менга ҳеч нарса демасдан хонадан чиқиб кетди. Дам ўтмай қайтиб келиб:

– Юринг! Болангизни кўринг! – деди у мени эшик томон бошлаб.

Хонага кириб бордик.

– Манови сизнинг ўғлингиз, – деди, Замира Османовна қотор ётган чақалоқлардан бирига ишора қилиб. – Буниси сизнинг ўғлингиздан бир соат олдин туғилган бола, – қўшни каравотга ишора қилди. – Икковининг фарқини қаранг. Бири соппа-соғ, сизники чала туғилган. Болангизнинг эрталабгача яшашига ишонасизми?

Замира Османовна мени бу хонага бошлаб кириб, нега чақалоқларга бир-бир ишора қилганидан ўзимча бир маъно чиқардим! «Ҳа, шундай қилса ҳам бўлади-ку!» деган фикр калламда чарх ура бошлади.

– Бўлди, чиқинг, бу ерга бегоналарнинг кириши мумкин эмас! – деб қолди бирдан бўлим мудираси.

Чиқдим. Аммо калламда туғилган фикрдан бошим айланиб кетди.

– Бу ерга кириб, яна бир бор боламни кўрсам бўладими? – сирли қилиб сўрадим Замира Османовнадан.

У менга зимдан тикилиб қолди.

– Ҳозироқ бориб, машинамни сотаман, ўн мингга олади! – дедим.

Опа яна индамади.

Уйга жўнадим. Гўзалхоннинг отасидан, акасидан эркаланиб олган пулларини қаерга бер-





китиб юришини билардим. Ўн мингини олиб, ортимга қайтдим.

Пулни опанинг столига ташладим. Опа чақалоқлар хонасининг эшиги оғзида мени қолдириб, ўзи бурилиб кетди.

Тезроқ уринишим кераклигини тушундим.

Ростмана туғилган болани олиб, ўрнига чала туғилган болани ётқиздим.

Бир дам уларга қараб қотиб қолибман.

– Бу ерда нима қиляпсиз? Бегоналар кириши мумкин эмас!

Бу сўзларни ким айтди, юзига ҳам қарамасдан, зинапояга чопдим.

Эртасига бинойидек туғилган боланинг онаси хўнг-хўнг йиғлаб чала туғилган Гўзални чақалоғини кўтариб чиқиб кетди. «Меники»ни эса, бир ҳафта ўтиб карнай-сурнай билан шифохонадан олиб чиқишди.

Уйда ҳам, ишда ҳам туролмай қолдим.

Уч-тўрт кун ўтиб баҳона топиб, хўжайинни айниб-ажиб сўкдим: «Хўжайин, хўжайин, деб хўжайинларинг итялоғини ялаб, яшаганингдан кўра, ўлганинг яхши эмасми?!»

Восит ўртага тушганди, юзига тарсаки тортиб юборди: «Сен одам бўлиб қолдим деяпсанми? Бугундан кейин хотинингни машинангга солиб юргин, ишинг битмаса, қўшиб берасан, ошиғинг олчи!»

Менда пайдо бўлган журъатдан улар ҳайратда эди.

Шу орада Замира Османовна мени ишхонасига чақириб қолди.

– Ўша куни сизни биров кўрганмиди? – деб сўради у.

– Ҳа, – дедим. – Биров ортимдан, «Бу ерга бегоналарнинг кириши мумкин эмас, нима қилиб юрибсиз?» дегандай бўлганди.

– Ким эди ўша?

– Юзига ҳам қаролмай, зина томон чопгандим.

– Ўша юзини кўрмаганингиз навбатчи ҳамшира экан. Кузатиб турган экан, «Бегона эркак сизнинг хонангиздан чиқиб, чақалоқлар бўлимига ўтди», – деди. «Бўлар-бўлмас гапларни гапирма! Сенга шундай кўрингандир!» – дедим. Аниқ кўрганига қасам ичди. Ҳатто сизни ўзича тасвирлаб ҳам берди. Агар буни прокуратурага бориб айтса…

Бу ёғини айтмаса ҳам тушундим.

– Мендан сўрашса, ҳеч нарса билмайман, дейман,– Замира Османовна давом этди. – Ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса билмайман. Сизни кўрганим ҳам йўқ, танимайман ҳам.

«Тўғри, – ўзимча ўйладим, – шундай қилса бу киши сувдан қуриқ чиқиб кетаверади. Мен эса…».

– Маслаҳат беринг, опа, нима қилай, бошим қотиб қолди.

– Мана ўша куни тунги навбатчиликда бўлган ҳамшира, – опа олдимга сурат ташлади. – Мен аралашсам бўлмайди. Уйига борасизми, «Боламни бир кўргани киргандим», дейсизми, пул берасизми, бу ёғи сизнинг ишингиз! Мен ҳеч нарса билмайман, тушундингизми?





Тушундим. Тушунганда ҳам жуда катта жиноятга қўл урганимни бутун вужудим билан ҳис қилдим.

– Қизни кузатишни бошладим. Исми Муҳаббат эканлигини, қаерда яшашини ҳам билиб олдим. Бир кун уйига бориб, «Ўша куни боламни кўргани киргандим, ҳар хил гаплар бўлмасин», деб қоғозга ўралган уч минг долларни столига қўйидим. «Нима бу?» – деди. «Очгангизда хурсанд бўласиз!» – деб шошиб эшикка юрдим. «Керак эмас, мен бундай пуллардан ҳазар қиламан!» – деган гапларни бошлаганди, эшикни ёпиб чиқиб кетдим. «Итальянский» экан, эшиги қулфланиб қолди. Зинадан тушиб келаётсам, бир аёл билан эркак шошиб тепага қараб кўтарила бошлади. Муҳаббатнинг ортимдан югуриб чиқишини кутдимми ё анави эркак билан аёлнинг қаерга киришига қизиқдимми, бир оз зинада туриб қолдим. Кутганимдан, кимнидир эшиги очилди, Муҳаббатнинг овози эшитилди: «Ушланг, пишириб енг пулларингизни!» Сўнг унинг хижолатли товуши келди: «Вой, сизлармиди, мен...» Бир оз туриб, эркакнинг: «Сенга шаҳарда бўйни йўғонроқ эркак топилмадими! Бунинг хотини бор, мана!» – деган гаплари қулоғимга чалинди. Қизиқишим ортиб, яна тепага кўтарилдим. Овозлар Муҳаббатнинг очиқ турган эшигидан чиқарди. Учинчи қаватга кўтарилиб, уларнинг жанжалини диққат билан эшитдим. Ҳаммасини тушундим: Акмалжон деган йигит хотини бўла туриб, Муҳаббат билан бирга юраркан. Бугунги келганлар ана шу йигит-

нинг хотини ва қайноғаси экан. «Яна Акмалжон билан юрадиган бўлсанг, ўлдираман, тушундингми, ўлдираман!» – дегандай сўзлар билан қайноғаси якунлади. Улар эшикни қарс ёпишиб, ташқарига йўл олишди. Ортларидан чиқдим. Эскироқ бир машинага ўтиришди. Яккачинорники.

Қайноғанинг, «Ўлдираман, тушундингми, ўлдираман!» деган сўзлари қулоғим остидан кетмай қолди. Ўлдирса эди, менам бу ташвишлардан қутулардим, дердим ўзимча.

Бирдан хаёлимга, ана шу ўлимни ташкил қилиш режаси келиб қолди. Муҳаббатни кузата бошладим. Унинг севгилиси Акмалжонни ҳам таниб олдим. Бир катта корхонага кириб суриштириб, Яккачинорнинг қайси қишлоғидан эканлигини билдим. Муҳаббат билан Акмалжоннинг орқасидан юриб, суратларни олдим. Сўнг уларни почтадан Акмалжоннинг хотинига жўнатдим. Мақсадим, хотинининг жиғигига тегиш, қайноғаси амалга оширмоқчи бўлган, «ўлдираман, ўлдираман»ни тезлатиш эди. Суратлар жўнатилгач, Муҳаббатнинг уйини кузата бошладим. Айтганимдай суратларнинг таъсири бир ҳафтадан кейин маълум бўлди.

Қоронғи тушиб қолганди. Аммо уйларнинг дарчасидан тушаётган нур кўчани ғира-шира ёритиб турарди. Акмалжоннинг хотини билан қайноғаси машиналарини кўчада қолдириб, Муҳаббатнинг уйига кўтарилишди. Мен олдин уларнинг машинасига разм солдим. Бир болача орқа ўриндиқда ухлаб ётибди. Машинанинг





калити эса, ўзида турибди. Уни суғуриб олиб чўнтагимга солдим. «Ўлдириб тушишгандан кейин, машина калитини излаб туришганда, мелисага қўнғироқ қиламан, жиноятчиларни жойида қўлга олишади», – деган хаёл ҳам йўқ эмасди-да.

Мушукдай писиб, йўлакка йўл олдим. Эшик ёпиқлиги учунми, унча шовқин эшитилмасди. Учинчи қаватга кўтарилиб, диққат билан қулоқ солдим. Унча баланд бўлмаса-да, жанжал овози эшитиларди. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмади. Эшик шарақлаб очилди, «Вой, ўлдириб қўйдинг, ўлдириб қўйдинг!» – деган аёлнинг ноласи эшитилди. «Ўчир, овозингни!» – деди унга жавобан кимдир секин, аммо қатъий қилиб. Улар пастга шошилишди.

Муҳаббатнинг қаватига тушдим. Эшиги қия очиқ, аммо ичкаридан тиқ этган товуш эшитилмайди. «Телефон қилишим, машина калитини Муҳаббатнинг уйида қолдиришим керак эди, ичкарига кирдим. У ўлиб ётарди. Енгил тортгандай бўлдим. Калитни қаерга қўйсам ишончли бўларкан, деб бир дам ўйланиб қолдим. Шунда, инграган овоз эшитилди. Қотиб қолдим. Муҳаббат қимирлагандай, кўзини очиб, менга тикилгандай бўлди. Капалагим учиб кетди. «Мени танади. Таниб қолди! Туғуруқхона мудираси ҳам гаплардан хабардор, шу деб кўрсатма бериши мумкин!» деган гаплар хаёлимда чарх ура бошлади. Пичоқни қаердан олдим, уни қандай қилиб Муҳаббатнинг кўксига суқдим, ўзим ҳам билолмадим. Ўзимга келганимда,

бир қўлимда машинанинг калити, иккинчисида қонли пичоқ турарди. Калитларни дуч келган томонга отиб юбордим! Пичоқни эса нима қилишимни билмай туриб қолдим. Сўнг шошибпишиб пичоқни сочиққа ўрадим. Йўлакдан югуриб тушдим, аммо сас чиқармадим.

Хайрият, бегона кишининг машинаси кетиб қолмаган экан. Машинасининг калити йўқ, машинасини юргизолмай олдинги ўриндиқда ниманидир ковлаштирарди. Юкхонадан бирор нарса олганми, очиқ. Паналаб бориб орқасига пичоқни ташлашим қийин кечмади.

Бу ишларни қилиб қўйганимдан сўнг ўзимча яхши иш қилмаганимни ва бировга нисбатан катта гуноҳ қилганлигимни кечроқ англадим.

Бу ишларни қилганимдан жуда катта изтиробдаман. Қанийди, буларнинг ҳаммаси қўрқинчли бўлса ҳам, туш бўлиб чиқса. Кўнглимдаги қўрқув ва оғриқнинг қанчалик оғирлигини билсангиз эди...

* * *

Устозидан тергов якунларини эшитган Нодирбекни хаёллар олиб қочди: «Бир қотиллик орқасидан, қаторлашган жиноятлар... Одамнинг ишонгиси келмайди.

Акмалжонга тан бермасдан иложинг йўқ: мардлик дегани – шу! Аммо...

Соддагина аёл Жамилани ҳам айблаб бўлмайди. Оиласи, шаъни учун курашди дейилмаганда ҳам, аммо нимадир қилди.





Жўрабойнинг ҳаракатларини ҳам тушунса бўлади: опа йиғлаб турса, қайси ука уни ҳимоя қилиш учун бормайди!

– Аслида – деди Раҳматулло ака шогирдининг фикрларини уққандай Нодирбек билан «ишхонасидан қайтишаётганда, – воқеа биз ўйлагандан ҳам кўлами кенгроқ экан. Мурод Мавлоновнинг эркатой қизи Гўзалхон иккита фарзанднинг отаси Шерғоздан ҳомила орттирган экан. Шунинг учун улар ўзларининг ғаламислик, беорлик билан қилган ишларини кимдир орқали ёпмоқчи бўлганларида, Ўткир тўғри келиб қолган.

Э, бу пул қутуртирганлар бутун бошли инсоннинг ҳаёти билан ўйнашишдан, қисматини бошқа ўзанга буриб юборишдан ҳам қўрқишмайди.

Энди нима бўлади? – ўйчанлик билан сўради Нодирбек.

Ҳа, айтганча сенинг хабаринг борми, Акмалжон мени олдимга келганидан. У бутун кечинмаларини очиқ айтди. Яъни, мени олдимга келиб ўзи ёшлик қилиб, Жамила билан ораларида фарзандлари бўла туриб, бошқа аёлга кўнгил қўйганлигини ва оиласини етарли даражада ҳурмат қилмаганлиги оқибатида шу кунларга тушганлигини, бўлиб ўтган воқеаларда айбдорлигини ва афсусда эканини ҳам билдирди. Акмалжоннинг бошлиғини эслайсанми? Ўша бошлиғининг олдига бориб, бу қотилликда айби йўқлигини айтган экан, муқаддам ишла-

ган ишга тиклашга ваъда берибди. Унга ишхонаси ҳисобидан уй ҳам олиб беришибди. Энди шу уйда Жамила ва фарзанди билан яшаяпти экан.

Нодирбек, агар ҳаётда тўғри юриб, дўстларингга ва инсонларга нисбатан ҳалол бўлсанг, сенга ёрдам қўлини чўзгувчилар кўп бўлади.

– Биз ука, қўлимиздан келган ишни қилдик, – Раҳматулло ака хўрсинди. Гуноҳсиз гуноҳкор – Акмалжон, ёлланмаган қотиллар – Жамила, Жўрабойни ноқонуний жазодан, пулдорлар чангалидан қутқариб вазифамизни бажардик, холос. Энди уларнинг содир этган ножўя ҳаракатларига суд баҳо беради.


***ВАЛИШЕР МАДАМИНОВ***

**ЁЛЛАНМАГАН ҚОТИЛ**

***(Детектив қисса)***

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013

Муҳаррир *Р. Бойтўра*
Бадиий муҳаррир *Ш. Қурбонов*
Техник муҳарр ир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Л. Бацева*
Мусаҳҳиҳлар: *М. Зиямуҳамедова, Ш. Хуррамова*